

ШАРОФИДДИН НАЗАРОВ

**МИНТАҚАВИЙ  
ИҚТИСОДИЁТ ВА  
БОШҚАРУВ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ  
Г.В. ПЛЕХАНОВ НОМИДАГИ РОССИЯ ИҚТИСОДИЁТ  
УНИВЕРСИТЕТИНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ ФИЛИАЛИ

ШАРОФИДДИН НАЗАРОВ

# МИНТАҚАВИЙ ИҚТИСОДИЁТ ВА БОШҚАРУВ

«RENESSANS»  
ТОШКЕНТ  
2021

УЎК 332.12:005

КБК 65.04

Н 18

Назаров, Шарофиддин.

Минтақавий иқтисодиёт ва бошқарув [Матн] /  
Ш. Назаров.—Т.: «Renessans» нашриёти, 2021. — 196 б.

ISBN 978-9943-6811-0-1

### Тақризчилар:

*А.М. Содиқов* — иқтисодиёт фанлари доктори, профессор.

*Ш.Х. Отабоев* — иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD).

*Ушбу нашр Ўзбекистон Миллий университети ҳамда Г.В. Плеханов  
номидаги Россия иқтисодиёт университетининг Тошкент шаҳридаги  
филиали илмий кенгашларининг қарорларига мувофиқ нашрга  
тавсия этилган.*

Ушбу монографияда иқтисодиётни ҳудудий ташкил қилиш ва бошқаришнинг назарий, услубий ва амалий жиҳатлари ёритилган. Шунингдек, минтақа иқтисодиётига оид тадқиқотлар, илмий изланишлар ва иқтисодий жараёнларни таҳлил қилиш борасида муаллиф томонидан олинган натижалар келтирилган. Китобда ҳудудларни ривожлантиришда инвестиция ва инновация жараёнларини самарали ташкил қилиш ва бошқариш, минтақалар рақобатдошлигини аниқлаш ва ошириш масалалари муҳим ўрин эгаллаган. Бундан ташқари, ҳудудий ривожлантириш стратегияларини ишлаб чиқиш, амалга оширишнинг услубий ва амалий жиҳатлари муаллифнинг амалий ҳамда илмий тажрибасидан келиб чиққан ҳолда баён этилган.

Монография кенг китобхонлар, хусусан, талаба ёшлар, магистрантлар, тадқиқотчи-изланувчилар, илмий ходимлар ва ҳудудларни ривожлантириш масалалари билан шуғулланаётган амалиётчиларга мўлжалланган.

ISBN 978-9943-6811-0-1

© Назаров Ш.Х., 2021.

© «Renessans», 2021.

## МУНДАРИЖА

Сўзбоши.....	4
Кириш.....	9

### I БОБ

#### МИНТАҚАВИЙ ИҚТИСОДИЁТ РИВОЖЛАНИШИНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ

1.1. Ҳудуд иқтисодиётини бошқаришга оид асосий тушунчалар.....	14
1.2. Минтақа ривожланишига иқтисодий ва географик омилларнинг таъсири.....	18
1.3. Миллий иқтисодиётнинг ҳудудий мувозанатлигини таъминлаш.....	27
1.4. Кичик ва ўрта шаҳарларни ривожлантириш.....	37

### II БОБ

#### МИНТАҚА РАҚОБАТДОШЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ УСЛУБИЙ ВА АМАЛИЙ ЖИҲАТЛАРИ

2.1. Минтақа рақобатдошлигининг тизимли таҳлили.....	48
2.2. Минтақа рақобатдошлигини қиёсий баҳолаш.....	59
2.3. Минтақа рақобатдошлигини оширишнинг асосий йўналишлари.....	74

### III БОБ

#### ҲУДУДЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ СТРАТЕГИЯЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШНИНГ ИЛМИЙ ВА АМАЛИЙ ЖИҲАТЛАРИ

3.1. Ҳудудларни ривожлантиришда стратегик ёндашув.....	85
3.2. Ҳудудларни ривожлантириш стратегияларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш усуллари ва воситалари.....	97
3.3. Ҳудудларни стратегик ривожлантириш жараёнини бошқариш масалалари.....	106

Хотима..... 117

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати..... 123

Илова..... 125

## СЎЗБОШИ

Глобаллашув шароитида Ўзбекистон ва унинг ҳудудлари иқтисодий жараёнларнинг фаол иштирокчисига айланмоқда. Шу муносабат билан ҳар бир ҳудуд олдида ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг стратегик йўналишларини танлаш муаммоси юзага келмоқда. Бунинг учун ҳудудий бошқарув тизимига замонавий бошқарув усуллари ва механизмларини жорий этиш талаб этилади.

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати минтақалар иқтисодиёти-ни ривожлантиришда ҳудудий бошқарувни такомиллаштиришга қаратилган бир қанча тизимли чоралар кўрмоқда. Кейинги беш йил давомида амалга оширилаётган ҳудудларни комплекс ривожлантириш дастурлари, ҳудудий бошқарувни тартибга солувчи қонунчилик ва норматив ҳужжатлар қабул қилинганлиги ҳудудларнинг табиий-иқтисодий ресурслари ва салоҳиятларидан самарали фойдаланишга жиддий эътибор берилаётганлигини кўрсатиб турибди.

Қайд этиш лозимки, эришилган ижобий натижалар билан биргалликда ҳудудларни ривожлантиришда стратегик бошқарув усуллари қўллашнинг назарий ва методик асослари етарли даражада ишлаб чиқилмаган. Шунингдек, ҳудудларни комплекс ривожлантириш борасида услубий бир хиллик, тармоқлар ва соҳаларни ягона мақсадга йўналтириш ҳамда уларнинг уйғунлигини таъминлаш, минтақавий иқтисодиётни ривожлантиришда ҳудудларнинг ўзига хос жиҳатларини ҳисобга олиш

масалалари илмий ва услубий жиҳатдан ўз ечимини тўлиқ топмаган.

Юқоридагилар сабаб ҳамда стратегик режалаштириш борасида билим ва малакага эга бўлган мутахассислар етишмаслиги туфайли узоқ муддатга мўлжалланган, стратегик аҳамиятга эга ҳужжатларни илмий ва амалий жиҳатдан асослаш борасида ҳанузгача эскирган усуллардан фойдаланилмоқда.

Кейинги йилларда мамлакатимизда тўпланган тажриба ва иқтисодиётда олиб борилаётган кенг қамровли ислохотлар ривожланишнинг устувор йўналишлари, мақсад ва вазифаларини аниқлашда узоқ муддатли миллий ва ҳудудий ривожлантириш стратегияларини ишлаб чиқиш зарурлигини кўрсатмоқда. Бундай стратегиялар ягона методологик ёндашувлар асосида ишлаб чиқилса, ижроси зарур моддий ва молиявий ресурслар билан таъминланса, минтақалар иқтисодиётини ривожлантиришда бошқарув сифатини оширишга хизмат қилади.

Бу, ўз навбатида, иқтисодиётни таркибий жиҳатдан ислох қилиш ва ривожлантиришда вазирлик ва идоралар фаолияти уйғунлигини таъминлаш, мавжуд муаммо ва тўсиқларни тезкорлик билан аниқлаш ва бартараф этишга асосланган замонавий ва инклюзив институционал тизимни жорий этиш имконини яратади.<sup>1</sup>

Ушбу тизим макроиқтисодий барқарорлик, иқтисодий ўсиш мақсадлари ва таркибий ислохотлар ўртасидаги мувофиқликни таъминлаш, шунингдек, ташқи ва ички омиллар таъсирида юзага келадиган иқтисодий циклларни бошқаришнинг замонавий прогнозлаштириш моделларига асосланган самарали восита ва механизмларни жорий этишни талаб этади. Бундан ташқари, камбағалликни қисқартиришга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш борасида олиб борилаётган кенг қамровли

<sup>1</sup> «Иқтисодиётни ривожлантириш ва камбағалликни қисқартиришга оид давлат сиёсатини тубдан янгилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 26 мартдаги ПФ-5975-сон Фармони.

ишлар ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан комплекс ривожлантириш бўйича амалдаги тамойиллар ва ёндашувларни ҳам қайта кўриб чиқиш ва такомиллаштиришни талаб этади.

Юқоридаги масалалар ечимига илмий тадқиқот нуқтаи назаридан ёндашадиган бўлсак, минтақавий иқтисодиётга оид илмий мактаблар ва янги илмий ғоялар оқими, ҳудудий ривожлантириш назариялари ва иқтисодий ўсиш омиллари борасидаги билимимизни янада бойитиш зарурати яққол сезилади.

Шу ўринда, ушбу тақдим этилаётган монография тор доирадаги ўқувчиларга мўлжалланган бўлишига қарамасдан, унда кўтарилган масала ва муаммолар ушбу заминда яшаб турган ҳар бир фуқаро учун ўзи туғилиб ўсган жой, фаолият олиб бораётган ҳудудни тўлақонли англаб олиш, унда кечаётган иқтисодий ва ижтимоий жараёнларни кузатиб бориш ва мазмун-моҳиятига етиш нуқтаи назаридан муҳим. Масалан, ҳар биримиз «макон», «ҳудуд», «минтақа» сингари сўзларни оммавий ахборот воситалари орқали кундалик ҳаётда тез-тез эшитиб тураемиз. Лекин ушбу сўзларнинг иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан маъни мада эканлигига кўп ҳам эътибор бермаймиз, чунки бу маълум даражада махсус илми ҳам талаб этади.

Яна бир муҳим масала, бу – ҳудудларни бозор муносабатлари ва принципларига мос равишда бошқариш бўлиб, бу борада минтақавий ривожланишнинг иқтисодий, ижтимоий, институционал ва экологик омилларини яхши тасаввур қилмасдан, бошқарувни самарали амалга ошириб бўлмаслиги ҳеч кимга сир эмас. Минтақавий кластерлар, минтақавий рақобатбардошлик, минтақалашув ва ҳудудий интеграциялашув асосларини билмасдан туриб, собиқ Иттифок даврининг режали ривожлантириш принциплари ва усулларига таяниб, минтақа иқтисодиётини ривожлантириб бўлмаслигини мустақиллик йилларининг дастлабки чорак асри яққол исботлаб берди.

Биз ҳозир геосиёсий, геоиқтисодий ва экологик муаммолар туфайли хавф-хатарлар кучайган бир даврда яшаймиз. Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон Президенти Ш.М. Мирзиёев минтақаларни ривожлантириш масаласини миллий иқтисодиётни ҳудудий ривожлантириш сиёсати даражасига олиб чиқди. Бундай шароитда маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органлари ҳар бир ҳудуднинг табиий-иқтисодий салоҳиятини тўғри баҳолай олиши ва таҳлил қилиб бориши, минтақанинг рақобатбардошлигини оширишга қаратилган ўрта ва узоқ муддатли чора-тадбирлар белгилаши ҳамда дастурлар қабул қилиб амалга оширишлари лозим бўлади. Иқтисодиётни либераллаштириш ва глобаллашув шароитида бундай стратегик аҳамиятга эга бўлган ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш уларга маълум даражада илмий ёндашувни талаб қилади.

Шу нуқтаи назардан, ушбу монографияда ҳар бир ҳудуднинг салоҳияти, ресурслари, имкониятлари, қиёсий устунликлари, мумкин бўлган таҳдид ва хатарларини ҳисобга олган ҳолда ривожлантиришга оид стратегик ҳужжатлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш масалалари илмий ва амалий жиҳатдан, муаллифнинг асосли кузатувларидан келиб чиққан ҳолда ёритилган.

Монографияда минтақавий иқтисодиётда кечаётган энг мураккаб жараёнлар, ҳудудларнинг ривожланганлик даражасидаги тенгсизлик, иқтисодиёт таркибидаги кескин тафовутлар, иқтисодиётни ислоҳ қилишда маҳаллий бошқарув тизимидаги трансформацион ўзгаришлар ва муаммолар очиб берилган. Шунингдек, ҳудудларнинг функционал узвийлигини ҳисобга олган ҳолда уларни иқтисодий зоналар, саноат зоналари ва узеллари, иқтисодий районлар, шаҳар агломерациялари кўринишида комплекс равишда ва тизимли ривожлантириш муаммоларига эътибор қаратилган. Шу нуқтаи назардан минтақа иқтисодиётини ривожлантириш ва ҳудудий бошқарувни такомиллаштиришга оид таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Хулоса қилиб айтганда, ушбу монография иқтисодий ва ҳудудий ташкил қилиш ва бошқаришнинг назарий ва услубий жиҳатларини ёритганлиги, минтақада кечаётган иқтисодий жараёнларни тизимли таҳлил қилиш, ҳудудларни ривожлантиришда инвестиция ва инновация жараёнларини самарали ташкил қилиш ва бошқариш, минтақалар рақобатдошлигини аниқлаш ва ошириш масалалари, ҳудудий ривожлантириш стратегияларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишнинг услубий ҳамда амалий жиҳатлари билан минтақавий иқтисодиёт ва ҳудудий бошқарув йўналишларида илмий изланиш олиб бораётган тадқиқотчилар, магистр ва докторантлар ҳамда амалиётчилар учун фойдали бўлади.

*Академик*

**Қаландар Абдурахмонов**

— Ушбу монографияда иқтисодий ва ҳудудий ташкил қилиш ва бошқаришнинг назарий ва услубий жиҳатлари таҳлил қилинган. Минтақада кечаётган иқтисодий жараёнларни тизимли таҳлил қилиш, ҳудудларни ривожлантиришда инвестиция ва инновация жараёнларини самарали ташкил қилиш ва бошқариш, минтақалар рақобатдошлигини аниқлаш ва ошириш масалалари, ҳудудий ривожлантириш стратегияларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишнинг услубий ҳамда амалий жиҳатлари билан минтақавий иқтисодиёт ва ҳудудий бошқарув йўналишларида илмий изланиш олиб бораётган тадқиқотчилар, магистр ва докторантлар ҳамда амалиётчилар учун фойдали бўлади.

## КИРИШ

Жаҳон иқтисодиётида интеграцион жараёнларнинг жадаллашуви ва глобаллашув тез суръатларда ривожланиб бораётган бир пайтда мамлакатлар иқтисодиётини ҳудудий жиҳатдан ўрганиш зарурати бир қарашда унчалик муҳим ва долзарб вазифа эмасдек туюлади. Шунга қарамасдан, кейинги ўн йилликларда кўпгина мамлакатлар ўз ривожланиш жараёнларида юзага келаётган муаммоларни ҳудудий жиҳатдан чуқурроқ ўрганишга эътибор қаратаётганлигини кўришимиз мумкин. Айрим мамлакатлар, ҳаттоки миллий ривожлантириш стратегияларини ҳам айнан алоҳида минтақаларнинг ўрта ва узоқ муддатга мўлжалланган стратегик тасаввурларидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқмоқдалар. Бунга ўтиш даврида бўлган Шарқий Европа мамлакатлари (Чехия, Словакия, Польша, Болтиқ бўйи мамлакатлари) ҳудудий ривожланишини мисол қилиб келтириш мумкин. Шу ўринда, Шарқий Осиё давлатлари (Япония, Корея, Хитой) ривожланиш моделида айнан ҳудудий ривожлантириш стратегиялари муҳим ўрин тутиб келаётганлиги ҳам фикримизнинг далили бўла олади.

Хўш шундай экан, бунинг асосий сабаби нимада? Бу саволга жавоб топиш мақсадида марказда (макро даражада) амалга оширилиши кўзда тутилаётган ҳар бир тадбир, лойиҳа ёки турли дастурлар ижросини ўрганадиган бўлсак, уларнинг ҳар бири маълум бир ҳудуднинг имкониятлари ҳисобига амалга оширилади. Яъни, юқори ва ўрта бошқарув бўғинларида қабул қилинадиган қарорлар ҳудуднинг ишлаб чиқариш ва инсон омиллари, ресурслар ва салоҳиятини ҳисобга олган ҳолда қабул қилинади. Акс ҳолда ҳар қандай бошқарув қарорлари, чора ва тадбирлар, агарда улар ҳудуд даражасида имконият ва ресурсларни реал ҳисобга олмасдан режалаштириладиган бўлса, қутилган натижани бермайди.

Шу ўринда иқтисодий ўсиш назариятчисиси ва минтақашунос тадқиқотчилар томонидан олиб борилган изланишлардан [1, 2] келиб чиқиб айтиш мумкинки, глобал миқёсда шундай механизмлар ишга тушмоқдаки, улар худудни глобал ривожланишнинг муҳим бўғинига айлантириш имконига эга [3]. Майкл Портернинг таъбири билан айтганда, «...глобаллашув шароитида минтақа бош бўғинга айланмоқда, яъни маҳаллийлаштирилган худудларда бутун дунё мамлакатлари қўшилган қийматларининг салмоқли улуши яратилмоқда ва айнан худудий шарт-шароитлар ишлаб чиқарилаётган товарлар рақобатдошлигини белгиламоқда». Йирик агломерациялар, ўсиш нуқталари ва махсус иқтисодий зоналар кўринишидаги янги минтақавий марказларнинг шаклланиши инвестициялар, юқори малакали ишчи кучи ва истиқболли инфратузилма лойиҳаларини жалб қилишда рақобатнинг кучайишига олиб келмоқда. Йирик минтақавий марказлар ҳиссасига жаҳон ЯИМнинг 75 фоизи, экспортининг – 58, инвестицияларнинг 76 фоизи тўғри келмоқда.<sup>1</sup>

Юқоридагилардан кўринадики, замонавий иқтисодий ўсиш назариялари минтақа иқтисодиёти ривожланишнинг эндоген ички омилларига (интеллектуал ва инновацион салоҳият, иқтисодий ўсишнинг бошқа сифат омиллари) эга бўлган субъект сифатида қараётганлиги воқеликка айланиб бўлди. Минтақавий иқтисодиётга нисбатан анъанавий қарашларга қўшимча қилиб айтиш мумкинки, бугунги кунда минтақа иқтисодиёти ташқи омиллар (ташқи муҳит, ташқи рақобат, геоиқтисодий ва геосиёсий омиллар) таъсири билан бевосита тўқнаш келмоқда. Буни, энг аввало, халқаро капитал ва меҳнат тақсимотида кўришимиз мумкин.

Минтақавий иқтисодиётга оид кўпгина тадқиқот натижаларига кўра [4,5,6,7] худудлар ўзининг кўлами, географик жойлашуви, табиий – иқлим шароити, табиий ва иқтисодий ресурслари ва энг асосийси иқтисодий салоҳиятидан келиб чиқиб маълум бир ривожланиш даражасига эга бўлади ва бошқа худудлардан фарқланиб боради. Бундан ташқари, маълум бир объектив ва субъектив са-

<sup>1</sup> Европа Иттифоқи, НАФТА ва АТЭС таркибига кирувчи минтақалар улуши. Манба: 2014 йил учун Жаҳон банки маълумотлари. Электрон манба: <http://databank.worldbank.org> (манбадан фойдаланилган сана: 15.01.2016 й.).

бабларга кўра минтақалашув жараёнлари ҳар бир мамлакатда турлича кечиши мумкин. Агарда бу ҳолатга Пол Кругман [8] назариясидан келиб чиқиб баҳо берадиган бўлсак, худудий ривожланишда минтақалар рақобат устунлигининг «бирламчи табиати» ва «иккиламчи табиати»га эътибор қаратишимиз керак бўлади. «Бирламчи табиат», асосан табиий ресурслар омили билан боғлиқ бўлса, «Иккиламчи табиат»га эса инсон капитали, агломерация самараси ва бошқарув институтлари сифати каби омиллар тааллуқли бўлади. Айни пайтда мана шу «бирламчи табиат» ва «иккиламчи табиат»га оид омилларнинг худудлар кесимида турлича мавжудлиги ёки шаклланганлиги минтақалар ривожланишида мавжуд тафовутларнинг кескинлашувига олиб келмоқда.

Агар худуд бой хомашё ресурслари ва уларни қайта ишловчи қувватларга эга бўлса, иқтисодий барқарор бўлади деб қафолат бериш қийин. Аҳолиси нисбатан кўп, лекин етарлича ресурсларга эга бўлмаса-да, иқтисодий барқарор ривожланаётган худудларни ҳам кузатишимиз мумкин. Бундай ҳолатлар худудларнинг имкониятлари ва салоҳиятини ишга солишда бошқарувнинг самарали ва энг мақбул (оптимал) усулларини топиш ва уларни амалиётда оқилона қўллаш билан маълум даражада боғлиқ эканлиги аён бўлмоқда.

Шу ўринда, минтақаларнинг ўзига хос тарихий, табиий-иқтисодий, маданий-этник жиҳатларини чуқур англаган ҳолда уларда кечаётган ижтимоий-иқтисодий жараёнларни бошқариш тизимини шакллантириш муҳим аҳамият касб этмоқда. Ушбу фикрнинг тасдиғи сифатида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев томонидан худудларни жадал иқтисодий ривожлантириш, шу жумладан, уларнинг табиий, иқтисодий ва инсон салоҳиятидан самарали фойдаланишда бошқарув тизими самарадорлигини оширишга қаратилган бир қанча янгича ёндашувлари ва ташаббуслари тасдиқлаб турибди.<sup>1</sup>

Чунки, кейинги ўн йилликларда мамлакатимизда эришилган жадал иқтисодий ривожланиш суръатлари билан биргаликда

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 августда қабул қилинган «Худудларни жадал ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни таъминлашга оид устувор чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-3182 сонли қарори.

минтақалар ривожланишида бир қанча муҳим муаммолар йиғилиб қолган эди. Аниқроғи, маҳаллий бюджетларнинг даромад ва харажатларидаги номувозанатлилик, ҳудудларнинг экспорт имкониятлари чекланиб қолаётганлиги, жойларда замонавий бозор инфратузилмасини ташкил этишдаги камчиликлар, тадбиркорликни ривожлантиришда мавжуд муаммолар яққол кўзга ташланиб қолди. Айниқса, ижтимоий-иқтисодий ривожланишда орқада қолган туманлар ва шаҳарларда мавжуд муаммоларни самарали ечиш борасида амалдаги бошқарув усуллари бугунги кун талабига жавоб бермай қолганлиги, бошқарув ишларида уйғунлик йўқлиги давлат ва хўжалик бошқаруви органлари фаолиятида кўплаб хато ва камчиликларни келтириб чиқарганлиги Президент Ш. Мирзиёев томонидан очик танқид остига олинди.

Албатта, бундай ҳолатларнинг мавжудлиги ҳудудда ишчанлик муҳити ва фаоллигига салбий таъсир кўрсатади, тадбиркорликни жадал ривожлантиришга тўсиқ бўлади ва охир-оқибатда ишсизлик, камдаромадлик, турмуш даражаси ва сифатининг пасайиши каби кўплаб ижтимоий муаммоларни келтириб чиқади.

Умуман олганда, юқорида келтирилган муаммолар нафақат иқтисодий ёки ижтимоий жиҳатдан, балки кенг маънода, тизимли ўрганишни талаб этади. Хулоса қилиб айтганда, ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий жараёнларини бошқариш жамият ривожланишининг ҳудудий жиҳатлари билан боғлиқ бўлиб, бу муаммони кўплаб фанлар туташлигида, шу жумладан, география, демография, социология, минтақашунослик, иқтисодиёт борасида тўпланган билим ва тажрибаларни қўллаган ҳолда ўрганиш талаб этилади.

Шу ўринда ҳудудлар ривожланишида энг мураккаб трансформация жараёнлари анча кечикиб, сўнгги беш йилда чуқур ислоҳ қилинаётганлигини эътироф этиш ўринли бўлади. Айни пайтда Президент Ш.М. Мирзиёев бошчилигида олиб борилаётган ҳудудлар иқтисодиётини ривожлантириш сиёсати иқтисодиёт ривожланишидаги қонуният, даврийлик ва жараёнларни ҳудудларнинг муаммолари билан узвий боғлаган ҳолда, уларни иқтисодий зоналар, саноат зоналари ва узеллари, иқтисодий районлар, шаҳар агломерациялари каби қисмларга бўлган ҳолда комплекс равишда ва тизимли ўрганишни талаб қилмоқда. Шу нуқтаи назардан минтақа

иқтисодиётини ривожлантириш ва бошқарувга оид амалда мавжуд назарий ва услубий ёндашувларни умумлаштирган ҳолда мавжуд муаммоларнинг янгича ечимини топиш замонавий минтақашунослик фанининг асосий вазифаси ҳисобланади.

Ушбу тавсия қилинаётган монографияда иқтисодиётни ҳудудий ташкил қилиш ва бошқаришнинг назарий ва услубий жиҳатлари ёритилган. Шунингдек, Ўзбекистонда минтақа иқтисодиёт фанининг таниқли олимлари Авазбек Содиков, Муҳаммадамин Абдусаломов, Абдусами Солиев, Абдихаким Қаюмов, Турсун Аҳмедовларнинг тадқиқотларидан фойдаланилган ҳолда амалга оширилган илмий изланишлар натижалари, иқтисодий жараёнларни таҳлил қилиш борасида Ригнат Асадуллаевич Убайдуллаевдан ўзлаштирилган мураккаб тизимларни моделлаштириш усуллари орқали олинган натижалар келтирилган. Китобда ҳудудларни ривожлантиришда инвестиция ва инновация жараёнларини самарали ташкил қилиш ва бошқариш, минтақалар рақобатдошлигини аниқлаш ва ошириш масалалари муҳим ўрин эгаллаган бўлиб, бу борада Пўлат Хайруллаевич Носиров илмий ва амалий йўналишлари ўз натижаларини берган. Бундан ташқари, ҳудудий ривожлантириш стратегияларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишнинг услубий ва амалий жиҳатларини мантикий боғлиқликда тақдим этишда академик Қаландар Хўжаевич Абдурахмонов тавсиялари муаллифнинг амалий тажрибалари асосида тизимли таҳлилга оид илмий хулосалар чиқариш имконини берган.



## I БОБ

### МИНТАҚАВИЙ ИҚТИСОДИЁТ РИВОЖЛАНИШИНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИХАТЛАРИ

#### 1.1. Худуд иқтисодиётини бошқаришга оид асосий тушунчалар

Минтақавий иқтисодиёт фани нисбатан ёш предмет ҳисобланади. Ривожланган ғарб давлатларида минтақавий иқтисодиётни фан сифатида ўрганиш XX асрнинг ўрталарида бошланган ҳамда унинг ғоявий асосчиси ва ташкилотчиси сифатида америкалик иқтисодчи ва географ У. Айзард тан олинган.[9] Унинг 1966 йилда чоп этилган «Минтақавий таҳлил усуллари: минтақалар ҳақидаги фанга кириш» номли асари ноёб библиографик манба сифатида тан олинган.

Минтақа иқтисодиёти фан сифатида собиқ Иттифоқ таркибига кирган давлатда, шу жумладан, Ўзбекистонда ҳам XX асрнинг 70-йилларидан бошлаб ўрганила бошланди. Академик А.Г. Гранбергнинг таъбирига кўра, минтақавий иқтисодиёт ўзининг тутган ўрни ва аҳамияти жиҳатидан иқтисодиёт фанининг марказий қисмларидан бирини эгаллаши керак, яъни «иқтисодиёт фанининг ядроси уч қатламдан иборат тизим: макроиқтисодиёт, микроиқтисодиёт ва минтақавий иқтисодиёт сифатида қурилади». [10]

Минтақавий иқтисодиёт фанининг ўрганадиган предмети бир қанча илмий ишларда турлича талқин қилинади. Ушбу фан намояндаларидан бири Н.Н. Некрасовнинг фикрича, минтақавий иқтисодиёт иқтисодий ва ижтимоий омиллар ва ҳолатлар тўпламини ҳар бир худуд ва мамлакат миқёсида ишлаб чиқариш кучларини режали ривожлантириш нуқтаи назаридан ўрганади. Шу ўринда ишлаб чиқариш кучларини оқилона жойлаштириш минтақа иқтисодиётининг энг асосий қисми ҳисобланади.

Л.Г. Гранбергнинг фикрича, ушбу фаннинг предметини аниқлашда тизимли ёндашиш зарур, чунки ушбу предмет жуда мурак-

қаб ва кўп кирралидир, унинг асосий таркиби сифатида: алоҳида худуд иқтисодиёти; худудлараро иқтисодий муносабатлар; худудий тизимлар; ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш ва иқтисодий ҳаётнинг бошқа худудий жиҳатлари киради.

Умуман олганда, минтақа иқтисодиётининг предмети нуқтаи назаридан барча қарашлар мазмунан иккита йўналишга ажратилади. Биринчи йўналиш минтақавий иқтисодиёт фани миллий иқтисодиёт ривожланишининг худудий (макон) жиҳатларини ўрганади деб ҳисобласа (Н.Н. Некрасов, А.Г. Гранберг, А. Солиев, А. Содиқов ва бошқалар), иккинчи йўналиш ишлаб чиқариш кучларини оқилона жойлаштириш нуқтаи назаридан ушбу фан предметига таъриф беради (В.Г. Глушков, В.Н. Видяпин, Е.Л. Плесецкий, М. Абдусаломов, Т.М. Аҳмедов ва бошқалар).

Юқорида келтирилган ҳар иккала қарашларни ҳам ўринли ҳисоблаган ҳолда шуни инобатга олиш керакки, Пол Кругманинг назарий қарашларига кўра, минтақалар рақобат устунлигининг «иккиламчи табиати» сифатида инсон капитали, агломерация самараси, бошқарув институтлари сифати каби омилларнинг худудий ривожланишдаги аҳамияти ортиб бормокда. Бунга кўшимча сифатида айтиш мумкинки, М. Портернинг кластерлар ва рақобат назариясига кўра, фирмалар ва компаниялар жойлашган худуднинг рақобатдошликка таъсир кўрсатиши ғоялари амалиётда ўз исботини топмокда.[11] Бундан ташқари, бир қанча замонавий олимларнинг минтақа иқтисодиётига оид олиб бораётган фанлараро тадқиқотларида яна бир қанча эндоген омиллар ушбу фаннинг предмети сифатида тизимли ва комплекс ўрганилмокда.

Юқоридагилардан хулоса қилиб айтиш мумкинки, минтақа иқтисодиёти миллий иқтисодиёт ривожланишининг худудий муаммолари ва ўзига хос жиҳатларини тизимли, комплекс ҳамда фанлараро *предмет* сифатида ўрганади ва шу аснода уларни ечиш йўллари ва механизмларини аниқлаб беради.

Минтақавий иқтисодиётнинг ўрганиш *объекти* мамлакат ижтимоий-иқтисодий тизимининг худудий жиҳатлари, худудий тузилмаларнинг фаолияти билан боғлиқ жараёнлар, алоҳида худудий тузилмалар ва улар ўртасидаги функционал алоқалар ва ўзаро боғлиқликлар, худудлараро иқтисодий-ижтимоий муносабатлар,

минтақалар ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг бошқариш механизмлари ва усуллари ҳисобланади.

Минтақа иқтисодиётини ўрганишда бир қанча *тадқиқот методлари*: улардан асосийлари сифатида қиёсий таҳлил қилиш ва танлама кузатишнинг умуммиллий методлари, тизимли таҳлил, иқтисодий-математик методлар, кўп омилли эконометрик таҳлиллар, функционал таҳлил, эксперт баҳолаш методлари, социологик тадқиқотлар қўлланилади.

Минтақавий иқтисодиёт фани предмет, объект ва тадқиқот методлари жиҳатидан ҳудудий бошқарув (менежмент) фанига жуда яқин. Лекин асосий фарқ шундаки, ҳудудий бошқарув ҳудудни иқтисодий ва ижтимоий жараёнларини маълум принциплар, методлар, воситалар, шакллар асосида чуқур ўрганиб боради ва шу аснода бошқарув қарорлари, бошқарув ечимлари, бошқарувга оид бўлган чора-тадбирларни ишлаб чиқишга йўналтирилган ечимлар топиш усуллари ўргатади. Бошқача қилиб айтганда, ҳудудий менежмент – ҳудуд даражасидаги жараёнларни бошқариш ва мувофиқлаштириш асосида ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлашга қаратилган фаолиятнинг илмий ва амалий жиҳатларини ўрганади.

Ҳудудий бошқарувнинг давлат бошқаруви билан биргаликда қаралиши ҳамда доимий эътиборда бўлишининг асосий сабаби шундаки, давлатнинг асосий устувор вазифаларни амалга ошириши, устувор тармоқларни ривожлантиришга қаратилган дастурлар ва лойиҳаларни рўйбга чиқариши, қолаверса, ижтимоий-иқтисодий сиёсатдаги барча жабҳалар ҳудудда амалга оширалаётган чора-тадбирлар билан бевосита боғланган бўлиб, ҳудуднинг салоҳияти, имкониятлари ва ресурслари билан уйғунлашган бўлиши керак. Шунинг учун ҳудудни ривожлантиришда, албатта, биринчи ўринда давлатнинг манфаатлари ва сиёсатидан келиб чиқилади ва ўз навбатида, бевосита ҳудудни ўзига тааллуқли бўлган муаммолар, масалалар ва уларнинг ечимлари топилади. Мана шу жараёнда ҳудудда яшаётган аҳолининг мафаатларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган бошқарув ечимлари самарали ҳисобланади.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда айтиш жоизки, минтақавий иқтисодиёт фанини чуқур ўзлаштирмасдан туриб ҳудудий

бошқарув асосларини тўлақонли ўзлаштириш қийин. Ушбу фикрни асослаш учун ҳудудий бошқарувнинг қуйидаги вазифаларига эътибор қаратиш керак бўлади. Яъни:

- ◆ миллий иқтисодиётнинг ҳудудий жиҳатларини минтақалар кесимида, уларни бир-бири билан тизимли боғлиқликда ўрганиш;
- ◆ минтақаларнинг географик, иқтисодий, ижтимоий ва экологик жиҳатларини фанлараро боғлиқликда ўрганган ҳолда ҳудудларнинг иқтисодий салоҳияти, мавжуд табиий-иқтисодий ресурсларини ва мамлакат иқтисодиётида тутган ўрнини баҳолаш;
- ◆ ҳудудда ишлаб чиқариш кучларини ривожлантириш ва уларни оқилона жойлаштириш;
- ◆ ҳудуддаги табиий-иқтисодий ресурслардан самарали фойдаланиш;
- ◆ ҳудуддаги мавжуд ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш салоҳиятидан самарали фойдаланиш, минтақавий бозорлар ва минтақалараро алоқаларни ривожлантириш;
- ◆ ишлаб чиқаришга таъсир этувчи унумдорлик омилларини аниқлаш ва улардан самарали фойдаланиш;
- ◆ ҳудуднинг рақобатдошлигини ошириш манбалари ва омилларини аниқлаш ва улардан самарали фойдаланиш;
- ◆ меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш, аҳолини барқарор даромад манбаи билан таъминлаш;
- ◆ корхона ва ташкилотлар ҳамда тадбиркорлик фаолиятларининг доимий барқарорлигини таъминлаш эвазига бевосита ҳудуднинг молиявий ҳолатини яхшилаш, маҳаллий бюджетларнинг мустақиллиги, ликвидлиги ва даромадлигини таъминлаш;
- ◆ ишлаб чиқариш инфратузилмаси ва коммуникацияларини ривожлантириш ва бошқа вазифаларни англаш, уларнинг ечимини топиш минтақа иқтисодиётига оид билимни талаб этади.

Шу тўғрисида ҳам ҳудудий бошқарув масалаларини кўришдан олдин минтақа, унинг салоҳияти, унда кечаётган жараёнлар билан яқиндан танишиш мақсадга мувофиқ бўлади.

## 1.2. Минтақа ривожланишига иқтисодий ва географик омилларнинг таъсири

Минтақаларнинг иқтисодий ривожланиш ҳолати ва истикболлари бир хилда бўлмайди ва бунга иқтисодчи олимлар турлича таъриф беришади. Бугунги кунда минтақашунослик йўналишида олиб борилаётган илмий тадқиқотларда ушбу масаланинг географик ва институционал омилларига кўпроқ аҳамият берилмоқда.

Худудларнинг иқтисодий ўсишини белгилашда унинг географик жойлашуви, иқлими, табиий ресурсларнинг мавжудлиги, аҳоли зичлиги, транспорт тизимининг ривожланганлиги ва қулайлиги ҳамда бошқа бир қанча инфратузилмавий омиллар потенциал белгиловчи сифатида қаралади.

Шунинг билан биргаликда ўсиш омилларини таҳлил қилишда худуднинг географик хусусиятларидан ташқари институционал ва инсон капитали каби омиллар ҳам минтақавий тафовутларни келтириб чиқариши тўғрисида турли хил тасаввурлар олимлар томонидан тасдиқланмоқда. Бундай мушоҳадалар анчадан буён давом этиб келмоқда. Масалан, анъанавий неоклассик назария тарафдорлари худудларнинг ривожланишида энг асосий омил сифатида меҳнат ва капитал жамланишига эътибор қаратади.[12] Яъни, аҳоли сонининг ортиб бориши билан уларнинг бандлигини таъминлаш мақсадида иқтисодиётга кўпроқ инвестицияларни жалб этиш жараёни иқтисодий ўсишни белгиловчи хусусиятга эга бўлади.

Янги институционал назария тарафдорлари илмга асосланган иқтисодиёт ва инновациялар бугунги кунда ҳар қандай ривожланган ёки илдам ривожланиб бораётган худудларнинг юқори ўсиш даражасига сабаб бўлаётганлигини ўз илмий қарашларида асослашга ҳаракат қилади.[13] Уларнинг фикрича, иқтисодиётда замонавий бошқарув механизмлари ва қоидаларнинг амал қилиши, жамоатчилик ва фуқароларнинг фаоллиги ва кечаётган жараёнларга бефарқ эмаслиги, янги ғояларнинг иқтисодиётга татбиқ қилиниши иқтисодий ўсишни таъминловчи асосий омиллар ҳисобланади. Ушбу ғоя тарафдорлари томонидан олдинга сурилаётган институционал омиллар, яъни фуқаролар, жамоатчилик ва маҳаллий ҳокимият муносабатларидаги ўрнатилган қоидалар, худуддаги маданий ва тарихий анъаналар иқтисодий ривожлантириш омили

сифатида қаралиши керак. Бундай омилларнинг иқтисодий ўсишга таъсирини ўрганиш иқтисодий тадқиқотлар доирасини анча кенг олишни, яъни фанлараро тадқиқотларни ўтказишни талаб этади.

Шу ўринда Д. Родрикнинг ўсиш омилларини «бевосита» (proximate) ва «чуқурлашган» (deep) гуруҳларга ажратиб тадқиқ қилишни таклиф қилишининг етарлича асоси бор, деб ҳисоблаймиз.[14] «Бевосита» омиллар сифатида ишлаб чиқариш омиллари, яъни унумдорликка таъсир этувчи меҳнат ва капитал жамланиши омиллари қаралади. «Чуқурлашган» ўсиш детерминантлар сифатида эса ташқи савдо, институционал ҳамда географик омиллар тўплами қаралган. Д. Родрикнинг фикрича, айнан «Чуқурлашган» омиллар мамлакатлар (ёки минтақалар) ўртасида иқтисодий ўсиш ва ривожланишдаги тафовутларни келтириб чиқаради. Лекин бундай хулосаларни бир мамлакат ичидаги худудларга нисбатан татбиқ этиш тўғри бўлмайди. Чунки мамлакатлар даражасида иқтисодий ўсиш ва ривожланишни таққослашнинг бир қанча ўзига хос жиҳатлари мавжуд. Мамлакат ичида барча худудлар учун ягона макроиқтисодий макон, ягона пул, капитал, товарлар, иш кучининг айланиш доираси ва ягона институционал тизим мавжуд. Ижтимоий-иқтисодий жараёнларда ягона қоидаларнинг амал қилиши худудларнинг ташқи таҳдидларга нисбатан деярли бир хилда муносабат билдиришини англатади.

Шу туфайли ҳам иқтисодий ўсиш нуқтаи-назаридан мамлакат худудини маълум бир минтақаларга (шартли равишда бўлса ҳам) бўлиб ўрганиш интеграциялашув нуқтаи назаридан мақсадга мувофиқ. Шу ўринда минтақаларни мавжуд маъмурий чегаралар доирасида аниқлаб қўйиш худудларнинг географик ва иқтисодий салоҳияти нуқтаи назаридан ўрганишда тадқиқотларни анча чеклаб қўйиши мумкин. Шунинг учун ҳам минтақа иқтисодиёти ва худудий ривожлантиришда иқтисодий районлаштириш маъмурий жиҳатдан алоҳида минтақаларни бир-бири билан узвий боғлиқликда ўрганиш имконини беради. Мана шундай шартли районлаштириш минтақалар<sup>1</sup> ривожланишида бир-бири билан боғлиқлигини ҳисобга олиш имконини беради.

<sup>1</sup> Ушбу ва кейинги ҳолатларда минтақа тушунчаси вилоятлар ва Қорақалпоғистон Республикасини, худудлар эса туман ва шаҳарларни англатади.

Шуни ҳисобга олиш керакки, шартли иқтисодий район ёки минтақа худуди ва унинг ташқарисида иқтисодий ресурслар мобиллиги турлича, лекин географик омиллар (қазилма бойликлари ва иқлимга боғлиқ ресурслар) мутлақо мобил эмас. Бундай ҳолат охир-оқибатда худудлар ривожланишида кутбларнинг пайдо бўлишига олиб келади. Натижада, бой худудлар бой худудлар билан, кашшоқлари эса кашшоқ худудлар билан чегарадош бўлиб қолиш эҳтимоли катта [15]. Шу туфайли ҳам минтақаларнинг иқтисодий ўсиши ва худудий ривожланишида неоклассик ёндашув, яъни иқтисодий ўсишда географик омилларни ҳисобга олмаслик тўғри натижа бермайди. Бундан хулоса шуки, минтақа иқтисодиётини худудий хусусиятларсиз ёки иқтисодий географияни фан сифатида ишлаб чиқаришни худудий жойлаштириш масалаларисиз ўрганиб бўлмайди. Минтақанинг ривожланишини иқтисодий ўсиш ва институционал омиллар қатори унинг географик хусусиятлари билан бир қаторда ўрганиш айна пайтда етарлича асосларга эга бўлмоқда. Бунга мисол қилиб минтақа иқтисодиёти ва унинг ривожланиш суръатларини ўрганишда катта қизиқишларга сабаб бўлаётган, «Янги иқтисодий география (ЯИГ)» номи билан танилган илмий тадқиқотларнинг асосий ғояси «кўламдан ижобий самара»га асосланган бўлиб, рақобат шароитида фирмалар иложи борича транспорт харажатларини қисқартириш мақсадида иқтисодий-географик омилларга таяниши ҳисобга олинади. [16] Яъни, ишлаб чиқаришни маҳсулотнинг юқори талабга эга бўлган бозорларга яқин жойлаштиришга ҳаракат қилинади. ЯИГ концепциясида «Бозор салоҳияти» муҳим ўрин тутаяди. Ушбу концепцияни гравитацион модел<sup>1</sup> орқали таҳлил қилганда икки минтақа ўртасидаги товар айланмаси ишлаб чиқарилган ЯИМ билан ижобий ҳамда ушбу минтақалар ўртасидаги масофа квадрати билан салбий корреляцияга эга бўлади. Бошқача қилиб айтганда, ЯИГнинг назарий

<sup>1</sup> *Гравитацион модел* – худудий бирликлар (шаҳарлар, худудлар, мамлакатлар) ўртасидаги ижтимоий ва иқтисодий ўзаро алоқаларни тавсифловчи модел бўлиб, иқтисодиётни (макон нуктаи назаридан) худудий таҳлил қилишда қўлланилади. Турли модификацияларда урбанизация, саноатни жойлаштириш, экспорт-импорт муносабатлари, аҳоли миграцияси жараёнларини ўрганишда ушбу моделнинг турли хил модификацияларидан фойдаланилади.

хулосалари минтақалар иқтисодий ривожланишидаги худудий тафовутланиш ҳамда агломерация самарасини асослаб беради.


ЯИГ назариясидан келиб чиқиб, худудларни бозор салоҳиятининг ҳажми, транспорт харажатлари ва агломерация, шунингдек, маълум даражада юқори малакали кадрлар миграцияси ва инновациялар диффузияси омилларига қараб кластерларга ажратиш мумкин. Қўшни минтақанинг бозор салоҳияти минтақаларо савдонинг ривожланиши эвазига ўрганилаётган минтақада ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар ва хизмат турларига бўлган талабнинг ортишига олиб келади. Бошқача айтганда, худудий яқинлик ва ўртадаги масофанинг қисқалиги нафақат транспорт харажатларининг қисқаришига, балки иқтисодий ўсишнинг бошқа эндоген омилларидан биргаликда фойдаланиш имконини беради. ЯИГ методологиясига асосан иқтисодий ўсиш ва агломерация самараси бир-бирига синергетик таъсир кўрсата бошлайди. [17] Пайти келиб, бундай таъсирнинг асосини инновацион фаоллик ҳамда юқори малакали иш кучи миграцияси ташкил қилиши аниқ. Шу ўринда инновация тарқалиши (диффузия)ни кенг маънода нафақат ишлаб чиқаришдаги янги технологик ғоялар, шунингдек, институционал омиллар ва бошқарувнинг замонавий усулларини қўллашни назарда тутаяди.

Шу билан биргаликда агломерация жараёнлари иқтисодий фаолликнинг «марказ – периферия (атроф)» моделига мос равишда айрим минтақаларнинг интенсив ривожланиши билан бир пайтда минтақалар ривожланишидаги тенгсизликни келтириб чиқариши ёки кучайтириши мумкин. Айрим ҳолатларда бундай тенгсизлик асимметрик кўринишга эга бўлади, яъни «марказий жойлар» агломерация самараси эвазига янги товар ва хизматларни таклиф қила бошлайди. Бунинг учун зарур янги ғоялар, инвестициялар ва сифатли ишчи кучи «марказ»га қараб ҳаракатланиш тенденциясига эга бўлади. «Атроф»даги худудлар эса кўпроқ анъанавий товарлар ва хизматлар билан чекланиб қолади.

Минтақа ривожланишига таъсир этувчи географик омиллар ва агломерация самараси ҳам маълум даражада минтақаларнинг асимметрик ривожланишига ўзининг таъсирини кўрсатади. Агарда худудий ривожлантиришни динамика нуктаи назаридан қарайди-

ган бўлсак, умуман олганда, Ўзбекистон ҳудудларининг иқтисодий ривожланишида ижобий тенденциянинг гувоҳи бўламиз. Шунга қарамасдан, минтақаларда ҳудудий мувозанатликка эришиш билан бир қаторда муаммолар ва ривожланишдаги номутаносибликлар сақланиб қолаётганлигини кузатишимиз мумкин. 2020 йилда ЯҲМ ишлаб чиқаришда минтақалараро фарқланиш 3,4 бараварни ташкил этди. Ушбу тафовут 2015 йилга нисбатан бироз пасайганига (1 фоизга пасайиш) қарамасдан нисбатан юқори ҳисобланади. Ваҳоланки, Европа Иттифоқи мамлакатлари учун бу кўрсаткичнинг кизил чизиги 2,5 бараварни ташкил этади.

Республика ялпи ички маҳсулотини шакллантиришда саноатнинг ҳиссаси (улуши) жиҳатидан юқори турадиган Навоий ва Тошкент вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳри билан бошқа барча аграр минтақалар ўртасидаги фарқ 3 мартадан кўпрокни ташкил қилади. Гарчи кўриб чиқилаётган даврда Андижон, Жиззах, Наманган, Самарқанд, Сирдарё ва Хоразм вилоятларида аҳоли жон бошига юқори ЯҲМ ўсиш суръатлари кузатишган бўлса-да, шунга қарамай, саноати ривожланган минтақалар билан таққослаганда ушбу кўрсаткич бўйича ортда қолиш 3,5–4 бараварни ташкил этади. Ушбу ҳудудларда аҳоли жон бошига минтақавий саноат ишлаб чиқариш республика кўрсаткичидан 2,5–4,2 баравар паст.



1-расм. 2020 йилда аҳоли жон бошига саноат ишлаб чиқарошининг ҳудудлараро фарқланиши (март)

Шуни таъкидлаш керакки, Ўзбекистоннинг 206 та туманлар ва шаҳарларидан энг ривожланган ва энг қоқоқ 100 тасининг аҳоли жон бошига саноат маҳсулотларини ишлаб чиқаришдаги фарқ қарийб 12 бараварни ташкил этмоқда. Худди шундай, 50 та энг ривожланган ва 50 та энг суст ривожланганлар ўртасидаги нисбат 34 мартани, 25 таси ўртасидаги тафовут эса 90 мартадан кўпроқ. Ушбу кўрсаткич бўйича минтақа ичидаги ҳудудлараро юқори тафовут Тошкент (37,4), Бухоро (34,9), Қашқадарё (27,2), Самарқанд (26,0), Навоий (24,4), Андижон (23,2), Сирдарё (20,7) вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасида (18,5) кузатишмоқда (1-расм).

Минтақалар ва алоҳида ҳудудларнинг ривожланиш даражасида давом этаётган фарқланиш ва номутаносибликлар уларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида *асимметрия* ҳолатига олиб келади. *Минтақавий ривожланишдаги асимметрия – бу ҳудудларнинг иқтисодий ривожланиш даражасидаги барқарор оғиш ҳолатидир. Бошқача қилиб айтганда, асимметрия минтақавий ривожланишда кузатиладиган ҳолат бўлиб, унда қиёсий устунликларга эга минтақалар ўз устунликларини янада оширган ҳолда, айрим хусусиятлари билан заифлашган минтақалар ўзларининг ортда қолиш ҳолатини янада кучайтиради.*

Иқтисодий ўсишдаги асимметрик ҳолат минтақалар рақобатдошлигига ҳам бевосита таъсир кўрсатади. Биринчидан, минтақалар ривожланишидаги асимметриянинг мавжудлиги, аввало, реал секторни ривожлантириш учун ўз ички капиталини (жамғарма маблағларини) инвестициявий лойиҳаларга жалб этиш салоҳиятида минтақалар ўртасидаги фарқларда намоён бўлади. Агарда жамғармаларни инвестицияларга йўналтириш имкониятлари миллий иқтисодиёт доирасида чекланган бўлса, инвестициялар оқими, асосан табиий ресурсларга энг бой бўлган минтақаларга йўналтирилади. Бундай ҳолат товар ва хизматлар бозори яхши ривожланган ёки ўсиш суръатлари юқори бўлган ҳудудларда иқтисодий жараёнларнинг янада жадаллашишига, охир-оқибатда эса ҳудудлар (минтақалар) ривожланишидаги асимметриянинг янада кучайишига олиб келади.

Асимметрия билан боғлиқ иккинчи ҳолатнинг моҳияти шундаки, агарда иқтисодий тизим очик бўлса, инвестицияларни жалб

қилишнинг қўшимча омиллари (ички ва ташқи) ва имкониятлари деярли барча ҳудудларда пайдо бўлади. Масалан, ишлаб чиқаришнинг технологик даражаси ёки иқтисодийда банд бўлганларнинг иш ҳақи даражаси нисбатан юқори бўлган минтақаларда иқтисодий ўсиш хомашёни етиштириш ва бирламчи қайта ишлашга асосланган ҳудудларга қараганда анча юқори бўлиши табиий. Айнан капиталнинг юқори рентабеллиги ва меҳнат унумдорлиги (минимал меҳнат харажатлари ва нисбатан юқори рентабеллик) бу ҳудудлар иқтисодийтини юксалтириш учун қўшимча шароитлар яратади. Шу сабабли, ушбу минтақаларда капиталнинг концентрацияси (асосий фондларга инвестициялар) юқори бўлади ҳамда иқтисодий заиф ва депрессив ҳудудларга нисбатан тафовутнинг ошишига сабаб бўлади.

Ҳудудий ривожланишда асимметрия ҳолати турли хил омилларнинг узоқ вақт давомидаги таъсири натижасида юзага келади. Ушбу ҳолатнинг асосий таъсир этувчи омилларини алоҳида таҳлил қилиш учун Пол Кругманнинг ҳудудий ривожланиш назариясини қўллаш мумкин, унга кўра минтақавий ривожланишда «биринчи табиат» ва «иккинчи табиат»нинг рақобатдош устунликлари ажралиб туради.[18] «Бирламчи табиат»да асосий омил табиий ресурслар бўлиб, «иккиламчи табиат» таркибига агломерация самараси, инсон капитали ва институционал омиллар киради. Айни пайтда кўплаб иқтисодчи олимлар ва амалиётчилар ҳудудларни ривожлантириш самарадорлиги ва барқарорлигини таъминлашнинг олдиндан белгилаб берувчи омил сифатида «иккиламчи табиат»га кўпроқ эътибор бера бошладилар. «Иккиламчи табиат»нинг энг самарали омиллари сифатида айнан технологик даража ва меҳнат унумдорлиги минтақаларда иқтисодий ўсиш интенсивлигини олдиндан белгилаб беради. Шунингдек, тадбиркорлик ва инфратузилманинг ривожланганлиги илғор ва ривожланишда ортда қолаётган ҳудудлар ўртасидаги тафовутни келтириб чиқараётган омиллар сифатида қаралади.

Шу билан бирга, П. Кругман назариясига таянган ҳолда табиий хомашё ресурсларига бой, лекин ишлаб чиқаришнинг технологик

даражаси ҳамда ишчи кучининг сифати нисбатан паст бўлган ҳудудларнинг ортда қолиш асимметрияси айнан иқтисодий ўсишнинг «бирламчи табиат»и билан боғлиқ, деб қатъий хулоса чиқариш қийин.

Ўзбекистон минтақалари мисолида ҳудудий асимметриясини баҳолаш натижалари шуни кўрсатмоқдаки, 2000–2018 йиллар даврида иқтисодийнинг барча моддий ишлаб чиқариш тармоқларида аҳоли жон бошига ҳисобланган кўрсаткичлар бўйича тафовут (дифференциация) доимий равишда ошиб борган. Аҳоли жон бошига санаёт маҳсулотлари ишлаб чиқишда асимметрия индексининг динамикаси минтақалар кўрсаткичларининг маълум даражада яқинлашувини кўрсатса-да, инвестиция ресурсларини асосий фондларга жалб қилиш коэффициентлари динамикаси 2010 йилга келиб йирик лойиҳалар амалга оширилаётган ҳудудларда инвестицияларнинг юқори концентрацияси туфайли юқори тебранишларни (ўзгарувчанликни) кўрсатмоқда. Буни санаётнинг қазиб олиш, бирламчи ва иккиламчи қайта ишлаш соҳалари ривожланишидаги юқори номутаносибликларда ҳам кўриш мумкин.

Шунингдек, ушбу даврда товарлар ва хизматлар экспорти бўйича ҳам ҳудудий фарқланиш ва тафовутлар сезиларли даражада ортганлиги кузатилмоқда. Агарда 2010–2018 йиллар оралигини алоҳида кузатадиган бўлсак, пуллик хизматлардан ташқари кўриб чиқиляётган барча кўрсаткичлар бўйича асимметрия индекси маълум даражада пасайганлигини кўришимиз мумкин. Шундай бўлса ҳам узоқ муддатли даврдаги (1-жадвал) минтақаларнинг иқтисодий ривожланиши асимметрик ҳолатга мос келади.

Таҳлиллардан, қандай қилиб узоқ вақт давомида динамик равишда ривожланиб келаётган ҳудудлар ишлаб чиқарилган ЯҲМ, аҳоли жон бошига даромади, санаёт маҳсулотлари ҳажми ва бошқа бир қанча кўрсаткичлар бўйича бир-биридан кескин фарқланишда давом этади, деган ҳақли савол туғилади. Бунга жавоб сифатида айтиш мумкинки, Ўзбекистон мустақил бўлгунга қадар ва мустақилликдан кейинги чорак аср давомида минтақалар иқтисодий ва ҳудудий ривожлантириш масалаларига бир ёқлама, тармоқлар-

2000–2018 йилларда ҳудудий асимметрия кўрсаткичи  
(коэффициентларнинг фарқи % нисбатида, 2005 = 100)

2000	2005	2010	2018	Кўрсаткичлар	2000	2005	2010	2018
Ҳажм кўрсаткичлари					Аҳоли жон бошига кўрсаткичлар			
105	100	119	107	ЯҲМ	63	100	116	101
118	100	111	105	Қишлоқ хўжалиги	93	100	112	109
92	100	118	106	Саноат	73	100	70	83
101	100	92	107	Пулли хизматлар	97	100	93	113
99	100	110	105	Қурилиш ишлари ҳажми	81	100	107	102
104	100	100	85	Асосий капиталга инвестициялар	93	100	122	102
79	100	131	107	Экспорт ҳажми	78	100	131	109

ни ривожлантириш нуқтаи назаридан қараб келинди. Худудларни комплекс ривожлантириш масалларига етарли даражада эътибор қаратилмади.

Шу ўринда, минтақаларнинг иқтисодий ривожланишидаги асимметрик ҳолат келиб чиқишининг табиий (объектив) асослари ҳам мавжудлигини инобатга олиш жоиз. Асимметриянинг мақбул даражада мавжудлиги ортда қолаётган минтақа ёки худуд учун иқтисодини жадаллаштиришга маълум даражада туртки бериши ҳамда ижобий жараёнларнинг бошланиши учун сабаб бўлиши мумкинлигини ҳам эътироф этиш лозим. Бироқ асимметриянинг яққол ортиб бориши бир қанча салбий оқибатларга олиб келади ва улар қуйидагилардан иборат:

- қолоқ ва депрессив худудларда иқтисодий изоляция кучаяди ва инсон капитали сифати янада пасайиши мумкин;
- меҳнат миграцияси кўринишидаги меҳнат ресурслари ҳаракатчанлигининг ошиши шаҳарларда ва агломерацияларда сохта урбанизациянинг пайдо бўлишига сабаб бўлади;

- сустривожланган худудлардан сифатли иш кучи ва инвестицияларнинг марказларга интилиш жараёни кучаяди ва шу сабабли худудлардаги аҳоли сони билан ижтимоий инфратузилма тизими ўртасидаги мувозанат бузилади;
- бир нечта агломерацияларнинг марказ кўринишида шаклланиши ва маҳаллий ривожланиши билан марказдан йироқдаги худудларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳолати ёмонлашиб боради ва натижада иқтисодий макон алоҳида-алоҳида «фрагмент»ларга айлана боради. Хулоса қилиб айтганда, бундай қутбланишнинг маълум чегаралардан ошиб кетиши худудий «парчаланиш»га ва охир-оқибатда миллий иқтисодиётнинг худудий мувозанатига салбий таъсир кўрсатади.

### 1.3. Миллий иқтисодиётнинг худудий мувозанатини таъминлаш

Ўзбекистон мустақиллигининг дастлабки йилларида минтақалар ривожланишида бир қанча жиддий муаммолар юзага келди. Тайёр саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш қувватларига эга бўлмаган худудларда технологик жиҳатдан ортда қолиш ҳолатлари яққол кузатила бошлади. Бу ўз навбатида, минтақаларда ўртача аҳоли даромадларидаги тафовутланишни кучайтирди. Асосан, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирадиган ҳамда кўшилган қиймат даражаси паст бўлган ишлаб чиқаришга асосланган худудларда аҳолининг яшаш даражаси пасайиб борди.

Шу билан биргаликда индустриал жиҳатдан ривожланган минтақаларда ҳам саноат ишлаб чиқариш ҳажмида пасайишлар кузатилди. Тошкент, Самарканд ва Наманган вилоятларида мавжуд энгил ва озиқ-овқат саноати корхоналарида ишлаб чиқариш қувватлари кескин пасайиб кетди.

Ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантиришга йўналтирилган марказлаштирилган инвестиция маблағларини тақсимлашда худудларнинг ўзига хос жиҳатлари ҳамда юзага келган ижтимоий-иқтисодий ҳолатлари етарли даражада ҳисобга олинмади. Ресурсларнинг самарасиз тақсимланиши худудлар ривожланишидаги номутаносибликлар кучайиши ва худудий

мувозанатнинг бузилишига олиб келди. Натижада, минтақалар умуиктисодий ривожланишидаги фаркланиш (дифференциация) 2–3 мартага, шу жумладан, саноат ишлаб чиқаришдаги тафовут 3–4 мартага етди. Худудий мувозанатни сақлаш миллий иктисодиётни ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга эканлигини ва бу борада жиддий муаммолар йиғилиб қолганлигини яқин 4–5 йил ичида тан олина бошланди.

Вилоятлар, туманлар ва шаҳарларнинг ҳар томонлама ва мутаносиб ижтимоий-иктисодий ривожланишини таъминлаш, уларнинг имкониятларидан мақбул ва самарали фойдаланишни таъминлаш масалалари даставвал «Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси»да ўз аксини топди. Ўзбекистон Республикаси Президенти ташаббуси билан қабул қилинган ушбу стратегия доирасида худудларнинг саноат ва ишлаб чиқариш салоҳиятини оширишга, маҳаллий хомашё ва ресурсларга асосланган маҳсулотлар ва материаллар ишлаб чиқаришга ҳамда урбанизация жараёнларини фаоллаштиришга қаратилган қатор мақсадли худудий дастурлар қабул қилинди.

Кўрилган тизимли чора-тадбирлар нафақат суств ривожланган қишлоқ худудларида маҳаллий хомашёни қайта ишлаш, балки қишлоқ иктисодиётини диверсификация қилиш, якка тартибда ҳамда бир-биридан узилиб қолган аҳоли пунктларининг ижтимоий ва иктисодий инфратузилмасини яхшилаш йўли билан саноатлашган марказларни ташкил қилишга қаратилганлиги билан аҳамиятли бўлди. Ушбу чора-тадбирларни амалга ошириш ривожланишда ортда қолган туманлар ва қишлоқ жойларида уларнинг бир томонлама, хомашёга йўналтирилган иктисодиётини рангбаранглаштириш эвазига аҳолини иш билан таъминлаш, уларнинг яшаш шароитларини яхшилаш ва бошқа чуқурлашиб кетган муаммоларини ечишга хизмат қилади.

Етарли даражада иктисодий ўсишни таъминлаш имконига (салоҳият, ресурс ва захираларга) эга минтақалар ўзининг худудий мувозанатини таъминлаш борасида мавжуд муаммоларни мустақил ҳал қилиш имкониятига эга бўлади. Лекин ривожланишда ортда қолаётган минтақалар ва алоҳида худудий бирликларнинг (туманлар

ва шаҳарлар) ижтимоий ва иктисодий ривожланишидаги муаммоларни ҳал қилишда давлат сиёсатини амалга ошириш талаб этилади.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда Ўзбекистонда миллий иктисодиётнинг худудий мувозанатини таъминлашга қаратилган тизимли чоралар кўрилиб, худудий бошқарувнинг замонавий механизмлари ва усуллари амалиётга қўлланила бошланди. Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан энг қоқоқ ва кам ривожланган худудлар муаммоларини ўрганиш ва уларнинг ечимларини топишга қаратилган тизимли чоралар кўрилмоқда.

Қоқоқ худудларни комплекс ривожлантириш бўйича Иктисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳамда бошқа вазирлик ва идоралар олдига аниқ вазифалар қўйилди. Мамлакат Президенти бозор талабларини инобатга олган ҳолда, қоқоқ ва суств ривожланган худудларнинг мавжуд ресурслари, захиралари ва имкониятларидан тўлиқ фойдаланиш бўйича чора-тадбирларни амалга оширишда вазирликлар ва идораларнинг мувофиқлаштирилган ҳаракатлари зарурлигини таъкидлади.<sup>1</sup> Ушбу йиғилишда давлатимиз раҳбари 33 та туманда саноатнинг улуши вилоят ўртача кўрсаткичининг уч фоизидан камлигини таъкидлади. Шу билан бирга, янги қувватларни ишга туширишда, қоқоқ ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмаси бўлган марказларга яқин жойлашган худудларга устунлик берилиши, энг қоқоқ минтақаларнинг географик жойлашуви, хомашё базаси ва меҳнат ресурсларидан янада кенгрок фойдаланиш истиқболлари белгиланди, яъни: – ижтимоий-иктисодий ривожланишда орқада қолган худудларни (туманлар ва шаҳарларни) уларнинг орқада қоқоқлигини баҳолашнинг аниқ мезонлари бўйича аниқлаш; – ривожлантиришда орқада қолган худудлар ва соҳалар бўйича стратегия ва комплекс ривожланиш дастурларини ишлаб чиқиш ва унда қайта ишлашга яроқли минерал ресурслар ва фойдали қазилмалар, ер ва суств ресурсларидан самарали фойдаланиш учун замонавий технологияларни қўллаш, қўшни ва

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2019 йил 26 февралдаги ижтимоий-иктисодий ривожланиши ортда қолаётган худудлар масалаларига бағишланган йиғилиш материаллари. «Халқ сўзи» газетаси 2019 й., 27 февраль сони.



чегарадош ҳудудларнинг логистика, экспорт ва хизмат кўрсатиш салоҳиятидан фойдаланишнинг самарали вариантларини топиш; – кооперация асосида кичик саноат зоналарини яратиш, шунингдек, уларда тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш, мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш ва сақлаш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш имкониятларини белгилаш; – ишлаб чиқариш ва транспорт инфратузилмасини ривожлантириш йўналишларини топиш вазифалари қўйилди.

Умуман олганда, давлат раҳбари томонидан ривожланишда ортда қолаётган ҳудудлар масаласини концептуал ва мантикий жиҳатдан бундай кетма-кетликда қўйиш Ўзбекистонда минтақа ва ҳудудлар иқтисодиётини жадал ривожлантиришга қаратилган ўрта муддатли ва узоқ муддатли вазифаларни белгилаб олиш имконини беради.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, миллий иқтисодиётнинг ҳудудий мувозанатини таъминлаш борасида:

- ◆ минтақаларни ривожлантириш сиёсати, айниқса, кам ривожланган ҳудудларга нисбатан узоқ муддатли хусусиятга эга бўлган стратегик тасаввурларни шакллантириш, бунда мақсад ва вазифаларни аниқ таърифлаган ҳолда, ҳудудларнинг орқада қолиш сабаблари ва уларни бартараф этиш йўллари аниқ белгилаш;
- ◆ марказий ва маҳаллий ҳокимият органлари ўртасида биргаликдаги ҳаракат ва шерикликни талаб қиладиган вазифалар ва лойиҳаларни амалга оширишнинг тегишли механизмларини ишлаб чиқиш;
- ◆ ҳудудий ривожлантиришнинг меҳнат ва инсон салоҳияти, минтақа ва чегара ҳудудларининг агломерация салоҳияти, ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилма омилларидан самарали фойдаланишнинг уйғунлашган лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва уларни амалга оширишнинг ташкилий ва институционал салоҳият ва ресурслар билан таъминлаш;
- ◆ қоқ, ривожланмаган ва муаммоли ҳудудларга маблағларни (инвестициялар, грантлар, кредитлар ва бошқа маблағлар) жалб қилишнинг аниқ механизмлари, манбалари ва ресурсларини тегишли меъёрий ва ҳуқуқий ҳужжатда (қонунчиликда) белгилаш ва бошқалар.

Кам ривожланган ва муаммоли ҳудудларни ривожлантириш стратегиясини шакллантириш ва амалга оширишнинг ҳуқуқий, ташкилий ва институционал асосларини бир неча босқичларда аниқлаш зарур. Биринчи босқичда ривожланмаган ва муаммоли ҳудудларни (минтақаларни) ривожлантиришнинг асосий тамойиллари ва ёндашувларини белгилайдиган миллий ривожлантириш стратегияси ишлаб чиқилса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Иккинчи босқичда минтақалар даражасида суёт ривожланган ва муаммоли ҳудудларни ривожлантириш бўйича мақсад ва вазифалар белгиланади.

Учинчи босқичда иқтисодий жиҳатдан қолоқликни (суёт ривожланганликни) бартараф этиш мақсадида туманлар ва шаҳарларнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, уларнинг ўрта ва узоқ муддатли истиқболда ижтимоий-иқтисодий ривожланиш базасини аниқлаш лозим бўлади.

Бундай кўпбосқичли стратегияни амалга оширишда жойларда нодавлат ва жамоат ташкилотлари, сиёсий партиялар, нодавлат ноижорат ташкилотларнинг иштироки муҳим роль ўйнайди. Стратегияни амалга оширишда шаффофликни таъминлаш зарурлиги замонавий алоқа ва ахборот тизимлари орқали жараёнларни самарали бошқаришнинг муҳим таркибий қисми сифатида қаралиши керак.

Ҳудудий ривожланишдаги асимметрияни, бозор муносабатларининг ўзига хос «табиати» билан боғлиқ объектив омилларига қарамасдан, давлат томонидан ушбу ҳолатни пасайтиришига қаратилган чора ва тадбирлар кўриш билан қисқартириш мумкин. Бу борада Ўзбекистонда самарали минтақавий сиёсат шаклланишнинг фаол босқичида эканлигини хорижий тажриба ҳам кўрсатиб турибди. Кўпгина ривожланган давлатларнинг (Буюк Британия, Германия, АҚШ, Италия ва бошқалар) ривожланишида ортда қолган ҳудудларга нисбатан олиб бораётган сиёсати ва бу борада орттирган тажрибасини ўрганиш Ўзбекистон учун фойдали бўлиши мумкин.

Европа давлатларининг айрим ҳудудларида бозор шароити ва конъюнктурасининг ўзгариши вақт ўтиши билан бандлик ва даромад даражасининг аста-секин пасайишига ва оқибатда ҳудуднинг ривожланишида депрессия ҳолатининг келиб чиқишига сабаб бўлган бўлса, бошқаларида эса аввалдан чекланган ишлаб чиқариш

салоҳиятига эга бўлганлиги ёки мавжуд қувватлари ҳам асосан хомашёни бирламчи қайта ишлашга ихтисослашганлиги туфайли депрессив ҳолат юзага келганлигини кузатишимиз мумкин. Бундай ҳудудлар иқтисодийётидаги номуносивбликлар ва ижтимоий муаммоларни ҳал қилишда ҳар бир мамлакат ўзининг ички хусусиятларидан келиб чиқиб, индивидуал ёндашганлигини ўрганиш ҳудудий мувозанатни таъминлаш борасида муҳим аҳамиятга эга.

**Германияда** «ўрта йўл» парадигмаси қабул қилиниб, унга кўра ерлар ва маҳаллий ҳокимият органлари илғор технологиялар соҳасида янги лойиҳаларни илгари суриш орқали мавжуд анъанавий иқтисодийётни инновацион ривожланиш билан уйғунлаштириш сиёсатини олиб борган. Бунинг учун ерлар ва маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органлари томонидан грантлар, махсус бонуслар, банк кредитлари учун кафолатлар, маҳаллий солиқлар учун имтиёзлар ва бошқа преференциялар берилади. Давлат инвестициялари йирик саноат мажмуаларини модернизация қилиш бўйича чора-тадбирларни амалга оширишга йўналтирилган бўлса, хусусий инвестициялар инновацион ишланмалар ва илмий-тадқиқот ишларини олиб боришга, кадрларни қайта тайёрлашга, инфратузилмани ва экологик вазиятни яхшилашга сарфланади.

**Буюк Британияда** депрессив минтақалар ва ҳудудларга нисбатан, асосан, молиявий кўллаб-қувватлаш шаклида иқтисодийётни рағбатлантиришнинг билвосита усуллари қўлланилади. Улар асосий капиталга инвестициялар учун кафолатлар бериш, ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун кредитлар бериш, ҳар хил рағбатлантирувчи бонусларни белгилашдан иборат. Шу билан бирга, транспорт-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш давлатнинг асосий вазифаларидан бири бўлиб қолмоқда.

Иқтисодий ёки экологик жиҳатдан номақбул лойиҳалар амалга оширилишининг олдини олиш мақсадида саноат ва бошқа ишлаб чиқариш корхоналарини қуриш учун алоҳида руҳсат бериш тизими жорий қилинган бўлиб, ҳар бир лойиҳа пухта экспертизадан ўтказилади ва назорат олиб борилади. Шу мақсадда ишлаб чиқариш ва бошқа қувватларни, шунингдек, инфратузилмани самарали жойлаштириш учун масъул бўлган махсус ҳудудий ривожланиш идоралари фаолият олиб боради.

**Америка Қўшма Штатларида** федерал ва штатлар ўртасида минтақавий масалаларга оид сиёсатни мувофиқлаштирадиган махсус комиссиялар фаолият олиб боради. Ушбу комиссияларнинг асосий вазифаси мавжуд ишлаб чиқариш қувватларидан самарали фойдаланишни рағбатлантириш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, маҳаллий хомашёни қайта ишлашнинг технологик циклларини максимал даражада тайёр маҳсулот даражасига етказиш орқали ривожланишда орқада қолган (депрессив) ҳудудларни тиклашдан иборат. Ушбу жараёнда комиссиянинг асосий вазифаси давлат бошқаруви ва тадбиркорлик субъектлари манфаатларида мувофиқликни таъминлашдан иборат. Шунингдек, комиссия иқтисодий ўсишнинг ҳудудий омилларидан ва минтақа бозори салоҳиятидан самарали фойдаланиш учун минтақага янги инвесторларни жалб қилиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқади. Шу ўринда, ҳудудларда мавжуд ресурслардан (меҳнат, табиий ресурслар, ер ва сув, рекреацион ва бошқалар) самарали фойдаланишга алоҳида аҳамият берилади.

Суст ривожланган ҳудудларга сармоядорларни жалб қилиш ва бу борада маҳаллий тадбиркорлар фаоллигини ошириш, асосий воситаларга сармоялар киритишни рағбатлантириш мақсадида тадбиркорларга ҳар хил кўмак бериш турлари қўлланилади. Масалан, имтиёзли кредитлар бериш, солиқ имтиёзлари ва таътил кунлари, давлат буюртмаларини олишга имкон яратиш ва бошқалар. Комиссиялар фаолиятидаги асосий эътибор, шунингдек, ишбилармонлик муҳитини яхшилаш ва тегишли инфратузилма объектларини (транспорт, ахборот-коммуникация ва бошқалар) яратишга қаратилган.

Йирик шаҳарларнинг гипертрофияланган мегаполислар кўришидаги ривожланиши оқибатида келиб чиқаётган муаммоларни ҳал қилиш мақсадида АҚШда кичик шаҳарларни ривожлантириш ва маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш тизимини ташкил этиш ва самарали фаолиятини таъминлаш сиёсати амалга оширила бошланди. Бу борада маҳаллий ҳокимият органлари учун реал молиявий дастакларни яратиш мақсадида маҳаллий бюджет даромадларининг тахминан 60–70 %, шунингдек, мамлакат ва штатлар бюджетларидан трансферлар ушбу мақсадларга йўналтирила бошланди. Бундай имкониятлар кичик шаҳарлар ва муниципал тузилмалар учун

маҳаллий ўзини-ўзи ривожлантириш борасида кучли воситасига айланмоқда.

**Канаданинг** алоҳида ҳудудларни ривожлантириш амалиётида давлат ва хусусий сармояларни жалб қилган ҳолда ҳудудлар муаммоларини ўрганишни ташкил этиш, ҳудудларнинг табиий-иқлим шароитларини, айниқса, шимолий ҳудудлар ривожланишининг ўзига хос жиҳатларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқариш кучларини ҳудудий жойлаштиришнинг илғор усулларидан фойдаланиш борасидаги тажрибаси алоҳида қизиқиш уйғотади. Экстремал табиий шароитлардан ташқари шаҳарлар функционал профилининг хусусиятлари, профессионал ишчи кучи, ишлаб чиқариш ускуналари ва технологиялари, саноат ва маиший инфратузилманинг мавжудлиги, шимол шароитининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, бир-бири билан уйғунлашган «шаҳар-минтақа» тизими барпо этилган.

Узоқ муддатли минтақавий ривожланишнинг самарали сиёсатини ишлаб чиқиш борасида Ғарбий Европа мамлакатларининг ўсиш кутблари концепциясидан, бир қатор Европа ва Шарқий Осиё давлатларининг ҳудудий стратегик режалаштириш амалиётидан, Жанубий Корея, Малайзия, Хитой давлатларининг эркин ва махсус иқтисодий зоналарни ривожлантириш сиёсатидан стратегик мақсадларга эришишда фойдаланиш ўринли ва фойдали бўлиши мумкин.

**Европа Иттифоқи** мамлакатларида минтақавий сиёсатда ривожланишда ортда қолаётган ҳудудларни ҳудудлараро ва минтақалараро интеграцияни ўрнатиш йўли билан жонлантиришга катта эътибор берилди. Ҳудудларни ривожланиш даражасига кўра яқинлаштиришда саноат ишлаб чиқариш ва қишлоқ хўжалиги интеграцияси, тадбиркорликни тартибга солиш учун умумий меъёрий-ҳуқуқий шарт-шароитларни яратиш ва бошқа бир қанча тадбирлар учун минтақалараро фондлар маблағларидан самарали фойдаланилади.

Маастрихт келишувига (1993) мувофиқ Европа Иттифоқининг минтақавий сиёсатини амалга ошириш учун минтақавий ривожланиш стратегияси изчил шакллантирилмоқда ва амалга оширилмоқда. Ушбу стратегияга мувофиқ тармоқ ва ҳудудий дастурлар ишлаб чиқилмоқда.

Тармоқ дастурлари аниқ лойиҳаларни амалга оширишга кўпроқ йўналтирилган ва кўпроқ инновацион хусусиятга эга. Масалан, муқобил энергия манбалари ва энергия самарадорлиги, информатика, биотехнология ва телекоммуникация ҳамда бошқа соҳалар бўйича лойиҳалар ушбу стратегияда қўйилган мақсадларга йўналтирилган.

Стратегия ва ҳудудий дастурлар биринчи навбатда муаммоли минтақаларни ривожлантиришга қаратилган бўлиб, даставвал саноат салоҳияти паст ёки иқтисодиёти диверсификациялашмаган ҳамда рақобатдош бўлмаган минтақалар қамраб олинган.

Бундай стратегия ва дастурий тадбирларни қабул қилишдан асосий мақсад ушбу минтақаларнинг муаммоларини ечишда уларнинг ўз имкониятларини ошириб бориш ва бунинг учун уларни жаҳон иқтисодий жараёнларига фаолроқ жалб қилишдир. Шу ўринда, ушбу ҳудудларда иқтисодиётни тиклаш ва рақобатдош тармоқларни яратиш тадбирларига ҳам алоҳида аҳамият берилди. Ҳудудларни ягона Европа маконига интеграциялашувига кўмаклашиш нуқтаи назаридан саноат, ижтимоий ва бозор инфратузилмасини ривожлантириш ҳудудий ривожланиш стратегиясининг таркибий қисмларидан биридир.

**Шарқий Европа мамлакатлари**, хусусан, **Чехия Республикасининг** тажрибаси шунини кўрсатадики, социалистик тизим қулагандан кейин мамлакатнинг кўплаб саноат корхоналари ғарб технологиялари билан рақобатдош бўла олмай қолди. Оғир машинасозлик саноатида, қишлоқ хўжалигининг жамоа секторида жиддий муаммолар юзага келди, ишчи кучининг ғарбга нисбатан паст даражаси ишсизликнинг кўпайишига олиб келди. Буларнинг барчаси мамлакатнинг муаммоли ва нисбатан ривожланган минтақалари ўртасидаги тафовутни янада оширди. Мавжуд тўқимачилик ва пойабзал саноати Хитой ва бошқа жануби-шарқий Осиё мамлакатлари билан таққослаганда ишчи кучи қийматининг нисбатан юқори эканлиги туфайли аста-секин қисқара бошлади. Бу, айниқса, Моравия ва Силезия каби минтақалар иқтисодиётига салбий таъсир кўрсатди.

Европа Иттифоқида кўшилишдан олдин Чехия Республикасида ривожланмаган минтақаларга нисбатан минтақавий сиёсатнинг

шакланган концепциялари мавжуд эмас эди. Чехия Европа Иттифоқида кўшилиш учун ариза топшириши биланок, минтақавий сиёсатни қайта кўриб чиқиши муқаррар бўлиб қолди. Чехия Республикасининг Европа Иттифоқида кўшилиши пайтида минтақавий сиёсат бўйича Европа Иттифоқи нормалари қабул қилинди. Ушбу меъёрлар Европа Иттифоқида аъзо давлатларда минтақавий ривожланишнинг асосий тамойилларини белгилаб беради. Ушбу тамойиллар минтақалар ва марказий ҳукумат ўртасидаги муносабатларни аниқ белгилаган ҳолда, бошқарув ва мониторинг тизими, узоқ муддатли дастурлар ва лойиҳаларни молиялаштириш, минтақалараро рақобат ва инвестицияларни қайта тақсимлаш жараёнларини ўз ичига олади.

Европа Иттифоқининг минтақавий сиёсати меъёрларини қабул қилишнинг муҳим сабабларидан бири энг заиф минтақаларни ривожлантиришга ёрдам берадиган Европа Иттифоқида аъзо давлатлар иқтисодиётида таркибий ўзгаришларни амалга ошириш фондларидан кўмак олиш имкониятига эга бўлиш эди.

Бошқарувни номарказлаштириш тамойилига кўра марказий бошқарув органлари ваколатларини минтақавий ва ҳудудий бошқарувга ўтказишда маъмурий салоҳиятни шакллантириш мақсадида Чехия Республикасининг Минтақавий ривожлантириш вазирлиги тузилди. Шунингдек, марказда мувофиқлаштирувчи кўмита ҳамда жойларда Минтақавий ривожланиш агентликлари ташкил этилди. 1999 йилда Минтақавий ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги қонун қабул қилинди. Минтақавий сиёсатни миллий мувофиқлаштиришнинг ҳуқуқий ва ташкилий асослари яратилди ҳамда минтақавий тузилмалар масъул бўлган соҳалар аниқланди. Ҳукумат томонидан 18 муаммоли ҳудудларни қўллаб-қувватлаш дастури қабул қилинди.

Ҳукумат томонидан қабул қилинган минтақавий сиёсат тамойиллари Европа Иттифоқининг минтақавий сиёсат принципларини ўзида акс эттирди. Минтақалар ўртасидаги мавжуд иқтисодий ва ижтимоий тенгсизликни камайтириш ва заиф минтақаларда ишсизликни қисқартириш ҳудудий ривожлантиришнинг энг устувор йўналишлари сифатида белгиланди. Минтақавий сиёсат ҳамда ҳудудий ривожлантиришга оид ҳужжатларда муаммоли минтақалар

Европа Иттифоқи меъёрларига мос равишда икки турга ажратилди: иқтисодий жиҳатдан заиф минтақалар ва таркибий жиҳатдан заиф минтақалар. Таркибий жиҳатдан заиф ҳудудлар саноатнинг юқори концентрацияси, юқори урбанизация ва ишсизлик даражасига эга бўлса, иқтисодий жиҳатдан заиф минтақалар, асосан иқтисодий ривожланиши ва урбанизация даражаси паст ҳудудларни бирлаштиради.

Хулоса қилиб айтганда, ҳудудий ривожлантириш борасида хорижий тажрибани таҳлил қилиш Ўзбекистон минтақалари ривожланиш даражасидаги номутаносибликларни камайтиришда фойдали бўлиши мумкин. Бироқ юқори даражада ривожланган мамлакатларнинг ёндашувларига тўғридан-тўғри тақлид қилиш ёки улардан андоза олиш минтақавий сиёсатни амалга оширишда самарасиз натижаларга сабаб бўлиши мумкин. Шунинг учун алоҳида ҳудудлар ва минтақаларнинг ўзига хос хусусиятлари ва шароитларини ҳисобга олган ҳолда, энг оқилона хорижий усул ва ёндашувларни мамлакатимизда олиб борилаётган минтақавий сиёсатнинг тамойиллари ва шартлари билан уйғунлаштириш мақсадга мувофиқдир.

#### 1.4. Кичик ва ўрта шаҳарларни ривожлантириш

Ўзбекистонда минтақаларнинг иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан мувозанатли ривожланишини таъминлашда урбанизация жараёнларини жадаллаштириш муҳим аҳамиятга эга. Урбанизация мамлакатнинг саноат, инновацион ва маданий ривожланиш салоҳиятидан келиб чиқиб, саноатлашган марказларни (шаҳарларни) барқарор ривожлантириш имконини беради. Ўзбекистон шароитида аҳолининг катта қисми қишлоқ ва шаҳар типидagi аҳоли пунктларида истиқомат қилишини ҳисобга олган ҳолда ўрта ва кичик шаҳарларни ривожлантириш мамлакат ривожланишининг узоқ муддатли стратегик мақсадларига кўпроқ мос келади.

Кичик ва ўрта шаҳарларнинг аксарияти қишлоқ туманлар марказлари бўлиб, ҳудудни саноатлаштириш, саноат ва хизматларнинг вилоят миқёсидаги улушини оширишда муҳим роль ўйнайди. Ҳудудни сифат жиҳатидан янги даражага кўтаришда кичик ва ўрта

шаҳарлар ўз атрофидаги ҳудудларни ўзига «тортиш» ва «кенгайтириш» имконини ҳам яратади.

Бироқ бугунги кунда мавжуд институционал, молиявий ва ҳуқуқий асослар кичик ва ўрта шаҳарлар саноатини ривожлантириш ва уларнинг марказ сифатидаги ролини ошириш имконини бермапти. Кичик ва ўрта шаҳарларнинг ривожланишига салбий таъсир кўрсатадиган асосий муаммолардан бири бу – институционал жиҳатдан кичик ва ўрта шаҳарлар ривожланишини комплекс ташкил қилиш, шаҳар инфратузилмасини ривожлантириш ҳамда инфратузилма хизматлари сифатини ошириш имкониятларининг чекланганлигидир.

Ишлаб чиқариш ва хизматлар инфратузилмасини ташкил этиш ва ривожлантириш давлат ва бизнес ўртасидаги кенг шерикчиликни талаб этади. Лекин кичик ва ўрта шаҳарлар бунинг учун тегишли ваколатларга эга бўлиши керак. Мавжуд бюджет тизими доирасида, кичик ва ўрта шаҳарлар шаҳар инфратузилмасини ривожлантириш учун маҳаллий бюджет маблағларини мақсадли сарфлаш борасида мустақил бюджет ҳуқуқи ва ваколатларига тўлақонли эга бўлишлари борасидаги ишлар энди бошланди. Шу пайтгача бундай ҳуқуқ ва ваколатлар чекланган эди.

Бошқарув нуктаи назаридан яна бир муҳим масала бу – кичик ва ўрта шаҳарлар ривожланишининг статистикаси алоҳида юритилмаслигидир. Бундай ҳолат шаҳар муаммоларини алоҳида ўрганиш ва таҳлил қилиб бориш имконини бермайди. Бу эса, кичик ва ўрта шаҳарларни ривожлантириш истиқболларини аниқлашда муайян қийинчиликларга олиб келади. Натижада, кичик ва ўрта шаҳарлар ўзининг шаҳарсозлик дастурларини ишлаб чиқиш, транспорт, йўл ва муҳандислик инфратузилмасини яхшилашга доир табдирлар белгилаб, мустақил амалга ошириш имконига эга бўлмайди. Ички ва «тебранувчи» миграция шароитида кичик ва ўрта шаҳарлар аҳолисининг бир томондан ортиб бориши кузатилаётган бир пайтда ижтимоий объектлар ва шаҳарлар инфратузилмасини мос равишда ривожлантириб бормаслик, охир-оқибатда, «сохта» урбанизацияни келтириб чиқаради.

Ўзбекистонда кечаётган ижтимоий-демографик жараёнларни урбанизация билан боғлиқликда қараш мақсадга мувофиқ. Аҳоли-

нинг ўсиши ва ички миграция айрим ҳудудларда сув ва ер ресурслари танқислигининг янада ошишига сабаб бўлмоқда. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши учун яроқли ерларнинг, айниқса, суғориладиган ерларнинг (1 гектарига 8,2 киши) чекланганлиги ҳамда аҳоли сонининг тез суръатлар билан ўсиб бораётганлиги туфайли кейинги 25–30 йил мобайнида мамлакатда яшовчи ҳар бир аҳолига тўғри келадиган суғориладиган ер майдони 0,22 гектардан 0,12 гектаргача қисқарди. Шунингдек, қишлоқ аҳолисининг томорқа хўжалиги ҳам чекланганлиги ҳамда йирик қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида интенсив технологияларнинг ўзлаштирилаётганлиги соҳада ортиқча иш кучининг пайдо бўлишига сабаб бўлмоқда. Бундан ташқари, Ўзбекистоннинг сув ресурсларига бўлган йиллик талаби аҳоли сонининг ўсиши туфайли доимий равишда ортиб бориши (ўртача 70–71 млрд. м<sup>3</sup>) кузатилаётган бир пайтда, сўнгги йилларда Сирдарё ва Амударёнинг юқори оқимида жойлашган мамлакатлар томонидан сув омборларининг суғоришдан электр энергияси ишлаб чиқариш режимига ўтиши натижасида сув ресурсларининг умумий миқдори камайиши йилига ўртача 55,07 млрд. м<sup>3</sup> сув ёки аввалги ҳажмнинг 79% ини ташкил қилмоқда. Ер ва сув танқислиги муқаррар равишда қишлоқ хўжалиги ривожланишига салбий таъсир қилиб, қишлоқ аҳолисининг даромади камайишига сабаб бўлиши мумкин. Оқибатда қишлоқ жойларда истиқомат қилувчи ва олдин, асосан қишлоқ хўжалигида машғул бўлган аҳолининг бир қисми айнан кичик ва ўрта шаҳарларда иш излаб, қўним топа бошлайди.

Қишлоқ жойлардан кўчиб кетаётган ҳамда қишлоқ хўжалигида банд бўлган меҳнат ресурсларининг бандлигини таъминлаш бугунги кунда Ўзбекистоннинг ўрта ва узоқ муддатга мўлжалланган самарали жойлаштириш сиёсатини олиб боришдаги энг долзарб вазифаларидан бирига айланмоқда. Бу борадаги жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, фақат саноатни инновацион ривожлантириш ва урбанизация жараёнларини жадаллаштириш ҳисобига бу масаланинг ечимини топиш мумкин. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан саноатни инновацион ривожлантириш, жойларда ўсиш нуқталарини топиш ва ривожлантириш ҳамда мамлакатда урбанизация жараёнларини жадаллаш-

тиришга қаратилган стратегияни шакллантириш борасида бир қанча тизимли чора-тадбирлар белгиланди.<sup>1</sup>

Ўзбекистон шароитида урбанизация қишлоқ хўжалигининг устувор ривожланишидан кўпроқ саноат ишлаб чиқариши ва хизмат кўрсатишга ўтиш босқичларини жадаллаштиришни талаб этади. Тарихдан маълумки, XX асрда саноат биринчи навбатда йирик шаҳарларда ривожланиб, урбанизация саноатлаштиришга шарт-шароит тайёрлаб беради ҳамда ривожланишига имкон яратади. Саноатлаштиришдан кейинги ривожланиш даврига кирган йирик шаҳарлар эса нафақат сиёсий, иқтисодий ва маданий ривожланиш марказлари сифатида урбанизациянинг янги, замонавий модели манбаига айланиб қолди, шунингдек, бундай шаҳарларда саноатнинг энг замонавий ва юқори унумдорлик ҳамда кўшилган қиймат даражасига эга тармоқларини жамлаш, хизмат кўрсатиш ва савдо-сотикни ривожлантириш учун қулай шароит яратилди. Бундан ташқари, меҳнат тақсимоли учун кўпроқ имкониятлар (аҳоли зичлиги ва саноат иш жойларининг хилма-хиллиги) туфайли саноат ишлаб чиқаришида ихтисослашув кучайиб борди.

Шаҳарларда жойлашган корхоналар ўз маҳсулотлари учун яқинроқ бозорлар топиш ҳамда харидорларнинг ўзгарувчан талабларига тез жавоб топиб бериш имкониятига эга. Шунингдек, нисбатан арзон транспорт ва таъминотчиларга яқинлик, сифатли иш кучи концентрацияси каби омиллар туфайли шаҳарлар иқтисодий тараққиётнинг янги ғоялар ва технологиялар «инкубаторлари»га айланди.

Бундан ташқари, шаҳар ташкиллаштирувчи омиллар, илмий салоҳият, илмий ва амалий лабораторияларнинг мавжудлиги, шаҳар ва шаҳар атрофидаги яшаш муҳитининг ижтимоий-маданий даражаси четдан малакали мутахассисларни жалб қилиш имкони беради. Натижада, шаҳарда ихтисослашган иқтисодий макон вужудга келади ва бу мамлакат саноат тараққиёти учун кумулятив самара бера бошлайди.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 28 декабрда қабул қилинган «2021–2023 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4936-сонли қарори.

Урбанизация борасида жаҳон амалиёти шуни кўрсатадики, мамлакатни модернизация қилиш жараёнида саноат ва инновацион иқтисодиётнинг деярли барча асосий элементлари урбанизациялашган шароитда жамланади, капиталлаштириш кенг тус олади ҳамда бошқарувнинг замонавий тизими ва усуллари қўлланила бошлайди.

Ўзбекистон шароитида эса урбанизация жараёнларини жадаллаштиришда юқорида келтирилганларга нисбатан қарама-қарши ҳолатларни кузатишимиз мумкин. Яъни, қишлоқ хўжалигининг узоқ йиллар давомида иқтисодиётни ташкиллаштирувчи тармоқ сифатида ривожланганлиги, кичик ва ўрта шаҳарлар саноат ишлаб чиқариши, асосан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашга ихтисослашганлиги, йирик саноат ишлаб чиқарувчилар, асосан йирик шаҳарларда марказлашганлиги урбанизация жараёнларини ривожлантиришда ўзига хос ёндашувларни топишни талаб қилади.

Янги шароитда урбанизация ўрта ва кичик шаҳарлар (бу, аввало, туман марказлари ва туман бўйсунувидаги шаҳарлар) ролини оширишда ҳудудий саноат ишлаб чиқаришни нафақат қайта ташкил қилиш, балки шу билан биргаликда ўрта ва кичик шаҳарларга туташган қишлоқ хўжалиги ҳудудларини саноат интеграциясига кенгроқ жалб қилишни талаб этади. Кичик ва ўрта шаҳарлар, шунингдек, уларга туташ ҳудудларда қишлоқ хўжалигига технологик жиҳатдан мураккаб бўлмаган эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқариш ва таъмирлаш, техник ва бошқа ихтисослашган хизматлар кўрсатишни ташкил этиш имкониятлари мавжуд. Кичик ва ўрта шаҳарларни саноат салоҳиятини шакллантириш ва ривожлантиришда муҳим инновацион компонентларни талаб қилмайдиган лойиҳаларни амалга ошириш, жумладан, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш (ғишт, шифер ишлаб чиқариш, керамика маҳсулотлари, ёғочга ишлов бериш ва бошқалар), енгил саноат ва анъанавий ҳунармандчиликни ривожлантириш урбанизация сари кўйилган дастлабки қадамлар бўлади.

Бундан ташқари, саноатлаштириш жараёнида ўрта ва кичик шаҳарларнинг қишлоқ ҳудудларини ривожлантиришдаги роли фақат саноат марказларини ташкил этиш билан чекланмайди, шунингдек, аҳолига сифатли маданий ва маиший хизмат кўрсатишни тақдим этади. Шунингдек, саноат марказлари қишлоқ хўжали-

## Ўзбекистондаги кичик ва ўрта шаҳарлар таснифи

1-гурӯҳ	2-гурӯҳ	3-гурӯҳ
Нукус, Хўжейли, Чимбой, Андижон, Асака, Бухоро, Когон, Жиззах, Қарши, Шаҳрисабз, Наманган, Чўст, Косонсой, Самарқанд, Каттақўрғон, Термиз, Қўқон, Қувасой, Марғилон, Урганч, Хива.	Беруний, Бўстон, Қўнғирот, Манғит, Тўртқўл, Халқобод, Шуманай, Охунбобоев, Қорасу, Қўрғонтепа, Марҳамат, Пахтаобод, Хўжаобод, Шаҳрихон, Олот, Ромитон, Ғиждувон, Ғаллаорол, Даштобод, Дўстлик, Пахтакор, Бешкент, Ғузор, Қамаш, Косон, Китоб, Чироқчи, Яккабўғ, Янги-Нишон, Қизилтепа, Нурота, Учқудуқ, Янгирабат, Поп, Тўрақўрғон, Учқўрғон, Ҳаққулобод, Чортоқ, Оқтош, Булунғур, Жомбой, Жума, Иштихон, Нуробод, Пайариқ, Ургут, Челак, Бойсун, Денов, Жарқўрғон, Қумқўрғон, Шеробод, Шўрчи, Гулистон, Янгиер, Бахт, Сирдарё, Оққўрғон, Бўка, Ғазалкент, Дўстобод, Келес, Паркент, Тўйтепа, Чиноз, Бешариқ, Қува, Риштон, Яйпан, Мўйнақ ва бошқ.	Тоҳиатош, Хонобод, Газли, Қоровулбозор, Толлимаржон, Муборак, Навойи, Зарафшон, Шарғун, Ширин, Олмалик, Ангрен, Янгиобод, Оҳангарон, Бекобод, Чирчиқ, Янгийўл, Питнак ва бошқ.

гида етиштириладиган маҳсулотларнинг истеъмол бозорини ҳам кенгайтиради. Бундай иқтисодий муносабатларнинг доимийлиги вақт ўтиши билан функционал боғлиқликни келтириб чиқаради ва кучайтиради.

Урбанизациянинг Ўзбекистон шароитида кўриб чиқилган ушбу йўналишлари (моделли) ўрта ва кичик шаҳарларга «интилувчан» қишлоқ ҳудудлари билан боғлиқликда ривожлантиришга тааллуқлидир. Бошқача қилиб айтганда, Ўзбекистонда урбанизация сиёсатининг амалга оширилиши кичик ва ўрта шаҳарларнинг қишлоқ хўжалиги билан интеграциялашган ривожланиш моделига асосланиши аниқ мақсадларга олиб келади.

Ўрта ва кичик шаҳарларда саноат сиёсатини амалга ошириш натижасида қишлоқ хўжалигидан озод бўлган аҳолини кафолатли иш ўринлари билан таъминлаш, биринчи навбатда, қишлоқ хўжалигига эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқариш, техникаларни таъмирлаш ва хизмат кўрсатиш йўналишларида амалга оширилади. Ушбу урбанизация моделини амалга ошириш, яъни кичик ва ўрта шаҳарлар ривожланиши орқали урбанизацияни амалга ошириш, бир томондан, қишлоқлардаги ортиқча аҳоли сонининг ортиб кетиши олдини олса, иккинчи томондан, катта шаҳарларга қишлоқ аҳолиси миграцияси босимини чеклайди. Чунки, катта шаҳарларда «ўсиш нуқталари» сифатида саноат марказларини ривожлантириш кўпроқ билим талаб қиладиган ва малакали меҳнат ресурслари билан таъминланиши лозим бўлган инновацион лойиҳалар асосида саноат ишлаб чиқариши ва у билан боғлиқ соҳаларни ривожлантиришни кўзда тутди.

Урбанизация даражасини чуқур таҳлил қилиш нуқтаи назаридан Ўзбекистондаги кичик ва ўрта шаҳарлар типологиясини аниқлаш ва таснифлаш муҳим аҳамият касб этади. Шаҳарларнинг тарихий хусусиятлари ва иқтисодий аҳамиятига қараб уларни қуйидаги турларга бўлиш мумкин (2-жадвал): 1-гурӯҳ: нисбатан бой тарихий манбааларга ва шаҳар инфратузилмасига эга бўлган шаҳарлар; 2-гурӯҳ: аҳоли сонининг ўсиши ва шаҳар ҳосил қилиш омилларининг мавжудлиги туфайли илгари қишлоқ типидagi шаҳарчалардан асосан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини бирламчи қайта ишловчи саноат қувватларига эга бўлган шаҳарлар; 3-гурӯҳ: йирик саноат корхоналари атрофида шаклланган шаҳарлар.

Юқоридаги гуруҳлардан кўриниб турибдики, биринчи ва учинчи гуруҳларга кирувчи шаҳарларда мавжуд инфратузилма ва шаҳар ташкил қилиш омиллари иккинчи гуруҳга кирувчи шаҳарларга нисбатан кўпроқ ривожланган. Бу шаҳарларнинг ривожланиб бориши натижасида шаҳар ҳудуди функционал жиҳатдан бошқарув назорати остидаги чегара доирасидан чиқиб кетади.

Биринчи ва учинчи гуруҳлардан фарқли равишда иккинчи гуруҳга мансуб шаҳарларнинг туташ ҳудудлар эҳтиёжларини қондириш имкониятлари нисбатан чекланган. Бу эса уларнинг жойлашув нуқтаи назаридан маҳаллий (локал) аҳамиятга эга эканлигини билдиради. Ушбу гуруҳга мансуб шаҳарлар, юқорида таъкидланганидек, асосан аҳоли сонининг ортиб бориши туфайли шаҳар мавқеига эришган. Шунинг учун бу субъектларда шаҳар инфратузилмаси сустривожланган ҳамда шаҳар тузиш омиллари етарлича шаклланмаган. Хусусан, бу шаҳарларнинг кўпчилигида марказлашган канализация тизими деярли йўқ. Бундан ташқари, инфратузилманинг сув билан таъминлаш қуввати чекланганлиги туфайли аҳолини ичимлик суви билан таъминлашда муаммолар мавжуд.

Шаҳарларни ҳар томонлама тавсифлаш мақсадида уларнинг иқтисодий йўналишларини ўрганиш шаҳарларнинг (турли комбинацияларда) функционал профилини очиб беради. Муайян ҳудудда ривожланаётган шаҳар билан бошқа ҳудудий бирликлар ўртасидаги функционал муносабатлар шаҳарлар аҳолиси бандлиги ва даромадининг миқдорий кўрсаткичларини таҳлил қилиш асосида аниқланади.

Саноат ва саноат билан боғлиқ равишда ривожланаётган соҳаларда (транспорт ва айрим хизмат турлари) банд бўлганларнинг улуши ўртача республика даражасидан юқори бўлган шаҳарлар (*Тахياتош, Бухоро, Когон, Газли, Шарғун, Қоровулбозор, Қарши, Муборак, Толлимаржон, Навоий, Зарафшон, Учқудуқ, Самарқанд, Ширин, Олмалиқ, Ангрен, Оҳангарон, Бекобод, Чирчиқ, Янгийўл, Питнак*) ўзининг индустриал салоҳияти ортиб бориши эвазига йирик урбанизация марказларига айланиб бориш хусусиятига эга бўлиш эҳтимоли юқори.

Кўриб чиқилаётган кичик ва ўрта шаҳарлар ривожланишида «тугун» хусусиятига эга бўлган шаҳарларнинг аҳамияти катта ва бундай шаҳарларни ажратиб ўрганиш долзарб масала ҳисобланади. Шаҳарларнинг «тугун» функциялари деганда транспорт, молия, товар ва хизматлар, миграция, ахборот ва бошқа оқимларни йиғиш, бошқариш ва қайта тақсимлаш жараёнлари тушунилади. Ушбу оқимларнинг кесишиши йирик шаҳарларни миллий (ва айрим ҳолларда) глобал жараёнларнинг фаол иштирокчиларига айлантиради. Бундай «тугун» функциясини бажарувчи шаҳарларга республикадаги Тошкент шаҳридан ташқари Самарқанд, Навоий, Қарши ва Фарғона шаҳарларини мисол қилиб келтириш мумкин. Ушбу шаҳарларнинг аксариятида шаклланган «тугун» хусусиятлари узоқ ривожланиш давридаги тарихий келиб чиқиш ва миллий даражада муҳим иқтисодий аҳамиятга эга бўлган ишлаб чиқариш қувватларининг шаклланиши ва ривожланиши билан боғлиқ.

Кичик ва ўрта шаҳарлар миқёсида ижтимоий-иқтисодий жараёнларни ўрганиш шуни кўрсатадики, ҳозирги кунда амалиётда қўлланилаётган бошқарув усуллари ва технологиялари жуда эскирган. Шаҳар иқтисодиётини тизимли равишда тавсифловчи омилларни ўрганиш ва таҳлиллар олиб бориш амалиёти йўқ деса ҳам бўлади.

Аҳоли даромадлари даражаси, инфратузилманинг ҳолати, саноат ишлаб чиқариши ва хизмат кўрсатиш соҳасининг ривожланишига оид кўрсаткичлар тизими алоҳида олиб борилмайди.

Бундан ташқари, урбанизация жараёнларини ривожлантириш, моддий ишлаб чиқариш, меҳнат, молиявий ва табиий ресурслар ҳамда ижтимоий инфратузилмани мувофиқлаштириш ҳудудий бошқарувнинг нафақат бевосита, шунингдек, билвосита усуллари қўллашни тақозо этади. Алоҳида вакиллик ва ижро (маъмурий) органларига эга бўлмаган кичик ва ўрта шаҳарларни ривожлантиришда қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш ушбу шаҳарларнинг ҳудудий мувозанатни таъминлаш борасидаги таъсирини сезиларли даражада оширишга ёрдам беради:

1. «Жамоавий» бошқарув технологияларини қўллаш, яъни янги шароитларга тез мослашувчан, вақтинчалик ижодий гуруҳларни тузиш орқали бошқарув қарорларини жамоавий ишлаб чиқиш. Ушбу бошқарув усули ҳудудий ривожланишнинг стратегик вазифаларини аниқлаш ва ечимини таъминлашда инновацион салоҳиятдан фойдаланишнинг самарали воситаларини топишда қўлланилиши мумкин.

2. Бюджет маблағларидан фойдаланишда маъмурий бошқарувга эга бўлмаган шаҳарлар учун алоҳида мониторинг тизимини жорий қилган ҳолда, бюджет харажатларининг натижага йўналтирилганлигини кузатиб бориш. Бунинг натижасида бюджет маблағларидан фойдаланилганда эришилган натижа амалга оширилган харажатлар билан солиштирилади. Ушбу тизимнинг жорий этилиши кичик ва ўрта шаҳарнинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш даражасини динамикада баҳолаб бориш имконини беради.

3. Аҳоли турмушининг ижтимоий стандартларга мос келиши, оила бюджетининг даромад ва харажатларининг мувозанатлилиги, демографик ўсиш билан экологик хавфсизлик даражасининг мувофиқлиги ва бошқа мутаносибликлар миқдорий баҳолаш усуллари орқали аниқланади. Шаҳардаги ижтимоий-иқтисодий ва экологик ҳолатдан келиб чиқиб, барқарор ривожланиш кўрсаткичларини мунтазам таҳлил қилиш учун статистик маълумотлар, мониторинг натижалари, кузатувлар ва сўровлар асосида тўпланган маълумотлар махсус яратилган маълумотлар базасида сақланиб борилади.



4. Мамлакатда урбанизация жараёнларини жадаллаштиришнинг мақсадли стратегиясини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш кичик ва ўрта шаҳарлар ривожланишини бошқаришнинг янги тизимини жорий этишни талаб этади. Айти пайтда маъмурий бошқарувга эга бўлмаган шаҳарлар муаммоларини ечишда ваколатлар ва функциялар сочилиб кетган. Шу муносабат билан шаҳарсозлик, шаҳар хўжалиги ва иқтисодий жараёнларни бошқаришда маҳаллий ҳокимият органларида урбанизациянинг ўрта ва узоқ муддатларга мўлжалланган мақсад ва вазифаларини аниқлаш ҳамда уларни амалга оширишга масъулларни аниқлаш зарур.

5. Хитой Халқ Республикаси ва Жанубий-Шарқий Осиёнинг бир қанча давлатларида сўнги йилларда олиб борилаётган урбанизация сиёсатини чуқур ўрганган ҳолда саноатни ривожлантириш мақсадлари билан аҳолининг демографик ўсиши ҳамда қишлоқ-шаҳар миграцияси жараёнларини уйғунлаштириш, саноатлаштириш суръати, босқичлари ва натижаларини узоқ муддатга аниқ прогнозлаштириш (режалаштириш), шаҳарларда иш ўринларига бўлган талабни алоҳида ўрганиш ва бандлик ҳисоботини алоҳида юритиш, қишлоқдан шаҳарларга меҳнат оқимини ўрганган ҳолда қишлоқ аҳолисини янги саноат мутахассисликлари бўйича тайёрлаш ва қайта тайёрлашга қаратилган чора-тадбирларни белгилаш мақсадга мувофиқ.

6. Урбанизациянинг асосий йўналишлари бўлган йирик шаҳарларнинг ривожланиши ва йирик мегалополисларнинг шаклланиши билан биргаликда қишлоқ жойлардан йирик шаҳарларга малака даражаси паст бўлган ишчилар оқимини чеклаш мақсадида кичик ва ўрта шаҳарларда саноатнинг қишлоқ хўжалиги билан узвий боғлиқ бўлган тармоқларини ривожлантириш, янги саноат марказларини кичик шаҳарлар худудига туташ ёки яқин жойлаштириш муҳим аҳамият касб этади.

7. Кичик ва ўрта шаҳарлар даражасида тўлиқ статистик ҳисобни ўрнатмасдан туриб ушбу шаҳарлардаги ижтимоий-иқтисодий ҳолатни тўлиқ тасаввур қилиш қийинлигини ҳисобга олган ҳолда кичик ва ўрта шаҳарлар ҳолатини алоҳида статистик ҳисобга олиш масаласини ҳукумат даражасида ҳал қилиш мақсадга мувофиқ бўлади.

8. Маъмурий бошқарувга эга бўлмаган шаҳарларда бюджет жараёнларини тартибга солиш Бюджет кодексига мувофиқ амалга

оширилади. Бюджет мустақиллигига эга бўлмаган шаҳарларни ривожлантириш, энг аввало, шаҳарлар инфратузилмасини шакллантиришга қаратилган лойиҳа ва ташаббуслар худуднинг умумий бюджет харажатлари доирасида амалга оширилади ва бу тадбирларга етарли даражада маблағлар ажратиш имкони бўлмайди. Бундай номутаносибликларни бартараф этиш учун худудий (туман) бюджетнинг (бюджет ва солиқ ваколатларига эга бюджетлар назарда тутилади) даромад ва харажатлар сметасида шаҳар марказини ривожлантириш учун назорат рақамларини бюджет ва солиқ ҳуқуқсиз алоҳида белгилаш тартибини эксперимент тариқасида ўрганиш лозим. Бунда туман ҳамда бюджет ва солиқ ваколатларига эга бўлмаган шаҳар бюджетлари ўртасида бюджет маблағларининг қайта таксимланиши шаҳар аҳолиси жон бошига тўғри келадиган ўртача бюджет даромади ва харажатлари, шунингдек, шаҳар инфратузилмасини ривожлантириш борасидаги долзарб вазифаларни ҳисобга олган ҳолда белгиланади.

9. Урбанизация жараёнларини жадаллаштиришдаги асосий чекловлардан бири бу – мавжуд инфратузилманинг ҳозирги кун талабига жавоб бера олмаслигидир. Бу муаммони ҳал этишнинг жаҳон тажрибасида синалган йўлларида бири – электр энергия, газ, сув таъминоти ҳамда йўллар ҳолатини яхшилашда давлат-хусусий шериклиги асосида амалга ошириладиган лойиҳаларни амалга оширишдир. Бундай лойиҳаларни амалга ошириш ҳар қанча қийин бўлишига қарамасдан, давлат-хусусий шериклик концепцияси асосида инфратузилмани шакллантириш ва ривожлантириш урбанизация сиёсатини амалга оширишда муҳим роль ўйнайди. Бу мақсадлар учун давлат томонидан зарур шарт-шароит ва қулай муҳит яратилиши зарур. Давлат ва хусусий сектор ўртасидаги ишонч даражасини ошириш, шунингдек, барча фуқаролик жамияти институтларини ушбу муносабат ва мулоқотларга жалб этиш. Нафақат таъминот нуктаи назаридан, шунингдек, жуда катта қийинчиликлар билан амалга ошаётган саноат зоналарини кичик ва ўрта шаҳарларда шакллантириш эвазига мамлакатда олиб борилаётган саноатлаштириш сиёсатини амалга оширишнинг муҳим воситаси сифатида қаралиши керак.

## II БОБ

### МИНТАҚА РАҚОБАТДОШЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ УСЛУБИЙ ВА АМАЛИЙ ЖИХАТЛАРИ

#### 2.1. Минтақа рақобатдошлигининг тизимли таҳлили

Минтақавий иқтисодиёт фанида минтақаларнинг рақобатга киришиши ва рақобатдошлиги янги ва шу билан биргаликда кам ўрганилган йўналиш ҳисобланади. Бозорлардаги рақобат, бозор иштирокчиларининг рақобат салоҳияти ва рақобат устунликлари минтақа рақобатдошлиги тушунчаси билан бир хил эмас. Минтақанинг рақобатдошлиги нисбий тушунча бўлиб, кўпгина омиллар таъсирида ҳамда жараёнлар динамикасида шаклланиб боради. Мана шу жараёнда ҳудуднинг жойлашуви, табиий-иқтисодий салоҳияти, инфратизилмаси ҳамда инсон капитали билан биргаликда, ҳудудда жойлашган ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш корхоналарининг рақобат салоҳияти ва рақобат устунликлари минтақа рақобатдошлигининг таркибий қисми ҳисобланади. Минтақа ривожланишидаги рақобат устунликлари эса ижтимоий-иқтисодий жараёнларнинг ички омиллари, шарт-шароитлари ва механизмларидан келиб чиқиб шаклланади.

Минтақанинг рақобатдошлиги минтақадаги табиий ресурслар, ишлаб чиқариш омилларининг (меҳнат ва капитал) ривожланганлиги, иқтисодиётнинг илмий-техник ва технологик даражаси ҳамда минтақанинг интеллектуал салоҳияти, шунингдек, иқтисодиётни бошқариш тизими, минтақавий иқтисодиётнинг институционал-ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришнинг динамик ва эволюцион жараёнлардаги таъсири остида ўзгариб боради.

Айни пайтда кечаётган глобаллашув ва минтақавий тузилмаларнинг кенг ривожланиш жараёнлари, минтақалараро интеграция даражасининг ортиб бориши ўз рақобат устунликларини ва манфа-

атларини мустақил руёбга чиқара олмайдиган минтақаларни ҳам жаҳон бозорининг мустақил иштирокчиларига айлантириш учун имконият яратяпти.

Минтақа рақобатдошлигининг ривожлантириш омиллари минтақавий иқтисодиёт ва минтақавий ривожланишга оид тадқиқотлар доирасидан ташқарига чиқиб кетган, десак хато бўлмайди. Шунинг учун минтақа рақобатдошлигини тизимли асосда ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва экологик жараёнларни ўзида акс эттирувчи омиллар орқали комплекс ўрганиш талаб этилади. Методологик нуқтаи назардан, бу муаммони тизимли ва фанлараро ўрганиш ва ушбу жараёнда ўз-ўзини ташкиллаштирувчи, мультипликатив ёки синергетик таъсир кучига эга бўлган омилларни алоҳида ҳисобга олиш мақсадга мувофиқ.

Минтақавий иқтисодиётга оид илмий тадқиқотларда минтақа рақобатдошлигини баҳолашда турлича ёндашувлар мавжуд. Уларнинг кўпчилиги, асосан рақобат салоҳиятини баҳолашга қаратилган. Шу ўринда, одатда табиий ресурслар, юқори технологияли саноат, ижтимоий, муҳандислик, транспорт ва ишлаб чиқариш инфратузилмасининг ривожланганлиги, юқори малакали кадрлар ва бошқа омилларга кўпроқ эътибор қаратилади. Минтақа рақобатдошлигини белгиловчи ушбу детерминантларни эмпирик баҳолаш мезонлари жуда хилма-хил ва бир-биридан фарқ қилади.

М. Портер[19] «рақобат бриллианти (ромби)» номи билан машҳур бўлган моделида тўрт турдаги омиллар гуруҳига алоҳида эътибор қаратган: – ҳудудий такрор ишлаб чиқариш омилларининг мавжудлиги, ҳолати ва фойдаланиш даражаси; – бозор конъюнктурасини (талаб ва таклифга қараб нарх параметрларининг ўзгариши) белгиловчи омиллар; – корхоналар рақобат стратегиясининг минтақа стратегияси билан уйғунлиги (ички рақобат муҳити ва уни ривожлантириш учун яратилган шарт-шароитлар); – бир-бирига кўмак берувчи (ёрдамчи), бир-бирини тўлдирувчи ва турдош тармоқлар фаолиятининг ривожланганлик даражаси. Маълумки, ушбу модель микро даражадаги бизнес рақобатининг асосларини белгилаб беради. Ушбу детерминантларнинг барчаси минтақанинг рақобат салоҳияти доирасида аниқланиши мумкин бўлса-да, аммо

бу минтақа рақобатдошлигининг тўлиқ мазмунини очиб бериш учун етарли эмас.

Шунинг учун минтақа рақобатдошлигининг асосий детерминантлари бўлган рақобат салоҳияти, рақобат устунликлари ва умумий рақобатдошлик омилларининг тегишли гуруҳлари бўйича услубий жиҳатдан алоҳида ўрганиш мантиқан тўғри бўлади.

Рақобат салоҳияти минтақанинг иқтисодий, ижтимоий ва ҳудудий жиҳатларини кенг қамраб олади. Рақобат салоҳияти рақобат устунликларини юзага чиқариш учун имкон яратади. Масалан, саноатнинг рақобат салоҳияти рақобат муносабатларининг таркибий элементи сифатида саноатнинг самарали ривожланишини таъминлайдиган ресурсларни ўз ичига олади.

Юқоридаги таърифлар асосида ҳам шундай хулосага келиш мумкинки, минтақанинг рақобат салоҳияти ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий ресурслар, ҳам имкониятларни бирлаштирувчи мураккаб ва кўп қиррали тушунчадир. Шу муносабат билан рақобат салоҳиятини тизимли равишда баҳолаш лозим. Яъни, минтақанинг иқтисодий ва ижтимоий рақобатдошлиги салоҳиятини янада аниқроқ баҳолаш учун минтақанинг рақобат салоҳияти детерминантларини **омилли ва натижавийлик** нуқтаи назардан табақалаштирилган ҳолда тадқиқ этиш талаб қилинади. Бу эса, рақобат салоҳиятини шакллантиришнинг асосий шарт-шароитларини ўрганиш, унинг шаклланишига ҳар бир элементнинг таъсирини алоҳида аниқлаш имконини беради.

Омилли ёндашувда минтақанинг рақобатдошлик салоҳияти минтақанинг барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш ва биринчи навбатда, аҳолининг турмуш шароитини яхшилаш учун мавжуд бўлган ва фойдаланадиган турли моддий ресурслар, воситалар ва манбалар мажмуини ўз ичига олади. Омилли ёндашувга кўра рақобат салоҳияти куйидаги омиллар гуруҳидан иборат бўлади (2-расм):

- *молиявий салоҳият* – корхона ва ташкилотларнинг молиявий ҳолати, маҳаллий бюджетнинг ликвидлиги ва мустақиллигини, молия-банк секторининг барқарорлигини акс эттирувчи детерминантлар;
- *табiiий ресурс салоҳияти* – тоғ-кон, қишлоқ хўжалик ерлари, сув ресурслари ва бошқалар;



2-расм. Минтақа рақобат салоҳиятини омилли ёндашув асосида баҳолаш


- *маъмурий-бошқарув салоҳияти* – бошқарув органларининг иш самарадорлиги, кадрлар малакаси ва уларнинг сифат кўрсаткичлари;
- *ижтимоий салоҳият* – минтақа аҳолисининг турмуш даражасини тавсифловчи соғлиқни сақлаш, ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш, ўртача иш ҳақи, аҳоли даромадлари ва харажатлари таркиби, аҳоли жамғармалари ва бошқа кўрсаткичлар;
- *таълим салоҳияти* – таълим тизими, минтақани юқори малакали мутахассислар билан таъминлаш орқали бошқарув сифатини ошириш ҳамда инсон капитали сифатини оширишдаги ресурслар;
- *инфратузилма салоҳияти* – минтақанинг муҳандислик, коммуникация ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш билан боғлиқ ресурслар;
- *тадбиркорлик салоҳияти* – минтақа иқтисодиётида тадбиркорлик ва ишбилармонлик муҳитини ривожлантиришга йўналтирилган ресурслар;
- *технологик салоҳият* – минтақанинг имитацион ва инновацион салоҳияти, юқори технологияли тармоқларнинг мавжудлиги, асосий воситаларнинг эскирганлик даражаси, минтақанинг имитацион ва инновацион қобилияти ва бошқалар.

Юқоридаги минтақаларнинг рақобат салоҳиятига оид барча детерминантларни баҳолаш методологиялари ва усулларига оид кўплаб тадқиқотлар ўтказилган [20,21,22]. Шу нуқтаи назардан услубий баҳолаш масалаларини ушбу изланиш доирасидан четда қолдирган ҳолда минтақанинг рақобат салоҳиятини *нативавийлик* нуқтаи назаридан кўриб чиқамиз.

Маълумки, рақобат салоҳиятини баҳолашнинг омилли ёндашуви минтақанинг ривожланиши учун зарур бўлган ресурслар билан таъминланишини миқдорий жиҳатдан баҳолаш имконини беради. Лекин минтақанинг иқтисодий ўсишида мавжуд салоҳиятдан сифатли ва самарали фойдаланиш имкониятлари ва захираларини етарли даражада очиб беролмайди.

Шунинг учун, минтақанинг рақобат салоҳиятини нативавийлик нуқтаи назаридан ўрганиш ҳудуднинг рақобат устунликлари намоён бўлиши жараёнида салоҳият элементларининг мавжудлиги ва ўзаро таъсирини ҳисобга олган ҳолда уни сифат томондан аниқлаш имконини беради. Иқтисодиёт фанида рақобат устунликларини аниқлаш усуллари ҳамон халқаро савдонинг классик назариясига (мутлақ ва қиёсий устунликлар назарияси) асосланади. Мутлақ устунликлар назариясида Адам Смит[23] иқтисодиётнинг ихтисослашувига асосланган меҳнат тақсимотига эътибор қаратган. Унга кўра, халқаро меҳнат тақсимотида иқтисодиётнинг самарадорлигини таъминловчи мамлакатнинг мутлақ устунликлари ҳисобланади. Бу ғояларни такомиллаштирар экан, Давид Рикардо[24] мутлақ устунликлар рационал меҳнат тақсимоти ёки ихтисослашувга умумий ёндашувнинг фақатгина бир қисми эканлигини исботлади. Мамлакат нисбий (солиштирма) устунлигининг етакчи омили – экспорт қилинадиган товарлар харажатларининг нисбатан тежашга имкон яратувчи қулай шарт-шароитларнинг мавжудлигидир. Ушбу ёндашувлар Е. Хекшер ва Б. Олин томонидан ишлаб чиқариш омилларининг нисбати назариясида янада ривожлантирилди[25].

Иқтисодиёт фанида бугунги кунгача рақобат устунликларининг классик назарияларидан фойдаланиш зарурати сақланиб қолган. Шу нуқтаи назардан, минтақанинг қиёсий устунликларини аниқлаш ва тизимлаштириш ҳамда уларни ҳудудларнинг ресурс имкониятлари билан боғлиқ ҳолда ўрганиш жараёнида юқоридаги назариялардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади.



3-расм. Минтақа рақобат устунликларини юзага чиқарадиган шарт-шароитлар

Минтақанинг рақобат устунликларини унинг бошқа ҳудудлар билан рақобатлашувдаги қулай ўрни (позицияси) сифатида қараш мумкин. Бундай устунликлардан самарали фойдаланиш муайян ҳудуднинг стратегик мақсадларга эришишига имкон яратади. Яъни, омилли ёндашув асосида аниқланган минтақанинг рақобат салоҳиятидан келиб чиққан ҳолда иқтисодиёт соҳаларидаги рақобат устунликларини аниқлаш ва тизимлаштириш минтақанинг энг муҳим устунликларини аниқлашга имкон беради. Ҳудудий нуқтаи назардан минтақа рақобат салоҳиятининг юқорилиги рақобат устунликларини намоён қилиш ва амалга ошириш учун муҳим яратади (3-расм).


Минтақанинг рақобат устунликларини аниқлашнинг ички манбалари сифатида қулай географик жойлашув, ресурсларнинг

мавжудлиги (табиий, хомашё, ер ва сув), юқори сифатли меҳнат ва интеллектуал капитал, қулай инвестиция муҳити, молия тизимининг барқарорлиги, юқори технологияга асосланган ишлаб чиқариш капиталининг мавжудлиги, илмий ва инновацион салоҳият, ишлаб чиқариш ва бозор инфратузилмаси каби омилларни қараш мумкин.

Лекин, юқорида санаб ўтилган ички манбалар рақобат устунликларини намоён қилишни тўлиқ кафолатлай олмайди. Шу туфайли аниқланган рақобат устунликларини тавсифлаш учун, масалан, минтақалараро ва глобал иқтисодий муносабатларнинг барқарорлиги, минтақанинг жаҳон бозорларига яқинлиги, ташқи транспорт тармоқлари билан уйғунлиги, ташқи талабнинг мавжудлиги, дунёдаги ва шунингдек, қўшни мамлакатлардаги сиёсий вазиятнинг барқарорлиги, хорижий инвесторлар учун минтақанинг жозибадорлиги, миллий дастурлар ҳамда йирик лойиҳаларни амалга оширишда минтақанинг иштироки каби омилларни алоҳида ўрганиш талаб этилади.

Шундай қилиб, рақобат салоҳиятининг омилли компонентлари мажмуи минтақанинг глобал ва минтақалараро бозорларга (товарлар, хизматлар, капитал) интеграциялашувига қўмак берувчи ички ва ташқи муҳитнинг қулай шароитларида қиёсий устунликларни шакллантиришга ижобий таъсир кўрсатади. Келгусида эса ушбу жараёнларнинг давомийлиги ички ва ташқи муҳит шароитига қараб қиёсий устунликлари минтақанинг рақобатдаги ўрнини (позициясини) белгилаб беради (4-расм).

Минтақанинг рақобатдаги ўрнини таснифлашнинг учта асосий, яъни ижтимоий, иқтисодий ва технологик белгилари мавжуд. Агар минтақанинг рақобат устунлиги глобал ва минтақалараро муносабатларда ўзининг барқарорлиги, ишончлилиги ва жозибадорлигини узоқ муддат сақлаб қолса, рақобат мавқеи ошиб боради. Иқтисодий салоҳиятнинг рақобат устунликларига айланиши ва минтақанинг рақобатда эгаллаган ўрнида акс этиши, ўз навбатида, ўзига хос бўлган усткурманинг бир турини шакллантиради. Ушбу усткурма асосида минтақа рақобатдошлигининг сифат хусусиятлари (детерминантлари) юзага келади. Бундан минтақанинг рақобатдаги ўрнини рақобат салоҳияти билан бир хил тарзда қабул қилса бўлади



4-расм. Минтақа рақобат салоҳиятини натижавийлик жиҳатидан баҳолаш

деган хулосага келиш мумкин, фақат уни натижавийлик жиҳатидан бошқача рақурсда ва бошқа сифат даражасида баҳолаш лозим.

Юқорида баён этилганлардан минтақанинг рақобат салоҳиятини илмий-услубий жиҳатдан омиллик ва натижавийлик детерминантларига ажратиб баҳолаш унинг моҳиятини тўлиқроқ тасаввур қилиш имконини беради, деган хулосага келиш мумкин.

Минтақанинг рақобат салоҳиятини хусусий баҳолашдан унинг умумий рақобатдошлигини аниқлашга ўтиш методологик нуқтаи назардан энг қийин масалалардан биридир. Маълумки, рақобат салоҳияти ва рақобатдошликни аниқловчи детерминантлар бир хил хусусият ёки тоифага эга эмас ва сифат жиҳатидан турли даражадаги детерминантлар ҳисобланади. Шунинг учун ҳам рақобат салоҳияти параметрларининг ҳам омилли, ҳам натижавийлик жиҳатидан умумлаштирилиши минтақа рақобатдошлигини умумий баҳолашга асос бўла олмайди.

Минтақанинг рақобатдошлигини баҳолашда М. Портернинг юқорида бизнес рақобатдошлигига берган таърифига асосланган ҳолда мавжуд ресурслардан фойдаланиш самарадорлиги (меҳнат ва капитал унумдорлиги), аҳоли жон бошига ялпи ҳудудий маҳсулот (ЯҲМ) ҳажми ва динамикаси каби кўрсаткичларни бошқа минтақалар билан таққослаган ҳолда хулосалар чиқариш мумкин.

Шунингдек, Европа Иттифоқи мамлакатлари мисолида рақобатдошликни сифат жиҳатдан баҳолашга бўлган ёндашувларни ҳисобга олиш мумкин. Мисол учун, агар минтақа аҳолиси барқарор равишда юқори ҳаёт ва бандлик даражасига эга бўлса, мамлакат иқтисодий рақобатдош ҳисобланади [26].

Европа комиссияси Европа Иттифоқи минтақалари рақобатдошлигини баҳолашда «benchmarking» методологиясидан фойдаланади. Унга кўра: – иқтисодий (аҳоли жон бошига ЯҲМ, саноатда бандлик, ҳар бир миллион аҳолига тўғри келадиган патентлар сони; – меҳнат бозорида ишсизлик даражаси; – демография (аҳоли зичлиги, 15 ёшгача бўлган аҳолининг улуши; – таълим (25–59 ёшдаги шахсларнинг таълим даражаси) кўрсаткичларини интеграл баҳолаш орқали минтақа рақобатдошлигига умумий баҳо бериледи.

Россиялик олимлар [27] бу борада ўн учта кўрсаткичлар асосида минтақа рақобатдошлигини баҳолашни таклиф этган. Яъни, минтақанинг хомашё ресурслари, ёқилғи ва энергия ресурслари, ишлаб чиқариш қувватларининг мавжудлиги, бозор ва ижтимоий инфратузилма, ускуналарнинг эскириш даражаси, импорт ва экспорт, истеъмолчиларнинг яқинлиги, транспорт харажатлари, экологик шароитлар, юқори малакали кадрлар ҳамда хавфсизлик каби омиллар асосида рақобатдошликка умумий баҳо беришни таклиф этишган.

Бошқа бир тадқиқотда [28] минтақанинг ижтимоий-иқтисодий рақобатдошлигини баҳолашда ҳаёт даражаси (аҳолининг сотиб олиш қобилияти; яшаш минимумидан қуйидаги аҳолининг улуши; ишсизлик даражаси) ва инвестиция жозибадорлиги (реал инвестициялар, инвестиция салоҳияти, инвестиция хавфи, зарар билан ишлаётган корхоналар улуши) кўрсаткичларидан фойдаланишни тавсия этган.


Юқоридаги тадқиқот натижаларидан кўриниб турибдики, кўриб чиқилган деярли барча ёндашувларда рақобатдошликнинг индивидуал жиҳатларини ўрганиш унинг ижтимоий-иқтисодий жараён-

лар билан боғлиқликда ҳар томонлама баҳолашдан устун туради. Бундан хулоса шуки, минтақа рақобатдошлигини баҳолашнинг методологик асослари, уларнинг аҳамиятига қарамасдан, тизимли ва комплекс характерга эга эмас.

Минтақа рақобатдошлигининг кўп омиллиги ва кенг қамровлиги унинг асосий детерминантларини баҳолашга тизимли ёндашишни талаб қилади. Шу аснода минтақа рақобатдошлиги ҳақида етарли тасаввурга эга бўлиш учун «тизимли парадигма»[29] тушунчасига мурожаат этамиз. Ушбу парадигмага асосланган ҳолда минтақа рақобатдошлигининг намоён бўлишига қараб уни асословчи детерминантларнинг жараёнга, объектга, лойиҳага ва муҳитга оид хусусиятларидан келиб чиқиб гуруҳлаймиз (5-расм).

Объектга йўналтирилган детерминантлар: ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилманинг ҳолати, ишлаб чиқариш омиллари, ресурсларнинг мавжудлиги, молиявий ҳолат, илмий, техник ва ахборот базаси, транспорт тармоқлари каби омиллар билан тавсифланади.

Жараёнга оид детерминантлар доимий ва эволюцион такрорланадиган омилларнинг сифат жиҳатидан баҳоланишига қараб



5-расм. Минтақа рақобатдошлигини белгиловчи детерминантлар

гуруҳланади. Масалан, таълим жараёни, бошқарув тизими, янгиликлар диффузияси, инвестицион фаолият, минтақалараро ва глобал иқтисодий муносабатлар шулар жумласига киради.

Минтақа рақобатдошлигининг муҳитга оид детерминантлари иқтисодиёт объектлари ва иқтисодий жараёнларнинг ўзаро таъсири билан белгиланади. Масалан, ташқи савдо шароити, географик жойлашув, инвестицион муҳит, сиёсий вазият, бозор инфратузилмасининг ривожланганлиги, мамлакатнинг ҳуқуқий тизими ва бошқалар.

Лойиҳага оид детерминантлар эса ҳалқаро интеграциялашган, миллий ёки ҳудудий дастурларни амалга ошириш, стратегик аҳамиятга эга йирик лойиҳаларда иштирок этиш, минтақанинг юқори технологияларга асосланган ишлаб чиқаришни жорий этишга қаратилган қўшма лойиҳаларда иштирок этиши билан белгиланади.

Объектга йўналтирилган детерминантларни баҳолашнинг мантикий кетма-кетлиги пировард натижада ишлаб чиқариш омилларининг умумий унумдорлигини интеграл ҳисоблашга олиб келади. Жараёнга оид детерминантлар эса илм-фан, илмга асосланган иқтисодиёт тармоқлари ва секторлари (R&D, Research and Development) кўламининг ўсиши туфайли минтақада эндоген иқтисодий ўсиш омилларининг ўзгаришини акс эттиради. Рақобатдошликнинг муҳитга оид омиллари пировардида минтақадаги ишбилармонлик муҳитининг ўзгаришига олиб келади. Лойиҳага йўналтирилган компонентлар эса ташқи иқтисодий фаолиятнинг бир қатор кўрсаткичлари ўзгаришига бевосита ёки билвосита таъсир этиб, минтақа иқтисодиётининг очиқлик даражасини тавсифлайди.

Юқорида келтирилган тадқиқот натижаларидан қуйидаги хулосаларни чиқариш мумкин.

1. Рақобат салоҳияти, рақобат устунликлари ва рақобатдошликни баҳолашнинг методологик ҳамда услубий асослари илмий жиҳатдан кам ўрганилган ва кўп ҳолларда бу тушунчалар бир-бири билан чалкаштириб юборилганлик ҳолатлари кўп учрайди. Шунинг учун ушбу тоифаларни аниқроқ баҳолаш учун дифференциал ёндашув мақсадга мувофиқ бўлади.

2. Минтақа рақобатдошлигини баҳолашда рақобат салоҳиятининг аҳамияти катталигини ҳисобга олган ҳолда ушбу тоифага кирувчи омилларни ҳам миқдорий, ҳам сифат жиҳатидан ҳар то-

монлама ўрганиш зарурлиги тақозо этилмоқда. Бу борада рақобат салоҳиятини омилли ва натижавийлик нуқтаи назаридан мантикий кетма-кетликда баҳолаш орқали минтақанинг рақобат салоҳиятини тўғри баҳолаш мумкин.

3. Минтақанинг рақобатдошлиги минтақа ҳудудларининг иқтисодий ва ижтимоий ресурслари ҳамда имкониятларини бирлаштирувчи мураккаб ва кўп қиррали тушунчадир. Шу муносабат билан минтақанинг рақобатдошлигини бозор муҳитидан келиб чиқиб, ички ва ташқи таъсир этувчи омилларни ҳисобга олган ҳолда, тизимли ёндашув асосида баҳолаш зарур. Тизимли ёндашувда детерминантларни (кўрсаткичларни) статистик аниқлаб олиш ва эмпирик баҳолаш каби мураккабликлар мавжуд. Шунга қарамасдан, минтақа рақобатдошлигини аниқлашда тизимли ёндашув детерминантларни мантикий кетма-кетликда баҳолашнинг пировардида ишлаб чиқариш омилларининг умумий унумдорлиги ёки иқтисодий ривожланишнинг инновацион фаоллик ёки тадбиркорлик муҳитига таъсир кўрсатувчи ҳамда эндоген тавсифга эга бўлган омилларини баҳолаш имконини беради. Бунинг учун статистик таҳлил ва эконометрик моделлардан кенг фойдаланиш талаб этилади.

## 2.2. Минтақа рақобатдошлигини қиёсий баҳолаш

Минтақа рақобатдошлигини сифат жиҳатдан баҳолаш учун рақобат салоҳиятини омилли ва натижавийлик жиҳатдан чуқурроқ таҳлил қилиш зарурлиги олдинги бўлимда услубий баён этилган эди. Рақобат салоҳиятини баҳолашга омилли ёндашувда минтақанинг табиий ва иқтисодий ресурслари, ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмаси, таълим, инсон ресурслари, маъмурий ва бошқарув салоҳиятига оид кўрсаткичлар танлаб олинади (3-жадвал). Бу усулга кўра, алоҳида омилларнинг кўрсаткичлари нисбий фарқлар усули (PATTERN) ёрдамида коэффициентларга айлантирилади. Натижада ҳар бир индивидуал омил 0 билан 1 оралигидаги коэффициентларга эга бўлади. Ҳисоблаш натижаларига кўра қайси минтақанинг коэффициенти нолга интилса, салбий, 1 га яқинлашгани эса, ижобий натижага эга бўлади.


**Минтақаларнинг рақобат салоҳиятини омилли  
баҳолаш кўрсаткичлари**

Кўрсаткичлар тизими			
1-қатор	2-қатор	3-қатор	4-қатор
Бюджет даромадлари. Маҳаллий бюджетнинг ўз даромадлари. Бюджет харажатлари. Дебиторлик қарзлари (бир ишчига). Кредиторлик қарзлари (бир ишчига).	Маҳаллий бюджетнинг ликвидлилик, тўловга лаёқатлилик ва автономлик коэффициентлари. Корхоналарнинг молиявий барқарорлик коэффициенти.	Молиявий салоҳият	Рақобат салоҳияти
Аҳоли жон бошига минерал ресурслар. Ер ресурслари (га / минг кишига) суғориладиган ерлар, яйловлар, боғлар, тоқзорлар ва ўрмонлар (га / минг кишига).	Минерал ресурслар, суғориладиган ерлар, яйловлар, боғлар, тоқзорлар, ва ўрмонлар билан таъминланганлик коэффициенти.	Табий- хомашё салоҳияти	
Пул даромадлари. Ўртача ойлик иш ҳақи. Иш кучи қиймати. Иқтисодий тармоқларидаги ходимлар сони. Аҳолини ижтимоий нафақалар ва ижтимоий инфратузилма билан таъминланганлиги.	Иқтисодий тармоқларида меҳнат унумдорлиги. Уй-жой билан таъминлан- ганлик даражаси. Шифохонадаги ўринлар, АПМ қабул қуввати, та- бiiй газ ва ичимлик суви билан таъминланганлик коэффициенти.	Ижтимоий салоҳият	
Фан доктори ва номзодлари сони. ОТМ битирувчилари сони. КХБЮ битирувчилари сони.	Иқтисодийнинг мутахас- сислар билан таъмин- ланганлик коэффициенти.	Таълим сало- ҳияти	
Худуд иқтисодиёти диверсификацияланганлиги. Инновацион салоҳият	Минтақанинг sanoатлашу- ви, ICOR, юқори техноло- гияли ишлаб чиқариш коэффициентлари	Техноло- гик салоҳият	
Автомобиль ва темир йўлларнинг узунлиги, км.	Энгел коэффициенти	Транспорт салоҳияти	
Тижорат банклари ва филиаллар сони. Суғурта компаниялари сони. Кичик бизнеснинг ЯҲМ даги улуши.	Бозор инфратузилмаси- нинг ривожланиш коэффициенти.	Бизнес муҳити	

**Ўзбекистон Республикаси ҳудудларининг 2020 йилдаги рақобат  
салоҳиятини омилли баҳолаш натижалари**

Тошкент ш.	0,787	0,787	0,001	0,836	0,837	0,635	0,301	0,719	0,588	1
Хоразм	0,742	0,742	0,136	0,477	0,192	0,229	0,659	0,472	0,415	12
Фарғона	0,802	0,802	0,138	0,432	0,106	0,444	0,733	0,590	0,464	5
Тошкент	0,808	0,808	0,646	0,592	0,131	0,498	0,896	0,521	0,585	2
Сирдарё	0,669	0,669	0,259	0,525	0,295	0,250	0,842	0,490	0,476	4
Сурхондарё	0,674	0,674	0,256	0,402	0,107	0,207	0,467	0,573	0,384	14
Самарқанд	0,709	0,709	0,265	0,455	0,199	0,263	0,445	0,638	0,425	9
Наманган	0,665	0,665	0,197	0,458	0,130	0,291	0,633	0,599	0,425	10
Навоий	1,000	1,000	0,649	0,741	0,288	0,468	0,545	0,157	0,550	3
Қашқадарё	0,974	0,974	0,295	0,392	0,128	0,312	0,437	0,490	0,433	8
Жиззах	0,722	0,722	0,337	0,475	0,247	0,208	0,476	0,685	0,450	6
Бухоро	0,725	0,725	0,226	0,511	0,214	0,362	0,489	0,505	0,433	7
Андижон	0,753	0,753	0,117	0,506	0,149	0,276	0,602	0,470	0,410	13
Қорақалпо- ғистон Респ.	0,796	0,796	0,292	0,492	0,184	0,397	0,324	0,467	0,422	11
Молиявий салоҳият										
Молиявий салоҳият	0,787	0,787	0,001	0,836	0,837	0,635	0,301	0,719	0,588	
Табиий ресурс салоҳияти	0,742	0,742	0,136	0,477	0,192	0,229	0,659	0,472	0,415	
Ижтимоий салоҳият	0,802	0,802	0,138	0,432	0,106	0,444	0,733	0,590	0,464	
Таълим ва инсон ресурслари салоҳияти	0,808	0,808	0,646	0,592	0,131	0,498	0,896	0,521	0,585	
Технологик салоҳият	0,669	0,669	0,259	0,525	0,295	0,250	0,842	0,490	0,476	
Инфратузилма салоҳияти	0,674	0,674	0,256	0,402	0,107	0,207	0,467	0,573	0,384	
Ишбилармонлик муҳити	0,709	0,709	0,265	0,455	0,199	0,263	0,445	0,638	0,425	
Рақобат салоҳияти	0,665	0,665	0,197	0,458	0,130	0,291	0,633	0,599	0,425	
Ранг										





6-расм. Минтақаларнинг рақобат салоҳияти  
(2020 йил маълумотларига кўра)

Рақобат салоҳиятини баҳолашнинг омилли ёндашувига кўра, 2020 йилда Тошкент шаҳри, Тошкент ва Навоий вилоятлари юқори кўрсаткичларга эга минтақалар гуруҳини ташкил қилмоқда (4-жадвал). Бу ҳудудлар молиявий кўрсаткичлари, иқтисодийнинг диверсификацияланганлиги ва асосий воситаларнинг техник ҳолати юқорилиги билан ажралиб туради (6-расм). Шу билан бирга, Тошкент ва Навоий вилоятлари табиий-ресурс салоҳияти ҳамда ишлаб чиқариш инфратузилмасининг ривожланганлиги билан ажралиб турса, Тошкент шаҳри таълим ва инсон ресурслари салоҳияти борасида қолган минтақаларга нисбатан кескин фарқ қилади. Ресурслар концентрациясига нисбатан қаралганда Тошкент шаҳрини ривожланган ишбилармонлик муҳитига эга бўлган йирик агломерация сифатида қараш мумкин.

Иккинчи гуруҳга Сирдарё ва Фарғона вилоятларини киритиш мумкин. Бу ҳудудларнинг инфратузилма, молиявий ва ижтимоий салоҳияти нисбатан ривожланганлиги билан ажратилиб туради ва шаклан бир-бирига анча монанд кўринишга эга.

Қолган минтақалар 3-гуруҳга мансуб бўлиб, рақобат салоҳияти ўртача даражага эга ҳудудлар сирасига қиради. Шу билан бирга, Самарқанд ва Жиззах вилоятларидаги қулай ишбилармонлик муҳити, Қашқадарё ва Бухоро вилоятларида нефть ва газ соҳасидаги технологик салоҳият, Наманган ва Андижон вилоятларида ички транспорт тизими ва инфратузилмасининг ривожланганлиги ижобий таъсир кўрсатадиган омиллар сифатида ушбу ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда аҳамиятли ҳисобланади.

Шундай қилиб, минтақаларнинг рақобат салоҳиятини миқдорий омилларга таянган ҳолда омилли ёндашув нуқтаи назаридан баҳолаш рақобат салоҳиятини баҳолаш имконини беради. Рақобат салоҳиятига таъсир этувчи омиллардан самарали фойдаланиш, ўз навбатида, ҳудуднинг қиёсий афзалликларини юзага чиқаради.

Минтақанинг қиёсий устунлиги ва унинг асосий детерминантларини баҳолашнинг услубий жиҳатлари олдинги бўлимда батафсил баён этилган эди. Ушбу услубий ёндашувлардан фойдаланиб, ҳудудий нуқтаи назардан, келажакда ташқи ва ички рақобат устунликлари кўринишида намоён бўлиши (амалга ошиши) мумкин бўлган минтақанинг ижтимоий ва иқтисодий салоҳиятининг усту-

вор жиҳатларини аниқлаш мумкин. Бозор шароитида минтақанинг рақобат устунликлари мажмуи рақобат потенциалининг самарали томонини ифодаловчи ижтимоий, иқтисодий ва технологик детерминантлар кўринишидаги рақобат мавқеига айланиши мумкин деб тахмин қилиш мумкин. Бу тахминни исботлаш учун 5-жадвалда келтирилган кўрсаткичлар тизимига асосланган ҳолда омилларни натижавийлик жиҳатидан баҳолаш мумкин.

3 - ж а д в а л

**Ҳудудларнинг рақобат салоҳиятини самарали баҳолаш кўрсаткичлари тизими**

Кўрсаткичлар тизими			
1-қатор	2-қатор	3-қатор	4-қатор
<b>Ижтимоий кўрсаткичлар</b>			
1000 киши бошига ўлим	Ўлим даражаси индекси	Аҳоли барқарорлиги индекси	Инсон тараққиёти индекси
1000 киши бошига туғилиш даражаси	Туғилиш даражаси индекси	Таълим даражаси индекси	
Катта ёшдагилар саводхонлиги даражаси	Катта ёшдагилар саводхонлиги индекси	Турмуш даражаси индекси	
Жами аҳоли таркибида ўқувчилар улуши, %	Таълим билан қамраб олиш даражаси индекси		
Аҳоли жон бошига пул даромадлари		Аҳоли даромадлари индекси	
<b>Иқтисодий кўрсаткичлар</b>			
Аҳоли жон бошига саноат ишлаб чиқариш ҳажми	Саноат ишлаб чиқариш индекси	Реал секторни ривожлантириш индекси	Иқтисодий фаоллик индекси
Аҳоли жон бошига хизматлар	Хизматлар индекси		
Аҳоли жон бошига маҳаллий бюджетнинг ўз даромадлари	Маҳаллий бюджет рентабеллиги индекси	Молиявий барқарорлик индекси	
Аҳоли жон бошига асосий воситаларга инвестициялар	Инвестициялар индекси	Инвестиция фаоллиги индекси	
Аҳоли жон бошига экспорт ҳажми	Экспорт индекси	Ташқи иқтисодий фаолият индекси	

Кўрсаткичлар тизими			
1-қатор	2-қатор	3-қатор	4-қатор
Саноатда меҳнат унумдорлиги	Меҳнат унумдорлиги индекси		
Саноатда банд бўлганлар	Саноатда бандлик индекси		
<b>Технологик кўрсаткичлар</b>			
Капитал унумдорлиги	Капитал унумдорлиги индекси		Технологик даража индекси
Саноат ишлаб чиқаришининг ўсишида капитал сифими	ICOR		
Ихтиролар учун патентлар сони (ҳар 100 минг кишига)			

Олинган натижаларга кўра (6-жадвал) Тошкент шаҳри ва Навоий вилоятининг ижтимоий-иқтисодий салоҳиятини рўёбга чиқариш имконияти юқорилиги ҳар учала детерминантлар (ижтимоий, иқтисодий ва технологик) бўйича ҳам яққол кўриниб турибди. Шунинг ҳисобга олган ҳолда ушбу минтақаларни юқори рақобат мавқеига эга гуруҳ сифатида қараш мумкин.

Нисбатан юқори рақобат мавқеига эга бўлган минтақалар гуруҳига Тошкент, Қашқадарё, Бухоро, Андижон, Сирдарё ва Самарқанд вилоятларини киритиш мумкин. Ушбу минтақаларнинг рақобат мавқеини аҳоли жон бошига ЯҲМ, саноат маҳсулотлари ҳажми, инвестиция ва меҳнат унумдорлиги кўрсаткичларининг юқорилиги билан асослаш мумкин. Бундан ташқари, ушбу вилоятларда йирик саноат қувватларининг мавжудлиги ишлаб чиқаришда капитал унумдорлиги ҳамда капитал интенсивлигига ва пировардида ҳудудларнинг технологик даражасига ижобий таъсир кўрсатади.

Қолган барча минтақаларни ўрта рақобат мавқеига эга бўлган ҳудудлар сифатида баҳолаш мумкин. Ушбу минтақалар иқтисодиётида кейинги йилларда ижобий ўзгаришлар кузатилаётганлигига қарамадан, ривожланишнинг олдинги даврларидаги муаммолар, яъни ишлаб чиқаришнинг технологик даражаси пастлиги ва капитал интенсивлиги ушбу ҳудудлар учун чекловчи омиллардан бири

бўлиб қолмоқда. Шу туфайли ҳам бу гуруҳга кирувчи минтақалар саноат агломерациялари ташкил қилиш эвазига иқтисодий фаолликни ошириш имкониятларидан фойдаланиши мақсадга мувофиқ бўлади.

6 - ж а д в а л

Минтақаларнинг рақобат мавқеини белгилувчи детерминантлар  
(2020 йил маълумотларига кўра)

	Инсон тараққиёти индекси	Иқтисодий фаоллик индекси	Технологик даража индекси	Рақобат мавқеи	Ранг
Навоий	0,777	0,887	0,672	0,779	1
Тошкент ш.	0,715	0,719	0,554	0,663	2
Тошкент	0,613	0,437	0,297	0,449	3
Қашқадарё	0,703	0,236	0,394	0,444	4
Бухоро	0,669	0,302	0,324	0,432	5
Андижон	0,664	0,248	0,347	0,420	6
Сирдарё	0,653	0,343	0,203	0,400	7
Самарқанд	0,683	0,334	0,156	0,391	8
Қорақалпоғистон Р.	0,617	0,343	0,166	0,375	9
Наманган	0,658	0,338	0,091	0,362	10
Жиззах	0,702	0,265	0,102	0,356	11
Фарғона	0,635	0,197	0,216	0,349	12
Хоразм	0,667	0,214	0,151	0,344	13
Сурхондарё	0,708	0,170	0,078	0,319	14

Шундай қилиб, рақобат салоҳиятини амалиётда ўрганиш рақобатдошликни икки жиҳатдан: омилли ва натижавийлик жиҳатларини ҳисобга олишни талаб этади. Бироқ, рақобат салоҳиятининг бу икки жиҳатини сифатли баҳолаш билан минтақа рақобатдошлиги ҳақида тўлиқ тасаввурга эга бўлиш қийин. Ваҳоланки, минтақанинг рақобат салоҳияти ва мавқеи рақобатдошликка эришиш имконини беради, лекин рақобатбардошлик даражасини белгилаб бермайди.

Чунки минтақа рақобатдошлигини тавсифловчи идентификаторлар юқоридагилардан мазмунан фарқ қилади (7-жадвал).

Ушбу кўрсаткичлар тизими орқали рақобатдошликни мантиқий кетма-кетликда баҳолаш минтақа рақобатдошлигини аниқлаш жараёнининг якуний босқичи сифатида олдинги бўлимда баён қилинган эди. Яъни «Тизимли парадигма» концепцияси асосида шакллантирилган услубий ёндашувни қўллаш орқали минтақа рақобатдошлиги намоён бўлишининг сифат жиҳатидан тавсифловчи асосий детерминантларнинг объектга, муҳитга, жараёнга ва лойиҳага йўналтирилган хусусиятлари назарий жиҳатдан аниқлаб олинади.

7 - ж а д в а л

Ҳудудлар рақобатдошлигини баҳолаш кўрсаткичлари тизими

Кўрсаткичлар			
1-қатор	2-қатор	3-қатор	4-қатор
<b>Объектга оид кўрсаткичлар</b>			
Иқтисодиёт тармоқларида банд бўлганлар сони	Бандлик даражаси	Ишлаб чиқариш функцияси	Ишлаб чиқариш омилларининг умумий унумдорлиги кўрсаткичи
Асосий воситалар қиймати	Капитал сиғими ва капитал самарадорлиги		
Асосий воситаларга инвестициялар			
Автомобиль ва темир йўллар узунлиги	Ҳудудларни инфратузилма объектлари билан қамраб олиш коэффициенти (Engel коэффициенти)	Ишлаб чиқариш функцияси учун тузатиш коэффициенти	
Ахборот инфратузилмаси			
Ишлаб чиқаришга хизматлар кўрсатиш объектлари			
Табиий ва хомашё ресурслари (ТХР)	Ҳудудларнинг ТХР билан таъминланганлик даражаси		
<b>Жараёнга оид кўрсаткичлар</b>			
Университет ва МКХБЮ битирувчилари сони	Кўрсаткичларнинг алоҳида индекслари	Таълим даражаси	Инновация ва инвестиция фаолияти кўрсаткичлари
Олий маълумотли ходимлар сони			
Фан доктори ва номзодлари сони			
Маъмурий-бошқарув ходимлари (МБХ) сони	МБХнинг ходимлар сонидоғи улуши	Бошқарув сифати коэффициенти	
Юқори технологияли ишлаб чиқаришда банд бўлган ходимлар сони	Мухандисларнинг МБХ умумий сонидоғи улуши		

Кўрсаткичлар			
1-қатор	2-қатор	3-қатор	4-қатор
Маъмурий-бошқарув самарадорлиги	МБХ самарадорлик кўрсаткичлари		Инновация ва инвестиция фаолияти кўрсаткичлари
Таълимга йўналтирилган инвестициялар	Инсон капиталига инвестициялар индекси	Интеграл кўрсаткичлар	
Соғлиқни сақлашга инвестициялар	Инновацияга инвестициялар индекси		
Инновацияга инвестициялар			
Технологияларни ўзлаштиришга инвестициялар			
Патентлар сони (1 млн. кишига)			
Муҳитга оид кўрсаткичлар			
Экспорт-импорт операциялари бўйича тарифлар ва божлар	Эксперт баҳолаш (ҳар бир кўрсаткич учун алоҳида балл белгилаш)	Омилларнинг интеграл баҳолари	Ишбилармонлик муҳити индекси
Чекловчи ва тартибга солувчи тартиблар сони			
Экспорт ва импорт товарлар учун квоталар			
Ташқи дунёнинг макроиқтисодий ҳолатини тавсифловчи кўрсаткичлар			
Ташқи муҳитнинг таъсир этувчи омиллари			
Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ЯҲМдаги улуши	Ишбилармонлик муҳитини интеграл баҳолаш		
Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун банк кредитлари ҳажми			
Бозор хизматларининг ЯҲМдаги улуши			
Бозор хизматларининг битта тадбиркорга тўғри келадиган улуши			
Алоқа ва ахборотлаштириш хизматларининг ЯҲМдаги улуши			
Лойиҳага оид кўрсаткичлар			
Юқори технологияли sanoatни яратиш бўйича лойиҳалар сони	Саноат ишлаб чиқариш ҳажмида юқори технологияли sanoat тармоқларининг улуши		

Кўрсаткичлар			
1-қатор	2-қатор	3-қатор	4-қатор
Юқори технологияли маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича лойиҳалар сони	Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмида юқори технологияли маҳсулотлар улуши	Диверсификациянинг интеграл индекси	Иқтисодиётнинг очиқлик индекси
Ҳудуддаги субъектларнинг йирик инвестиция лойиҳаларидаги иштироки	Вилоятнинг йирик инвестиция лойиҳаларидаги иштироки даражаси		
Маҳаллийлаштириш лойиҳалари сони	Маҳаллийлаштириш коэффициенти		
Экспортни кенгайтириш лойиҳалари сони	Экспортга йўналтирилган янги маҳсулотларнинг sanoatдаги улуши	Экспортни кенгайтиришнинг интеграл индекси	
Экспортнинг ЯҲМдаги улуши	Иқтисодиётнинг экспортга йўналтирилганлиги коэффициенти		
Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг жами инвестициялардаги улуши	Хорижий инвестицияларнинг иштирок этиш даражаси		
Чет эл капитали иштирокида фаолият кўрсатаётган корхоналар сони			

Юқоридагига кўра, «Объект»га йўналтирилган детерминантларни баҳолашнинг мантикий кетма-кетлиги, белгиланган тартибда омилларнинг умумий самарадорлиги (Total Factor Productivity, TFP) коэффициенти баҳолаш имконини беради. «Жараён»га оид детерминантлар эса, асосан тадқиқотлар ва ривожланиш R&D (Research and Development) сектори кўламининг ўсиши эвазига эндоген иқтисодий ўсиш омилларининг миқдорий параметрлари ўзгаришини акс эттиради. Рақобатдошликнинг «Муҳит»га оид омилларини эмпирик усулда баҳолаш орқали минтакаларда ишбилармонлик муҳитини бир-бирига солиштириш имкони туғилади. «Лойиҳа»га оид омилларни ҳисобга олиш ташқи иқтисодий фаолият кўрсаткичларининг минтака рақобатдошлигига бевосита ёки билвосита таъсирини кўрсатади.



## Ўзбекистон Республикаси минтақаларининг 2006–2020 йиллардаги рақобатдошлик ва рақобат салоҳиятини баҳолаш натижаларига кўра мавқеини белгилаш

Йил-лар	Минтақалар												ФР	Ф	Ф	ФР		
	Қорақалпоғистон Республикаси	Андижон	Бухоро	Жиззах	Қашқадарё	Навоий	Наманган	Самарқанд	Сурхондарё	Сирдарё	Тошкент	Фарғона					Хоразм	Тошкент ш.
2006	13	9	11	8	12	4	10	7	14	3	2	5	6	1				
2011	13	9	8	12	7	3	11	10	14	4	2	5	6	1				
2012	13	10	8	11	5	3	12	9	14	4	2	6	7	1				
2014	12	13	10	6	7	3	9	8	14	5	2	4	11	1				
2020	11	13	7	6	8	3	10	9	14	4	2	5	12	1				
2006	13	3	14	8	5	1	12	9	11	7	4	6	10	2				
2011	14	3	6	9	4	2	11	8	12	7	5	13	10	1				
2012	14	4	8	11	5	2	9	6	12	10	3	13	7	1				
2014	14	4	7	10	5	2	11	8	13	9	3	6	12	1				
2020	9	6	5	11	4	1	10	8	14	7	3	12	13	2				
2006	11	3	7	6	4	2	14	8	12	10	5	9	13	1				
2011	12	3	7	11	5	2	9	8	14	13	4	6	10	1				
2012	12	2	7	13	3	4	10	8	14	9	5	6	11	1				
2014	12	2	6	8	5	3	14	9	11	7	4	10	13	1				
2020	14	4	6	8	5	2	7	10	13	11	3	9	12	1				
Доминант омиллар	Ф	Р	Р	Р	ФР	ФР	Ф	Р	Р	Ф	Ф	Ф	Ф	Ф	Ф	Ф	Ф	ФР

Р – рақобат салоҳиятининг натижавий доминантлари; Ф – рақобат салоҳиятининг омилли доминантлари;  
ФР – рақобат салоҳиятининг аралаш (омилли ва натижавий) доминантлари.

томонга ўзгарганлиги бир пайтда инвестиция ва инновация фаолиятини янада ривожлантириш, айниқса, чет эл инвестициялари иштирокидаги лойиҳаларни амалга ошириш долзарб ҳисобланади.

Рақобатдошлик борасида нисбатан қоқоқ хуудлар қаторига Қорақалпоғистон Республикаси, Сурхондарё, Хоразм ва Сирдарё вилоятлари кирмоқда. Ушбу вилоятларда экспорт салоҳиятини ошириш ва тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш борасида нисбатан ортда қолиш ҳолатлари кузатилмоқда. Инвестицион муҳитни яхшилашга оид чора-тадбирларни кўриш бу хуудларда саноат ишлаб чиқаришини кенгайтириш, саноатда капитал унумдорлигини, саноатнинг технологик даражасини ошириш имконини беради.

Рақобат салоҳиятини омилли ва натижавий баҳолаш билан бирга минтақалар рақобатдошлигининг умумий баҳолаш натижалари бўйича 2006–2020 йиллар давомида сезиларли даражада ўзгаришлар бўлганлигини кўришимиз мумкин.

Рақобат салоҳиятининг омилли баҳолаш натижаларига кўра, Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро ва Сирдарё вилоятларида ижобий ўзгаришлар кузатилмоқда. Қорақалпоғистон Республикаси ва Бухоро вилоятида корхоналар барқарорлигининг ошиши минтақада молиявий салоҳиятнинг яхшиланишига ёрдам берди. Сирдарё вилоятида молиявий салоҳиятдан ташқари инфратузилмавий салоҳиятнинг ошганлиги сабаб бўлди. Шунинг билан биргаликда Қашқадарё, Наманган, Фарғона ва Хоразм вилоятларида таълим ва инсон ресурслари салоҳияти, Самарқанд вилоятида эса технологик салоҳиятни шакллантиришда кейинги 5–6 йилда нисбатан ортда қолиш ҳолатлари кузатилганлиги туфайли ушбу вилоятлар ўзларининг рақобат салоҳиятидаги мавқеини бироз сусайтирганлиги аниқланмоқда.

Рақобат салоҳиятини натижавийлик жиҳатидан баҳолашда Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Қашқадарё, Навоий, Наманган ва Сирдарё вилоятларида ижобий ўзгаришлар кузатилмоқда. Ушбу вилоятларда кейинги 5–6 йил ичида инсон тараққиёти кўрсаткичи ва иқтисодий фаолликнинг ўсиши ижтимоий-иқтисодий ҳолатнинг нисбатан ижобий ўзгаришларига сабаб бўлган. Шунинг билан биргаликда Андижон, Жиззах, Сурхондарё ва Фарғона вило-

ятларида иқтисодий фаоллик индекси динамикасида бироз ортда қолиш ҳолатлари кузатилаётганлиги эвазига ушбу вилоятларнинг натижавийлик жиҳатидан эгаллаб турган мавқеи бироз сусайганлиги аниқланмоқда.

Минтақаларнинг 2014 ва 2020 йиллардаги рақобатдошлигини қиёсий баҳолаш натижалари Навоий, Наманган, Тошкент, Фарғона ва Хоразм вилоятларида ижобий ўзгаришларни кўрсатмоқда. Бу эса Навоий ва Тошкент вилоятларида ишлаб чиқариш омилларининг умумий самарадорлик кўрсаткичлари ошганлиги, Наманганда иқтисодиётнинг очиклиги таъминланаётганлиги ва ишбилармонлик муҳити яхшиланаётганлиги, Фарғона ва Хоразмда эса ишбилармонлик муҳитининг нисбатан яхшиланаётганлиги билан асосланади.

Шундай қилиб, минтақавий рақобатдошлик омилларини эмпирик баҳолаш натижалари минтақаларнинг мавжуд ресурсларидан фойдаланиш, ривожланиш салоҳиятини рўёбга чиқариш ва алоҳида ҳудудларнинг рақобатдошлигини ошириш бўйича стратегик мақсадларга эришиш борасида ҳудудларнинг кучли ва заиф томонларини аниқлаш имконини беради.

Юқорида келтирилган натижалар маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари томонидан мавжуд салоҳиятлардан самарали фойдаланиш ва ҳудудлар рақобатдошлигини оширишнинг мумкин бўлган манбаларини фаоллаштириш бўйича хулоса ва тавсиялар ишлаб чиқишда ҳамда бошқарув қарорларини қабул қилишда асос бўлиб хизмат қилади.

### 2.3. Минтақа рақобатдошлигини оширишнинг асосий йўналишлари

Глобаллашув жараёнлари минтақавий бозорлар ва алоҳида минтақалар ривожланишига ҳам ўзининг бевосита таъсирини кўрсата бошлади. Мана шундай шароитда ҳар бир ўсиб бораётган ҳамда ҳудудлараро иқтисодий интеграциялашувга интилаётган мамлакат ўзининг ҳудудий ривожлантириш сиёсатида минтақаларнинг очик иқтисодиёт шароитида рақобатдошлигини таъминлашга қаратилган сиёсатини белгилаб олиши зарур бўлмоқда. Бунга биргина мисол сифатида Европанинг саноати ривожланган мамлакатларини олади-

ган бўлсак, уларнинг деярли барчасида ривожланишнинг стратегик йўналишларини белгилашда иқтисодиётнинг рақобатдошлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилган. Европа Иттифоқи мамлакатлари ўтган ўн йиллар давомида «Лиссабон стратегияси»ни [31] амалга ошириб, Европа Иттифоқи иқтисодиётини дунёдаги энг рақобатдош даражага олиб чиқишни мақсад қилиб қўйган. Ушбу стратегияни амалга оширишда ҳар бир минтақанинг (ҳудуднинг) хусусияти ва имкониятлари, шунингдек, қиёсий устунликларини ҳисобга олган ҳолда иқтисодий ўсишни тезлаштириш, ишсизликни камайтириш ва илмга асосланган инновацияларни жорий этиш орқали АҚШ билан Европа ўртасидаги технологик тафовутни бартараф этиш вазифаси қўйилган.

Бундай бир-бирига боғланган миллий ва минтақавий даражадаги стратегияларни ишлаб чиқиш учун турли хил ёндашувларнинг мавжудлиги [20] Ўзбекистон минтақалари рақобатдошлигини оширишга қаратилган стратегик мақсадларни аниқлашда қуйидаги хусусиятларни чуқур ўрганиш ва ҳисобга олишни талаб қилади.

*Биринчи хусусият* шундаки, минтақалараро интеграциялашув ва глобаллашув жараёнлари Ўзбекистон минтақаларининг иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларига бир хилда таъсир кўрсатмайди. Масалан, саноати ривожланган минтақаларга нисбатан олганда қишлоқ хўжалиги соҳаси иқтисодиётининг асосини ташкил этувчи минтақалар ёки ҳудудларга глобаллашув жараёнларининг бевосита таъсири деярли сезилмайди. Айрим ҳолларда кўп сонли омилларнинг турли хил комбинациялари таъсирида айнан глобаллашувнинг хомашё, ярим фабрикат ва бошқа тайёр маҳсулотлар ёки хизматлар конъюнктурасининг ўзгариши орқали таъсир этганлигини аниқлаб олиш қийин бўлиши мумкин.

Минтақалар рақобатдошлигининг *иккинчи хусусияти* ички рақобат муҳитининг ривожланиш даражаси билан ифодаланади. Умуман олганда, минтақанинг ташқи рақобатдошлигини белгиловчи омиллар ички рақобат муҳити орқали юзага келишини ҳисобга олсак, уларнинг таъсир кучи ошиб ёки камайиб бориши мамлакат миқёсида ва унинг ҳудудий бирликларида ёки минтақаларида турлича бўлади. Масалан, ғарбнинг ривожланган мамлакатларида ва осие-тинч океани минтақаси кўпгина мамлакатларининг ташқи

рақобат мавқеидан кўра ички рақобат муҳити кўпроқ ривожланган. Бунда ички ва ташқи рақобат муҳити шаклланганлиги ва унинг ривожланиш динамикаси, мамлакат ҳудудларининг минтақавий интеграция жараёнларига жалб этилганлиги ва иқтисодиётнинг очиклик даражаси муҳим аҳамият касб этади.

Минтақа рақобатдошлигининг *учинчи хусусияти* шундан иборатки, ресурслар ва молиявий капиталнинг бир минтақадан иккинчи минтақага, шунингдек, бир мамлакатдан иккинчи мамлакатга эркин ҳаракатланиши минтақанинг рақобат салоҳиятига бевосита таъсир кўрсатади. Капитал ва ресурсларнинг мамлакатлараро ва минтақалараро ҳаракатланиши натижасида технологиялар, инновациянинг тез тарқалиши саноати нисбатан суст ривожланган минтақаларнинг рақобат устунликларини юзага чиқаришга хизмат қилади.

*Тўртинчи хусусият* шундаки, ички ва ташқи меҳнат миграцияси таъсирида минтақанинг меҳнат салоҳияти ўзгариб боради. Минтақалар ёки ҳудудлар кесимида иқтисодиётларнинг нотекис ривожланганлиги аҳоли даромадлари ўртасидаги тафовутнинг ортиб боришига ҳамда айрим минтақаларнинг (ёки мамлакатнинг) нисбатан арзон ишчи кучи миграциясига ва оқибатда меҳнат ва инсон ресурслари салоҳиятининг пасайишига олиб келиши мумкин. Ҳозирги вақтда арзон ва малакали меҳнат ресурсларининг суст ривожланган ҳудудлардан (мамлакатлардан) кўпроқ саноатлашган ҳудудларга ҳаракатланиши кучайиб бормоқда. Стратегик нуқтаи назардан рақобат салоҳиятига сифатли ишчи кучи ва интеллектуал меҳнат ресурсларининг миграцияси жиддий таъсир кўрсатишини ҳисобга олган ҳолда айтиш мумкинки, суст ривожланган минтақадан ривожланган минтақага оддий иш кучи миграцияси узок муддатли истикболда биринчи минтақа учун иш кучи сифатининг ошишига олиб келиши мумкин.

Минтақа рақобатбардошлигининг *бешинчи хусусияти* бевосита иқтисодиётнинг диверсификацияланганлик даражаси билан боғлиқ. Иқтисодиёт таркибининг ранг-баранглиги унинг минтақавий интеграциядаги қиёсий устунликларга эришишига бўлган имкониятини ошириб боради. Биргина саноат соҳасини олсак, унда қўшилган қиймат занжирини узайтириш айнан саноат таркибидаги соҳаларнинг ва йўналишларнинг кўплиги ва шунингдек, улар ўртасидаги

технологик кетма-кетлик билан боғлиқ. Бундай қўшимча қиймат занжирларига қанчалик капитал қўйилмалар кўп йўналтирилса, капиталнинг технологик қайтими ҳам шунчалик юқори бўлиши таъминланади.

Замонавий иқтисодиётда рақобат салоҳиятини шакллантиришнинг *олтинчи хусусияти* минтақа иқтисодиётини ривожлантиришда унинг янгиликларни имитация қилишдан, босқичма-босқич, инновацияга ўтиш имкониятлари билан белгиланади. Глобаллашув ва минтақавий интеграциялашув жараёнларида мамлакатлар ва минтақалар ўртасида инновацион алмашувнинг ўсиши, энг аввало, янгиликларни имитация қилишдан бошланишини Япония, ХХР, Жанубий Корея мисолида кўришимиз мумкин. Ўзбекистондек ривожланаётган мамлакатларнинг глобал ва минтақавий инновация жараёнларига қўшилиши алоҳида минтақалар ва пировардида бутун миллий иқтисодиётнинг рақобат устунликларини келтириб чиқаришга хизмат қилади. Чунки, замонавий иқтисодиётда фақат табиий омиллар асосида қиёсий рақобат устунликларига эга бўлиш имконияти ниҳоятда чекланган ёки деярли мавжуд эмас. Бундан ташқари, фақатгина табиий салоҳият ва устунликлар эвазига юқори қўшимча қийматга эга бўлган, рақобатдош соҳаларни ривожлантириб бўлмайди.

Рақобатдошликнинг хусусиятларидан келиб чиқиб айтиш мумкинки, кейинги беш йилда Ўзбекистонда олиб борилаётган кенг камровли ислоҳотлар натижасида мамлакатимиз минтақалари иқтисодиётини глобал ва минтақавий интеграциялашувдаги рақобат устунликларини таъминлашда иқтисодий ўсишнинг эндоген омилларидан (ишлаб чиқариш омилларининг умумий унумдорлигини ошириш, юқори технологияли тармоқларни ривожлантириш, инновацион ривожланиш ва бошқалар) фаол фойдаланишга катта эътибор қаратилаяпти. Бу борада давлатимиз раҳбарининг бевосита ташаббуслари билан олға сурилаётган ислоҳотларни минтақа рақобатдошлигини таъминлаш нуқтаи назаридан қуйидаги тўртта стратегик йўналишларда кўриб чиқиш мумкин (7-расм).

*Биринчи йўналиш* минтақанинг қиёсий афзалликларини амалга ошириш иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларини ривожлантиришнинг анча юқори интенсивлигини назарда тутати. Бунда, биринчи





7-расм. Минтақа рақобатдошлигини таъминлашнинг стратегик йўналишлари

навбатда, минтақанинг ташқи савдо айланмасида солиштирма афзалликларга эга бўлган товар ва хизматлар позицияларини янада кенгайтириш ва уларнинг экспорт ҳажмларини максималлаштириш назарда тутилади. Бунинг учун ҳар бир товар позицияси (ёки гуруҳлари) бўйича алоҳида таҳлил ўтказилиб, солиштирма афзалликлар асосий савдо шериклар ҳамда ушбу товар экспорти бўйича минтақанинг дунё савдо айланмасидаги ўрнига қараб аниқланади [32]. Бундан ташқари, олдинги қисмда баён этилган минтақанинг рақобат салоҳиятини рўёбга чиқариш ҳамда минтақанинг рақобат мавқеини ошириш ушбу йўналишда кўзда тутилган асосий вазифалар ҳисобланади.

*Иккинчи йўналиш* минтақанинг имитацион ва инновацион салоҳиятини шакллантириш, ишлаб чиқаришни техник ва технологик модернизациялаш ва янгилашда замонавий инновацион лойиҳалар ва ғояларни амалга оширишни назарда тутати. Иқтисодиёт тармоқларини, биринчи навбатда, саноатни тўлақонли технологик модернизация қилиш орқали ўсиб бораётган бозорлар сегментла-

рини эгаллашда юқори рақобатдош товарларни ишлаб чиқишда бир қанча босқичларни ўтиш талаб этилади. Агарда жаҳон бозорларида сотиладиган товарлар ҳажмига қараб, уларни пирамида шаклида тоифаларга ажратсак, энг катта ҳажми биржа савдоларида сотиладиган хомашё товарлари ташкил этади ва пирамиданинг энг қуйи қисмини эгаллайди. Ундан юқорида эса саноат ва истеъмол товарлари ўрин эгаллайди. Пирамиданинг кейинги иерархик даражаларига мос равишда технологиялар, ноу-хау ва технологик тамойиллар жой эгаллайди. Айни пайтда миллий иқтисодиётимиз ушбу пирамиданинг дастлабки биринчи ва иккинчи бўғинларидаги сегментларга эга эканлигини ҳисобга олсак, айнан минтақаларнинг имитацион ва инновацион салоҳиятини шакллантириш эъзига жаҳон бозоридаги технологик пирамиданинг юқори бўғинларига қараб ҳаракатланишимиз мумкин. Бунинг учун минтақаларда мавжуд қувватларнинг ҳақиқий ҳолатидан келиб чиқиб, фаол амортизация сиёсатини юритиш, яъни иқтисодиётнинг муайян тармоғидаги асосий воситаларнинг жорий технологик салоҳиятини баҳолаган ҳолда уларни модернизация қилиш чораларини белгилаш лозим бўлади. Мана шундай чоралардан бири – технологиялар трансферини тўғри йўлга қўйишдир. Бунинг учун замонавий технологияларни олиш ва молиялаштириш манбаларини аниқлаш, малакали кадрларни тайёрлаш, технологик занжир афзалликларини олдиндан баҳолаш, самарали технологиялар трансферини янада кенгроқ тарқатиш ҳамда янги технологиялар ёрдамида ишлаб чиқарилаётган товарларга талабни рағбатлантириб бориш керак.

Ушбу йўналишдаги инновация салоҳиятни шакллантириш анча мураккаб ва узоқ вақтни талаб қилади. Ички ва ташқи бозорлардаги талаб ва таклифга қараб фойдали билим ва ғояларни аниқлаш ҳамда уларнинг «генератор»ларини рағбатлантириш ўта муҳим вазифа ҳисобланади. Бунинг учун турли манбаларда доимий равишда янги маълумотларни топиш, тадқиқот ва ақл марказлари билан маълумот алмашиш, корхоналар (бизнес) билан ва илмий муассасалар ўртасида манфаатли алоқаларни ўрнатиш керак бўлади.

Ушбу стратегик йўналишни амалга ошириш, юқорида санаб ўтилганлардан ташқари, инновацион ғояларни яратишга қаратилган тадқиқот фаолиятини ташкил этишга боғлиқ. Инновацион ғоялар-

нинг яратилиши кўп жиҳатдан тадқиқотчи жойлашган муҳит билан чамбарчас боғлиқ. Ғоянинг келиб чиқиши ва ривожлантирилиши тегишли даражадаги билим ва кўникмаларга эга бўлган тадқиқотчилар иштирокидаги муҳит мавжудлигини талаб қилади. Олимлар ўртасида, шунингдек, олимлар ва тадбиркорлар ўртасида ахборот алмашиш тезлашган сари ғоялар диффузияси фаоллаша боради.

Инновацион ғояларни амалга ошириш муаллифлик ҳуқуқи ҳимояси ҳамда давлат ва маҳаллий ҳокимият органлари томонидан инновациялар борасида кўрилаётган ташкилий чора-тадбирларга ҳам боғлиқ. Шу ўринда айтиш жоизки, янги ғоядан тортиб инновацион маҳсулотни ишлаб чиқаришгача бўлган жараёни молиялаштириш ва тижоратлаштириш ишларини тўғри йўлга қўйиш ва ушбу жараёнда иштирок этувчилар тўқнаш келиши мумкин бўлган хавфларни ҳам олдиндан ҳисобга олиш талаб этилади.

Фанлараро турдаги инновацион тадқиқотларни ташкил этишда, айниқса, олимлар ўртасида боғлиқликни ташкил этиш, рақобат асосида муайян олимлар гуруҳи ва яқка тартибдаги (индивидуал) ишланмаларни молиялаштириш тизимининг жорий этилиши халқаро даражадаги хорижий олимларни ҳам илмий янгиликлар яратиш жараёнига жалб этиш имконини беради. Хорижий тадқиқотчилар иштирокидаги тадқиқот гуруҳларини тузиш, ташқи бозорларга чиқиш бўйича маслаҳатлар олиш, лойиҳа ва технологияларни жорий этиш бўйича мутахассисларни тайёрлаш ва инновацион маҳсулотлар истеъмолчиларини қидириш, инновацион лойиҳалар ва ғояларни тижоратлаштириш масалаларида ҳам фойдали бўлади.

Иқтисодчи олимларнинг фикрича[33], иқтисодиётнинг етакчи тармоқларида минтақавий кластерларни шакллантириш ва ривожлантириш ҳудудлар рақобатдошлиги ва тез суръатларда иқтисодий ривожланишини таъминлайди. Минтақалар иқтисодиётида инновацион салоҳиятни шакллантиришда минтақавий кластер тузилмалари муҳим ўрин тутди. Кластер ишлаб чиқаришда инновацияларни рағбатлантиради, илғор технологияларни жорий қилишга ундайди. Чунки ишлаб чиқарувчиларнинг ягона технологик занжир орқали боғланиши иқтисодий фаолиятнинг пировард натижасига бўлган манфаатдорликни келтириб чиқаради ва кучайтиради. Технологик занжир орқали янгиликлар (ғоялар) тез тарқалади, ўзаро манфаат-

лар рақобатдошлик даражасини оширишга ундайди. Ривожланиш жараёнида кластер шахслар бир-бирининг ишчанлик ва раҳбарлик қобилиятларини аниқ ҳис қилиш, ишлаб чиқариш алоқаларини мустаҳкамлаш, янги турдаги маҳсулот ва хизматларни яратиш орқали ишлаб чиқаришни диверсификация қилишни рағбатлантиришга ундайди.

Бир вақтнинг ўзида бир неча турдаги маҳсулотни ишлаб чиқаришга бўлган интилиш, технологик жараёнларни такомиллаштириш ҳамда харажатларни минималлаштириш орқали қўшимча рақобат афзалликларини яратиш имконини беради. Умуман олганда, ҳудудий кластерлар рақобат ва ихтисослашув омилларининг биргаликдаги таъсири остида шаклланади, бу эса пировард натижада меҳнат унумдорлигининг ошишига ва ишлаб чиқариш таннархининг камайишига олиб келади.

Кластерлар назариясига кўра[34,35], кластер ташкил этиш мезо даражада рақобат афзалликлари ривожланишига имкон яратади. Минтақа иқтисодиёти рақобатдошлигини ошириш борасида минтақавий кластерларни технологик занжир асосида жорий этиш, яъни иқтисодиётнинг бир секторини бошқаси билан технологик боғлаш, энг аввало, бундай боғлиқликни топишни талаб этади. Кластерлар ташкил этиш минтақанинг иқтисодий маконида бир қанча корхоналарни бирлаштиради. Бу эса ўз навбатида, маълум бир устувор йўналиш атрофида ўсиш нуқтасининг шаклланишига шароит яратади. Кластер таркибига кирмаган турдош корхоналарнинг эса ўз ҳудудида инвестиция, сифатли иш кучи ва бошқа ресурсларни жалб қилиш қобилияти нисбатан заифлашиб боради. Бу эса уларни кластерларга бирлашишга ундай бошлайди. Шундай қилиб, рақобат муҳитида алоҳида фаолият олиб борадиган корхоналарга нисбатан кластер шаклида фаолиятни ташкил қилиш минтақа иқтисодиётида юқори унумдорлик, инновация, рақобатдошлик, рентабеллик ва самарали бандликка эришишда кўпроқ имконият яратади.

Ўзбекистон шароитида минтақавий кластерлар тузилмаларини ривожлантириш минтақавий ёки минтақалараро иқтисодий маконда тўпланган ва муайян турдаги маҳсулот ва хизматларни ишлаб чиқариш ва сотишда иштирок этадиган, ягона қўшилган қиймат занжири кетма-кетлигида бир-бири билан боғланган сано-

ат ишлаб чиқарувчиларининг ихтиёрий бирлашиши натижасида юзага келади. Бундай боғлиқликлар оддий саноат кооперациясидан фарқли равишда юқори технологияга асосланган саноат ишлаб чиқаришининг машинасозлик, кимё, озик-овқат ва енгил саноат соҳаларида даставвал норасмий тарзда шаклланиб, кейинчалик бундай ҳамкорликларга расмий тус берилиши мумкин.

Минтақа иқтисодиётининг рақобатдошлигини оширишнинг *учинчи йўналиши* инвестиция фаоллигини ошириш ҳисобланади. Иқтисодий ўсишни сезиларли даражада тезлаштириш имконияти юқори қўшимча қийматли тармоқларни янада жадал ривожлантиришни ҳамда янада самарали технологик базани яратишни талаб қилади. Бу эса ўз навбатида, ички ва ташқи рақобат муҳитида қиёсий афзалликларга эга бўлган саноат ишлаб чиқариш турларини кўпайтиради. Бундай вазифа минтақа иқтисодиётига инвестиция маблағларини доимий ва сезиларли даражада киритиб туришни талаб этади. Иқтисодий нуқтаи назардан ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишнинг технологик турларини ривожлантириш нафақат ишлаб чиқариш инфратузилмаси, шунингдек, ижтимоий масалаларни, хусусан, инсон капитали ва унинг сифати билан боғлиқ масалаларни ҳам ечишни талаб этади.

Минтақа иқтисодиётининг рақобатдошлигини оширишга қаратилган инвестиция сиёсати ташқи рақобат муҳитидаги ноаниқликлар ҳамда мураккаб иқтисодий вазиятда юзага келиши мумкин бўлган хавф-хатарлар, тўсиқлар ва рискларни камайтиришни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқиши керак. Бундан ташқари, инвестиция сиёсати минтақанинг иқтисодиёт тармоқлари ривожланишидаги мувозанатлилик ва номуносиблик, ҳудудлар ижтимоий-иқтисодий ривожланишидаги минтақалараро фарқланиш ва бошқа рақобатдошлик даражасига таъсир этувчи омилларни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқиши мақсадга мувофиқ.

Шу ўринда айтиш жоизки, минтақанинг инвестиция жозибадорлигини ошириш ишбилармонлик муҳитини яхшилаш, хомашё, материаллар ва технологиялардан фойдаланишнинг муқобил вариантларини топишга қаратилган устувор лойиҳаларни амалга оширишни талаб этади. Бунинг учун маҳаллий (ички) инвестициялардан ташқари марказлашган ҳамда ташқи молиявий ресурсларни минтақа иқтисодиётига жалб этиш талаб этилади.

*Тўртинчи стратегик йўналиш* – минтақа иқтисодиётини бошқариш тизимини такомиллаштириш билан боғлиқ вазифаларни ўз ичига олади. Минтақа иқтисодиётининг рақобатдошлигини ошириш учун маҳаллий ҳокимият органлари иқтисодий ва ижтимоий сиёсатнинг бош ислохотчилари сифатида намоён бўлишлари талаб этилади.

Юқорида келтирилган стратегик йўналишларни самарали амалга оширишда бошқарувни номарказлаштириш ва иқтисодий муносабатларни эркинлаштиришга қаратилган бир қанча тизимли чоралар кўрилоқда.<sup>1</sup>

Хусусан:

- ◆ маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари ташкилий тузилмаси янада такомиллаштирилди;
- ◆ ҳудудларда мавжуд муаммоларни ҳар томонлама танқидий ўрганиш ва ҳал қилиш мақсадида вилоятлар, туманлар, шаҳарлар ҳудудларини тегишлича вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлар (шаҳарлар) ҳокимлари, прокуратура, ички ишлар ва давлат солиқ хизмати ҳудудий органлари раҳбарлари бошчилик қиладиган комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича секторлар ташкил этилди;
- ◆ барча даражадаги ҳокимларнинг халқ депутатлари Кенгашлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ялпи мажлисларида ҳисобот бериш тизими яратилди;
- ◆ маҳаллаларнинг «ўсиш нуқталари»ни аниқлаш, мавжуд муаммоларни ҳал этиш орқали аҳолини касб-ҳунарга ўқитиш, бандлигини таъминлаш ва тадбиркорликка жалб этиш, «драйвер» лойиҳаларни амалга ошириш бўйича «маҳаллабай» ишлаш тизими ташкил қилинди;
- ◆ моддий ёрдам ва кўмакка муҳтож аҳолининг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш мақсадида «Темир дафтар», «Аёллар дафтари» ва «Ёшлар дафтар»ларини юритиш ва рўйхатга олинган ҳар бир шахс билан мунтазам иш олиб бориш тизими жорий этилди.

Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда ҳамда минтақа рақобатдошлигини оширишда маҳаллий бошқарув органларининг са-

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 24 августдаги ПҚ-5230-сонли қарори.

лоҳиятини кучайтириш, уларнинг ахборот алмашуви ва таҳлилий қобилиятини ривожлантириш, ижтимоий-иқтисодий жараёнларни бошқаришда кадрлар тайёрлаш ва сифатини ошириш борасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 ва 2021 йиллардаги Олий мажлис палаталарига мурожаатномаларида белгилаб берган вазифаларни амалга ошириш учун куйидагилар муҳим аҳамият касб этади:

- бошқарув тизимини номарказлаштириш, марказ ва минтақа бошқаруви ўртасидаги функционал ва ташкилий боғлиқлик масалаларини концептуал жиҳатдан қайта кўриб чиқиш;
- қарорлар қабул қилишда маҳаллий бошқарув органлари ва республика вазирлик ҳамда идораларининг ҳаракатларини мувофиқлаштириш;
- марказий ва маҳаллий ҳокимият органлари томонидан иқтисодий жараёнларни бошқаришнинг маъмурий усуллари янада камайтириш ҳамда бу борада бозор механизмларини кенг жорий қилиш;
- ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиш ва уларни молиялаштиришдаги фаоллигини ошириш чораларини кўриш ҳамда бу борада маҳаллий ҳокимият органлари билан маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органлари, ННТ ва аҳоли иштирокчини кенгайтириш;
- маҳаллий бошқарув органлари фаолиятида қарор қабул қилиш ва уларнинг ижросини доимий назорат (мониторинг) тизимини такомиллаштириш, қарорлар ижросини таъминлашда жамоатчилик назоратини кучайтириш;
- маҳаллий бошқарув органлари ишида таҳлилий ишларни тизимли йўлга қўйиш ва сифатини ошириш;
- ҳудудларни ривожлантириш стратегияси ҳамда марказ билан ҳудудлар ўртасида ишлаб чиқиладиган дастурларнинг уйғунлашганлигини таъминлаш (масалан, электр энергия ва сув таъминоти, йўллар қурилиши, коммунал хўжалик ва ҳақозо);
- Бошқарув кадрларини тайёрлашнинг кўп босқичли тизимини яратиш, жумладан, ишга қабул қилиш, малака ошириш ва қайта тайёрлаш, аттестациядан ўтказиш, рағбатлантириш ва бошқалар.

### III БОБ

## ҲУДУДЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ СТРАТЕГИЯЛАРИНИ (ҲРС) ИШЛАБ ЧИҚИШНИНГ ИЛМИЙ ВА АМАЛИЙ ЖИҲАТЛАРИ

### 3.1. Ҳудудларни ривожлантиришда стратегик ёндашув

Ҳудудларни ривожлантиришда стратегияларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишга бўлган эҳтиёж кейинги йилларда нафақат ривожланган, шунингдек, ривожланаётган мамлакатларда ҳам ортиб бормоқда ва бу борада Ўзбекистон ҳам истисно эмас. Ваҳоланки, кейинги 4–5 йиллик даврда мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларга янги тус берилиши, иқтисодиётда очиқлик сиёсатининг олиб борилиши ва номарказлашиш жараёнларининг амалда кузатилаётганлиги деярли барча минтақаларнинг ривожланиш динамикасига ижобий таъсир кўрсатди. Ислохотлар кўламининг кенгайганлиги ҳамда бир қанча устувор йўналишларда, айниқса, ташқи иқтисодий алоқалар, инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш, эркин иқтисодий зоналар ташкил қилиш, ҳудудий саноатни ривожлантириш ва бошқа бир қанча жабҳаларда маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органларига мустақил фаолият олиб бориш имкониятларининг берилаётганлиги ҳудуд миқёсида стратегик мақсад ва вазифаларни белгилаш заруратини келтириб чиқармоқда.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 20 октябрда қабул қилинган «2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 841-сонли Қарорига мувофиқ Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари минтақа даражасида барқарор ривожланиш мақсадларини (БРМ) белгилаш ва уларни бу борадаги миллий мақсадлар билан уйғунлаштиришлари талаб этилади. Ушбу БРМдан келиб чиқиб, ҳар бир

минтақа ўз аҳолисининг муносиб турмуш шароитини таъминлаш мақсадида ҳудудларнинг ҳозирги ва келажакдаги салоҳиятини аниқлаш, мавжуд табиий-иқтисодий ресурслардан, инвестициялар, инновацион ғоялар ва ишланмалардан оқилона ва самарали фойдаланишнинг имкониятларини топиши талаб этилади.

Бунинг учун ҳар бир маҳаллий давлат ҳокимият органлари ҳудудларни ривожлантиришнинг ўрта ва узоқ муддатларга мўлжалланган мақсад ва вазифаларини тўғри белгилаб олиши муҳим роль ўйнайди. Ушбу мақсад ва вазифаларни шундай режалаштириш талаб этиладики, унга кўра маҳаллий ҳокимият, хўжалик бошқаруви органлари, тадбиркорлик субъектлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар, фуқаролик жамияти ва жамоатчиликнинг ҳудудни барқарор ривожлантириш бўйича чора-тадбирларни амалга оширишдан кўзда тутилган пировард натижалардан ўзаро манфаатдорлиги таъминланиши лозим. Бундай мақсадларга эришиш учун минтақа ривожланишининг узоқ муддатли тасаввур ва стратегияларини шакллантириш талаб этилади.

Ҳудудларни ривожлантириш стратегияси – узоқ муддатли ва қисқа муддатли истикбол учун ҳудудларни узлуксиз ривожлантиришнинг аниқ мақсадли мўлжаллари, вазифалари ва йўналишларини, асосий мақсадга эришишга доир комплекс чора-тадбирлар ва усулларни ўз ичига олган стратегик режалаштиришга оид ҳужжат бўлиб, анъанавий ҳудудий дастурларни ишлаб чиқишдан фарқ қилади. Ўрта ва узоқ муддатга мўлжалланган стратегик мақсад ва вазифаларни белгилаш ва амалга ошириш минтақа ривожланишига оид дастурий чораларни ишлаб чиқишнинг мутлақо янгича ёндашувларини жорий этишни талаб этади. Бунда барча манфаатдор томонларнинг ихтиёрий иштироки ҳамда устувор йўналишларни аниқлаш ва долзарб вазифаларни амалга оширишда маҳаллий ҳокимият органларининг мустақил қарорлар қабул қилиш ва уларнинг амалга оширилишида реал имкониятларга эга бўлиши муҳим аҳамият касб этади.

Шундай экан, ХРС ўзи нима деган ўринли савол туғилади. Том маънода ХРС – бу ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий йўналишлари бўйича узоқ муддатга мўлжалланган мақсад, вазифалар ва устувор жиҳатларини ўзида акс эттирувчи

ҳужжат бўлиб, маҳаллий ҳокимият органлари учун ижтимоий-иқтисодий сиёсатни белгилашда дастуриламал бўлиб хизмат қилади. **ХРС стратегик режалаштириш орқали шакллантирилади.** Стратегик режалаштиришга иштирокчиларининг стратегик режалаштиришга оид ҳужжатларни ишлаб чиқиш юзасидан ташаббус кўрсатиши, уларни ишлаб чиқиши ва амалга ошириши бўйича келишилган фаолиятини ташкил этиш орқали Ўзбекистон Республикасини барқарор ривожлантиришнинг, ҳудудлар, тармоқлар ва соҳаларни узлуксиз ривожлантиришнинг устувор мақсадларига эришиш учун давлат сиёсатини амалга оширишга доир фаолият сифатида қараш мумкин.

Ривожланган ва тез ривожланаётган мамлакатлар тажрибасидан маълумки, ХРС доирасида ўрта ёки узоқ муддатли мақсадларга эришиш учун вазифалар, одатда тегишли дастурлар орқали амалга оширилади. Дастурлар, ўз навбатида, қатор чора-тадбирларни ёки лойиҳаларни амалга оширишдан иборат бўлади. Бу борада Европа Иттифоқи мамлакатлари, Хитой, Жанубий Корея ва бошқа мамлакатларнинг ҳудудий ривожлантириш сиёсати тажрибаси шуни кўрсатадики[36], ХРСни ишлаб чиқишдаги устуворликларни танлашда ривожлантиришнинг ҳудудий ва умумдавлат манфаатлар уйғунлиги, қисқа ва ўрта муддатли дастурларнинг узоқ муддатли ҳудудий ривожлантириш мақсадларига монандлиги, ҳудудий ва тармоқлар таркибий ўзгаришларнинг бир-бирига алоқадорлиги каби асосий тамойилларга таянилади.

Ривожланган мамлакатларда ҳудудий ривожлантиришга стратегик ёндашув ўз-ўзидан пайдо бўлмаган. XX асрнинг 70-йилларида дунёда юз берган иқтисодий инқироз Европанинг ривожланган мамлақати иқтисодиётига салбий таъсири узоқ давом этган. Мана шундай бир шароитда ушбу давлатлар томонидан иш ўринларини сақлаб қолган ҳолда иқтисодиётни жонлантириш ва аҳолининг турмуш фаровонлигини сақлаш борасида муҳим вазифаларни белгилаб, амалга оширишда марказнинг саясий-ҳаракати етарли эмаслиги, марказлашган ҳолда бу вазифаларни удалаш қийинлиги аён бўлиб қолди. Ваҳоланки, марказдан туриб барча ҳудудларнинг ўзига хос кучли ва заиф жиҳатларини ҳисобга олган ҳолда таъсирчан чора ва тадбирларни белгилаш қийин эди. Мана шундай бир шароитда,

номарказлашув тамойилига таянган ҳолда муҳим иқтисодий ва ижтимоий масалаларни ечиш борасида маҳаллий ҳокимиятнинг ваколатлари кенгайтирилди. Уларга ҳар бир ҳудуднинг иқтисодий инқироздан чиқиши борасида мустақил равишда стратегик мақсад ва вазифаларни белгилаш ва амалга ошириш имкони берилди.

Лекин бу пайтда маҳаллий ҳокимият органлари стратегик мақсад ва вазифаларни режалаштириш ва амалга ошириш борасида етарли билим ва тажрибага эга эмас эди. Шунинг учун ҳам ҳудудларни ривожлантиришнинг муайян мақсадларига эришишда хусусий сектор ва жамоат ташкилотларини ушбу жараёнга жалб қилган ҳолда мавжуд муаммоларни аниқлаш ва ечимини топишда янгича ёндашувларни қўллаш эҳтиёжи ортиб борди. Мана шундай шароитда ўзаро рақобат қилувчи корпорациялар ва компанияларнинг маркетинг ва менежмент ғоялари асосида шаклланган бизнесни стратегик бошқариш асослари йирик шаҳарлар ривожланишини стратегик режалаштиришда секин-аста қўлланила бошланди. Бунга мисол қилиб: Амстердамни (Голландия) халқаро шаҳар ва маданият шаҳри сифатида «очик шаҳар»га айлантириш; Кельнни (ГФР) «Европа Иттифоқи ахборот пойтахти» ва «Европа Иттифоқи транспортда ташиш маркази»и сифатида шакллантириш; Манчестерни (Буюк Британия) технологик инновациялар маркази сифатида ривожлантириш; Нюрнбергни(ГФР) илғор алоқа технологияларини жорий қилиш соҳасида етакчи ҳудудлардан бирига айлантириш; Бадфордни (Буюк Британия) Европанинг юқори сифатли ишлаб чиқариш марказига айлантириш; Роттердамни (Голландия) метрополитен агломерацияси сифатида ривожлантириш каби бир қанча стратегияларни келтириш мумкин.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, стратегияларда қўйилган бош мақсаднинг устуворлиги ва аҳамиятлилиги ҳар бир ҳудуднинг ўзига ҳос жиҳатлари, муаммолари, ташқи ва ички таъсир этувчи омилларини ҳисобга олган ҳолда шакллантирилади.

Ҳудудий стратегияларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишнинг Ўзбекистон минтақалари учун яна бир муҳим жиҳати шундаки, иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш жараёнларининг тезлашуви ва мураккаблашуви, шунингдек, бугунги кунда тўпланиб қолган долзарб муаммоларнинг ечими ушбу жараёнда иштирок этаёт-

ган давлат, хусусий, корпоратив, жамоат, нодавлат ва нотижорат ташкилотларга оид субъектларнинг ўзаро ҳамкорликда фаолият олиб боришини тақозо этмоқда. Бундай ҳамкорлик юқорида зикр қилинган субъектни ягона ғоя, мақсад ва вазифалар атрофида жипслаштиришни талаб этади.

Маълумки, айти пайтда Ўзбекистоннинг барча минтақалари учун аҳоли бандлиги ва бошқа ижтимоий муаммоларни ечиш долзарб ҳисобланади. Чунки ишсизлик ва камдаромадлик шаҳарлар ва туманларда нафақат ижтимоий тангликни, балки ижтимоий мавқеларнинг фарқланиши сабабли, аҳоли ўртасида тенгсизликнинг кучайишига олиб келади. Шунинг учун ҳам ҳудудларни барқарор (иқтисодий, ижтимоий ва экологик жихатидан) ривожлантиришнинг комплекс тарзда ривожлантиришнинг мақсад, вазифа ва йўналишларини тизимли тарзда қамраб олиш ҳудудий ривожлантириш стратегиясининг предмети ҳисобланади.

Айти пайтда маҳаллий бошқарув органлари томонидан ижтимоий ва иқтисодий муаммоларнинг кескинлигини англаган ҳолда, ҳудудларни барқарор ривожлантиришга йўналтирилган стратегияларни ишлаб чиқиш зарурати кун сайин ортиб бормоқда. Бу стратегияларни ишлаб чиқишдан асосий мақсад, энг аввало:

- ◇ ҳудудда юз бераётган ўзгаришларни, умумий трендларни тўғри англаб олиш;
- ◇ ҳудуднинг заиф жиҳатларидан келиб чиқиб, юз бериши мумкин бўлган хавф-хатарларни аниқлаб олиш;
- ◇ мавжуд салоҳият ва имкониятларни ҳисобга олган ҳолда ҳудудларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларини аниқлаш;
- ◇ давлат, жамоатчилик ва хусусий секторнинг уйғунликдаги энг мақбул ҳаракатлар режасига аниқлик киритиб олиш;
- ◇ маҳаллий ҳокимият, ҳудудда яшовчи аҳоли, кенг жамоатчилик, бизнес ҳамжамияти ва бошқа манфаатдор томонларнинг аниқланган мақсадга эришиши учун қўйилган вазифаларни биргаликда амалга оширишлари борасида умумий тартиб ва қоидаларни ишлаб чиқиш;
- ◇ кенг жамоатчиликда амалга ошириладиган ишлар ягона мақсадга йўналтирилганлиги ва мувофиқлигини тушунтириш

ҳамда уларни домимий хабардор қилиб бориш механизми орқали қабул қилинаётган қарорлар легитимлигини таъминлашдан иборат.


Юқорида келтирилганлардан кўриниб турибдики, стратегияни шакллантириш ва амалга оширишда иштирокчиларнинг ҳаракатларини мувофиқлаштириш ва ягона мақсадга йўналтириш муҳим аҳамиятга эга. Бир томондан, стратегия маҳаллий ҳокимият, хусусий сектор ва жамоатчиликка ҳукуматнинг ижтимоий-иқтисодий сиёсатидан келиб чиқиб, ҳудудни ривожлантиришнинг устувор йўналишларини аниқлаш имконини беради. Иккинчи томондан эса, ҳудудий ривожлантириш стратегиялари давлат, хусусий сектор ва жамоатчиликнинг ижтимоий-иқтисодий масалалар ва атроф-муҳит бўйича муаммоларни ҳал қилишдаги саъй-ҳаракатларини бир-бирига яқинлаштириш, мувофиқлаштириш ва ўзаро бир-бирларини тушунишга эришиш воситаси бўлиб хизмат қилади.

Ривожланган ва тез ривожланаётган мамлакатларда ҲРСни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш тажрибасидан келиб чиқиб, уларнинг илмий асосланганлиги ва услубий жиҳатлари бўйича умумлаштирадиган бўлсак, мазмун ва моҳиятига кўра ҲРС доирасида:

- мақсад ва вазифалар белгиланади;
- ҳудудий иқтисодиётнинг энг муҳим тармоқлари ва секторларига оид устувор йўналишлар аниқланади;
- ҳудуднинг афзалликлари, камчиликлари, имкониятлари ва юзага келиши мумкин бўлган хатарлар аниқланади;
- стратегик тасаввурдан келиб чиқиб, мақсадни белгиловчи мўлжаллар аниқланади ва уларга эришишнинг амалий ҳаракатлар режалари ёки чора-тадбирлари ишлаб чиқилади.

Юқорида келтирилганларни аниқ тасаввур этиш мақсадида минтақа рақобатдошлигини ошириш бўйича стратегияни шакллантириш мисолида ҲРСнинг концептуал жиҳатидан тортиб, мақсад ва вазифаларини аниқлаш босқичларини мантиқий кетма-кетликда кўришимиз мумкин (8-расм).

Энг аввало айтиш жоизки, минтақа рақобатдошлигини оширишга қаратилган стратегияни мазмунан сифатли ишлаб чиқиш иқтисодий жараёнларни чуқур ўрганишни ҳамда миллий стратегияда белгиланган мақсад, вазифалар ва чора-тадбирларни ҳисобга




8-расм. Минтақа рақобатдошлигини оширишга қаратилган стратегик чораларни белгилашнинг функционал схемаси

олган ҳолда ҳудудий ривожлантиришнинг концепциясини аниқлаб олишни талаб этади.

**Ҳудудларни ривожлантириш концепцияси** – узок муддатли истиқболда Ўзбекистон Республикасини барқарор ривожлантиришни, ҳудудлар, тармоқлар ва соҳаларни узлуксиз ривожлантиришни таъминлашга доир бош принциплар, йўналишлар ва ёндашувларнинг асосий ғояларини тизимли асосда ўз ичига оладиган стратегик ривожлантиришга оид ҳужжат ҳисобланади. Концепция мазмунан стратегияни ишлаб чиқишга қандай ёндашиш кераклигини аниқлаб берадиган ҳужжат бўлиб, унда минтақа ривожланишининг янги парадигмалари, иқтисодий ўсиш ва жойлаштириш назариялари, ҳудудий ишлаб чиқаришнинг янги ташкилий шаклларида келиб чиқиб аниқланадиган минтақанинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш тамойиллари акс эттирилади (9-расм).

Ҳудудларни ривожлантириш концепциялари стратегик режалаштиришнинг бошқа иштирокчилари билан биргаликда маҳаллий давлат органлари томонидан узок муддатли ёки ўрта муддатли давр учун ишлаб чиқилади. Ҳудудларни ривожлантириш концепциялари



9-расм. Минтақа рақобатдошлигини оширишга қаратилган стратегик чораларни белгилашнинг функционал схемаси

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Мурожаатномаси қоидаларига, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган қарорларга асосланган ҳолда: ҳудудни ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқиш зарурлигини асослантиришни; истиқболда ҳудудларни барқарор ва мутаносиб ривожлантиришни таъминлашнинг асосий принциплари ҳамда ёндашувларини, шунингдек, энг муҳим йўналишларини; истиқболда ҳудудлар иқтисодиётининг ва ижтимоий соҳасининг ҳолатини комплекс тарзда кўришга оид тавсифни ўз ичига олади. Ҳудудларни ривожлантириш концепциялари ҳудудларни комплекс ривожлантириш дастурларини, ҳудудий инвестиция дастурини ва Ўзбекистон Республикасининг Шаҳарсозлик кодексига назарда тутилган ҳужжатларни ишлаб чиқиш учун асос бўлади.

Ҳозирги глобаллашув ва минтақалашув шароитида рақобатдошликни оширишга қаратилган ўрта ва узок муддатли стратегияларни шакллантиришда концепциядан кўпроқ илмий асосланган ёндашувни аниқлаб олишда фойдаланилади. Шу нуқтаи назардан, рақобатдошликни оширишга қаратилган стратегияда минтақавий ривожланиш моделларини танлашда қўйилган мақсад ва уларга элтувчи омилларга олдиндан эътибор бериш муҳим ҳисобланади. Бундай танловда асосий мезон – муайян иқтисодий сиёсатни қўллаш натижасида эришиладиган натижа ва унинг самарадорлигини олдиндан башорат қилишдир. Мана шундай башоратларни қилиш натижасида минтақа ривожланишининг стратегик тасавури шаклланади. Бунга асос қилиб, миллий ғоя ва анъаналар, тарихий-маънавий кадриятлар ва мерослар, иқтисодий имкониятлар ҳамда минтақанинг ўзига хос ижтимоий-иқтисодий хусусиятлари олинса, тасаввур реалистик тавсифга эга бўлади.

Масалан, стратегияда табиий ресурслардан самарали фойдаланишга қаратилган мақсад ва вазифаларни белгилашда иқтисодий ўсишнинг объектга йўналтирилган моделларини қўллаш мақсадга мувофиқ бўлади. Минтақанинг табиий-иқтисодий салоҳиятидан самарали фойдаланишда эса ҳудудий ривожлантиришнинг объектига ҳамда лойиҳага йўналтирилган моделларини қўллаш лозим. Чунки иқтисодий салоҳиятни оширишга қаратилган мақсад, вазифа



фалар кўпроқ таълим ва интеллектуал салоҳият омиллари ҳамда меҳнат унумдорлигини оширишнинг бошқа эндоген омилларига (синергетик равишда) боғлиқлигини бугунги кун талаблари ва амалиёт кўрсатиб турибди. Иқтисодий эркинлаштириш ва ишбилармонлик муҳитини яхшилаш бўйича чора-тадбирлар мажмуи орқали минтақанинг рақобатдошлигини оширишга қаратилган стратегик мақсадларга иқтисодий ривожлантиришнинг жараёнга ва муҳитни яхшилашга йўналтирилган моделларининг кумулятив таъсири орқали эришилади.

ХРС шакллантиришнинг кейинги босиқичида минтақа ижтимоий ва иқтисодий ҳолатининг стратегик таҳлили ҳамда табиий-иқтисодий салоҳият ва ресурсларни баҳолаш ишлари амалга оширилади. Худуднинг стратегик таҳлили иккита йўналишда олиб борилади.

Биринчи – ташқи муҳитни баҳолаш ҳамда таҳлил қилиш йўналишида дунёдаги геосиёсий ва геоиқтисодий вазиятдан келиб чиқиб, ташқи омилларнинг худуд микёсидаги таъсири баҳоланади. Ушбу жараёнда, энг аввало, дунё иқтисодиётидаги вазият, йирик трансмиллий корпорацияларнинг худудий бирлашмаларга таъсири, ҳалқаро молия институтларининг мамлакатга нисбатан белгиланган сиёсати оқибатлари, мамлакат аъзо бўлган худудий бирлашма ва тузилмаларнинг интеграциялашув борасидаги сиёсати, унинг оқибатлари, яқин қўшни давлатлардаги иқтисодий ҳолат ва сиёсий вазият ҳамда уларнинг мамлакат ва минтақаларда кутилаётган таъсири, шунингдек, қўшни минтақалардаги ижтимоий ва иқтисодий жараёнларга оид омиллар батафсил таҳлил қилинади.

Иккинчи йўналишдаги стратегик таҳлил мамлакат ичидаги ижтимоий-иқтисодий ҳолатни ижтимоий-иқтисодий ривожланиш кўрсаткичлари орқали баҳолаш, минтақанинг табиий-иқтисодий ва ижтимоий потенциални аниқлаш, амалдаги бошқарув тизимини функционал таҳлил қилиш орқали амалга оширилади. Ушбу жараёнда минтақанинг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш, ривожланиш динамикасидаги доимийлик ва давомийлик ҳамда номуносивликларни баҳолаш, минтақа иқтисодиётининг худудий мувозанатлилиги ҳолати, иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар, рақобат салоҳияти ва устунликлари ҳамда бошқа ижтимоий-иқтисодий

ривожланишга оид муаммолари аниқланади. Мазкур лойиҳа ва дастурларнинг асосий ижрочилари маҳаллий ҳокимият органлари (ҳокимликлар) бўлса-да, улар турли манбалар, жумладан, республика бюджети, бюджетдан ташқари жамғармалар, банк ва хўжалик субъектлари кредитлари ҳисобидан молиялаштирилади.

*Шу ўринда айтиши жоизки, бундай таҳлилар мазмун ва моҳиятига кўра амалиётда вазирлик ва идоралар даражасида, уларнинг ташаббуси ва бошчилигида ишлаб чиқиладиган ва кўп жиҳатдан минтақа иқтисодиёти билан етарлича боғланмаган ҳолда ишлаб чиқилаётган дастур ва лойиҳалардан тубдан фарқ қилади. Марказлашган тарзда ишлаб чиқиладиган дастур ва лойиҳалар аксарият ҳолларда худудий номуносивликлар, худудларнинг рақобат салоҳияти ва устунликлари, энергетика салоҳияти, меҳнат ресурслари сифати, ташқи бозорларга ва қўшни худудларга чиқиш имкониятлари, транспорт инфратузилмаси ва шу каби имкониятларни ўзида акс эттирган таҳлиллarga етарлича асосланмайди. Бу каби ҳолатнинг давом этиши, бошқача қилиб айтганда, бевосита худудий ривожлантириш дастур ва лойиҳаларни айнан марказий вазирлик ва идоралар даражасида ишлаб чиқиш амалиёти хусусий сектор ва маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органларининг худудларни ривожлантиришни стратегик режалаштиришидаги иштирокининг кескин тарзда чекланишига олиб келади.*

Юқоридаги ҳар иккала йўналиш орқали амалга оширилган ишлар SWOT-таҳлил<sup>1</sup> натижалари кўринишида умумлаштирилади. Олинган натижалар эса стратегик мақсадлар ва ривожланишнинг устувор йўналишларини асослаш ҳамда стратегияни амалга оширишда зарур ресурсларни аниқлаш имконини беради.

ХРСни ишлаб чиқишда мақсадларни тўғри белгилаш муҳим жараён ҳисобланади. Бунда шуни эътиборга олиш жоизки, ҳар қандай худуд ўзининг узоқ вақт ўзгармас бўлиб қоладиган мақсадларига эга бўлиши табиий. Шунинг учун ҳам, юқори даражада миллий

<sup>1</sup> SWOT-таҳлил усулида омиллар тўртта тоифаларга ажратилади: Strengths (минтақанинг кучли томонлари), Weaknesses (заиф томонлари), Opportunities (имкониятлар) и Threats (таҳдидлар).

ғоя ва анъаналар, тарихий-маънавий қадриятлар ва мерослар асосида аниқланган стратегик мақсадларда, одатда катта фарқланишлар бўлмайди. Мақсадлардаги фарқлар ва уларни тавсифловчи кўрсаткичлардаги тафовутлар кўпроқ минтақанинг иқтисодий имкониятлари, ўзига хос ижтимоий-иқтисодий хусусиятлари, табиий-иқтисодий салоҳияти, иқтисодиёт таркиби, ишлаб чиқариш кучларининг жойлашуви, ижтимоий-иқтисодий жараёнларнинг кечиши, бошқарув салоҳияти ва сифати нуқтаи назаридан юзага чиқади. Бирок, асосий мақсадларнинг ўхшашлиги стратегиялар мазмунан айнан бир хил бўлишини аниқлатмайди. Чунки мақсадларнинг устуворлиги ва аҳамияти ҳудудларнинг ўзига хос жиҳатларига қараб фарқланади.

Стратегик мақсад ҳудуднинг муайян нуфузини шакллантириш учун жуда муҳим аҳамиятга эга. Шундан келиб чиқиб, стратегиядаги устувор йўналишларни бир нечта гуруҳларга ажратиш мумкин.

*Биринчи гуруҳ* – иқтисодиётда моддий ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва ҳаёт сифатини оширишнинг моддий манбаларини яратиш бўйича чора-тадбирлар, жумладан, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани такомиллаштириш ва ҳоказо.

*Иккинчи гуруҳ* – ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш учун қулай шарт-шароитларни яратиш бўйича чора-тадбирларни ўзида акс эттиради. Улар қаторига тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, инновацияларга йўл очиш, замонавий технологияларнинг кенг тарқалишига имкон яратиш, бандликка кўмаклашиш, касб-ҳунар таълимини қўллаб-қувватлаш, «яшил» иқтисодиётни ривожлантириш бўйича чора-тадбирларларни киритиш мумкин.

*Учинчи гуруҳ* – минтақанинг нуфузини сақлаш ва ошириш, чет эл инвесторларини жалб этиш мақсадида ҳамкорликни ривожлантириш, туризм йўналишларининг ривожланишини қўллаб-қувватлаш каби чора-тадбирлардан таркиб топади.

Ва ниҳоят, *тўртинчи гуруҳ* – ҳудуднинг бошқарув тизимини такомиллаштиришга йўналтирилган бўлиб, у ҳудуд тузилмаси ва бошқарув услубларини такомиллаштириш бўйича чора-тадбирларларни ўз ичига олади.

ҲРСни ишлаб чиқиш ягона услубий ёндашувни аниқлаб олишни талаб этади. ҲРСни ишлаб чиқиш, шакллантириш ва амалга оши-

риш ташаббускор (кўп ҳолларда маҳаллий ҳокимият органлари) билан биргаликда хусусий сектор, фуқаролик жамияти институтларининг биргаликдаги иштирокининг маҳсули бўлиши ҲРСнинг мақсадли кўрсаткичлари ва самарадорлик кўрсаткичлари мавжуд салоҳият ва ресурслар билан, шу жумладан, давлат бюджети ва маҳаллий бюджетлар билан мувофиқлигини таъминлайди.

Мухтасар қилиб айтганда, ҲРС ҳудудий ривожлантириш бора-сидаги асосий вазифалари қуйидагилар ҳисобланади:

- минтақани барқарор ривожлантиришнинг устувор йўналишлари, мақсадлари ҳамда вазифаларини аниқлаш;
- ҳудудларни доимий ривожлантириш мақсадларига эришишни ҳамда вазифаларнинг ҳал этилишини таъминлайдиган самарали механизмларни, воситаларни ва усулларни яратиш;
- ҳудудлар ривожланишига таъсир кўрсатувчи ички ва ташқи омилларни, тамойилларни, чекловларни аниқлаш;
- ҳудудлар, тармоқлар ва соҳаларни узлуксиз ривожлантиришнинг зарур ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини таъминлайдиган макбул сценарийларини танлаш;
- стратегик режалаштиришга оид ҳужжатлар амалга оширилишининг бориши юзасидан мониторингни ташкил этиш ҳамда давлат органларининг Ўзбекистон Республикасини барқарор ривожлантириш, ҳудудлар, тармоқлар ва соҳаларни узлуксиз ривожлантириш мақсадларига эришиш ҳамда вазифаларни ҳал қилишга доир фаолиятини баҳолашни амалга ошириш имконини беради.

### **3.2. Ҳудудларни ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш усуллари ва воситалари**

Ҳудудни ривожлантиришда (рақобатдошлигини оширишда), олдинги қисмларда кўрилганидек, унда кечаётган жараённи ривожлантириш, тадбиркорлик ва инвестиция муҳитини яхшилаш, замонавий лойиҳаларни аниқ объектларга йўналтиришга оид тартибли равишда таъсир этиш чораларини белгилаш талаб этилади. Бундай таъсир чоралари, энг аввало, ҲРСни ишлаб чиқиш учун тузилган концепцияда стратегик тасаввур доирасида қамраб оли-


надиган даврни белгилашдан бошланади. ХРСни амалга ошириш борасида халқаро тажриба шуни кўрсатадики, айна пайтда ЕИга кирувчи давлатларда ХРСни амалга ошириш учун вақт кўринишидаги чегара уч йилдан беш йилгача бўлган муддатни камраб олади. Айрим МДХ давлатлари тажрибасида стратегик мақсадларнинг мазмун-моҳиятига қараб бундан кўпроқ муддатларга ҳам мўлжалланган ХРСларни кўришимиз мумкин.

Ўзбекистоннинг айна пайтдаги ривожланиш босқичида, халқаро тажрибадан келиб чиққан ҳолда, беш йилга мўлжалланган ХРСларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш стратегияни реал воқелик билан узвий боғлаш имконини беради.

Бунинг учун ХРС Ўзбекистон Республикасини барқарор ривожлантириш концепциялари ва стратегиялари қоидаларига мувофиқ бўлиши керак. Шунингдек, ХРС ўрта муддатли давр учун ишлаб чиқиладиганда узок муддатли давр учун ишлаб чиқилган стратегик режалаштиришга оид ҳужжатлар қоидаларига мувофиқ бўлиши услубий жиҳатдан талаб этилади. Бундан ташқари, агарда ХРС қисқа муддатли давр учун ишлаб чиқиладиган бўлса, у ҳолда узок муддатли ёки ўрта муддатли даврлар учун ишлаб чиқилган стратегик режалаштиришга оид ҳужжатлар қоидаларига мувофиқ бўлиши керак.

Ривожланган мамлакатларнинг тажрибасига кўра, ХРСни ишлаб чиқиш жараёни пухта ўйланган ва тегишлича ташкил қилинган бўлиши талаб этилади. Манфаатдор томонлар ўртасида ахборот алмашинувини йўлга қўйиш учун эса стратегик режалаштиришга оид ҳужжатларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишга доир усуллар ва ёндашувларни олдиндан келишиб олиш лозим. Халқаро тажрибадан келиб чиққан ҳолда бундай жараён бир-бири билан узвий кетма-кетликда бўлган бешта босқичдан иборат (10-расм).

Шу тарзда ХРСни ишлаб чиқишдаги *биринчи босқич* ҳудудни ривожлантириш стратегиясини режалаштиришни ташкил қилиш билан боғлиқ бўлиб, ушбу жараёнда ташаббускор томонидан стратегияни ишлаб чиқиш зарурлигини англаб етиш муҳим ҳисобланади. Айна пайтда, Ўзбекистонда миллий иқтисодиётнинг ҳудудий мувозанатлилиги давлат томонидан амалга ошириладиган сиёсатнинг асосий бўғинларидан бири ҳисобланади. Шундай экан, ХРСни ишлаб чиқиш ташаббуси энг аввало ҳукумат томонидан ёки



10-расм. ХРСни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш босқичлари

беvosита маҳаллий ҳокимият органлари томонидан кўрсатилиши табиий. Шу билан биргаликда, сиёсий партиялар, тадбиркорлар уюшмаси ёки фуқаролик институтлари ва жамоатчиликни ҳам потенциал ташаббускорлар сифатида кўришимиз мумкин. Шундай экан, асосий ташаббускор билан биргаликда юқорида қайд этилган субъектларни кенг жалб этган ҳолда ташаббус гуруҳини тузиш ишлаб чиқиладиган ва амалга оширилиши лозим бўлган ХРСнинг қонунийлигини таъминлашга хизмат қилади.

Ушбу босқичда, шунингдек, стратегияни амалга оширишдан манфаатдор томонларни аниқлаш, уларнинг иштирокида тузиладиган кенгаш аъзоларини аниқлаш борасида маслаҳатлар ўтказилади. Стратегияни ишлаб чиқиш бўйича етакчи ташкилотни аниқлаш, хусусан, ҳудудни ривожлантириш борасидаги «рахбарлик» ролини ким амалга оширилишини белгилаб олиш, давлат сектори, тадбиркорлар ва жамоатчилик вакиллари билан мувофиқлаштирувчи гуруҳ (комиссиялар) ва ишчи гуруҳлар тузиш ушбу босқичдаги асосий вазифалар ҳисобланади.

Биринчи босқичдаги ташкилий ишлар ҳудудни ривожлантиришдаги манфаатдор томонлар ўртасида ҳамкорликни йўлга қўйиш ва уларнинг фаолиятини (турли даражада бўлишидан қатъий назар) мувофиқлаштириш тизимини шакллантириш билан яқунланади. Ушбу тизим қуйидагилардан иборат бўлади:

- стратегияни ишлаб чиқиш жараёнини бошқариш схемасини тузиш ва тасдиқлаш;

- маслаҳат гуруҳини тузиш;
- тематик ишчи гуруҳларини тузиш;
- натижаларнинг муҳокама ва экспертизасини ташкил қилиш;
- оралиқ ва якуний натижаларнинг тақдимотини ўтказиш;
- стратегия низомини қабул қилиш ;
- асосий ташаббускорнинг (аксарият ҳолларда маҳаллий ҳокимиятнинг ёки маҳаллий кенгашнинг) қарор ёки фармойиш лойиҳасини тайёрлаш.

Юқорида баён этилган тизим ҲРСни шакллантириш жараёнини дастлабки тарзда лойиҳалаштириш имконини беради. Ушбу лойиҳада ҲРСнинг бош мақсади, мақсад ва вазифаларини концептуал даражада аниқлаштириш, стратегияни шакллантиришда бошқарув ва мувофиқлаштириш тизимини жорий этиш ҳамда стратегиянинг мазмунан таркиби ва ишлаб чиқиш бўйича масъул шахсларни аниқлаш ишлари амалга оширилади.

**Иккинчи босқичда** (вазият таҳлили) маҳаллий давлат ва бошқарув органлари, хусусий сектор ва фуқаролик институтлари иштирокида тузилган ишчи гуруҳлари томонидан ҳудуднинг иқтисодий тараққиётига таъсир кўрсатувчи омиллар, ишбилармонлик муҳити, демографик вазият, ижтимоий ва экологик ҳолат, ижтимоий, ишлаб чиқариш ва транспорт инфратузилмаси ҳамда амалдаги ижтимоий, иқтисодий, экологик ва институционал жиҳатларга оид меъёрий-ҳуқуқий базанинг ҳолати синчковлик билан ўрганилади ва баҳоланади. Ушбу баҳолаш жараёнида минтақани ривожлантиришга оид қабул қилинган дастурлар ҳамда расмий манбалар асосида статистик маълумотлар таҳлил қилинади. Шунингдек, маҳаллий аҳоли ва ишбилармонлар доирасида очиқ ва аноним сўровлар ўтказилади.

Ушбу босқичда ҳудуднинг асосий кучли ва кучсиз томонлари, шунингдек, ривожланишдаги имконият ва таҳдидларини аниқлашда қуйидаги блоклар бўйича баҳолаш ишлари ўтказилади.

#### **1. Иқтисодиёт:**

- минтақа иқтисодиётининг миллий иқтисодиётда тутган ўрни;
- тармоқлар ва секторларнинг ривожланиши;
- тадбиркорлик муҳити;
- иш кучи сифати ва бандлик;

- молия секторининг ҳолати;
- ташқи иқтисодий алоқалар ва экспорт салоҳияти;
- инвестиция фаоллиги;
- инфратузилма;
- ташқи иқтисодий муҳит ва бошқа омиллар.

#### **2. Ижтимоий соҳа:**

- маҳаллий жамоатчилик салоҳияти;
- аҳоли миграцияси;
- медицина хизматларининг сифати;
- таълим сифати;
- аёллар ва ёшлар масаласи;
- ижтимоий хизматлар сифати ва улардан фойдаланиш имкониятлари;
- ижтимоий инфратузилма ва бошқа омиллар.

#### **3. Инфратузилма:**

- автомобиль йўллари;
- темир йўллар;
- аҳолининг электр энергияси, газ ва ичимлик суви билан таъминланганлиги;
- таълим, медицина, санитария ва тозалаш тизимлари;
- телекоммуникация.

#### **4. Атроф-муҳит:**

- минтақа табиати;
- сув манбалари ва уларнинг истеъмолга яроқлилиги;
- ер унумдорлиги;
- кизил зоналар;
- атроф-муҳитнинг тозаллиги.

#### **5. Институционал ривожлантириш:**

- ҳокимият ва фуқаролик институтлари ўртасидаги ҳамкорлик;
- ҳокимият билан ишбилармонлар ва тадбиркорлар ўртасидаги ҳамкорлик;
- вилоят ҳокимияти билан туман ва шаҳар ҳокимиятлари ўртасидаги функционал алоқалар;
- ҳомий ташкилотлар билан ҳамкорлик;
- бошқарув кадрлари сифатини ошириш масалалари;
- бошқа манфаатдор ташкилотлар билан ҳамкорлик.

Юкоридагилар билан биргаликда иккинчи босқичда худуднинг барча истиқболдаги тараққиётини белгиловчи мақсадли индикаторлар ҳам аниқлаб олинади.

**Учинчи босқич** бевосита ҲРСни ишлаб чиқиш билан боғлиқ бўлиб, бир қанча амалларни мантиқий кетма-кетликда бажаришни талаб этади. Улар куйидагилардан иборат (11-расм):



11-расм. ҲРСни шакллантириш жараёни

Ушбу вазифа худуднинг узоқ ва ўрта муддатдаги келажагини ўзида акс эттирувчи ҳолатни тасаввур ёки кутилма сифатида гавдалантиришдан иборат. Бу жараёнда барча манфаатдор томонларнинг фикрлари ўрганилади. Бундан ташқари, кечаётган жараёнлар динамикаси ва йўналишини ҳисобга олган ҳолда айрим асосий иқтисодий ва ижтимоий ҳолатни белгиловчи кўрсаткичлар прогноз қилинади. Шунингдек, ташқи омилларнинг кутилаётган ижобий ва салбий таъсири ва уларнинг келтириб чиқариши мумкин бўлган оқибатларига оид экспертлар фикрлари ўрганилади. Умуман олганда, стратегик тасаввурни шакллантириш ушбу жараёнга фанлараро ёндашувни талаб этади. Шу туфайли бу вазифани нафақат амалиётчилар, шунингдек, тегишли соҳаларнинг олим ва тадқиқотчилари иштирокида амалга ошириш мақсадга мувофиқ. Сабаби – айрим кутилмаларни асослаш учун маълум бир эмпирик тадқиқотларни ўтказиш талаб этилади. Чунки кутилмалар худудни ривожлантиришнинг асосий йўналишларини аниқ кўрсатиб бериши зарур. Одатда, бундай кутилмалардан стратегиянинг бош мақсади ва ҳар бир устувор йўналиш бўйича аниқланадиган мақсадларни белгилашда фойдаланилади.

### **Мақсад ва мезон кўрсаткичларни аниқлаш**

ҲРС аниқ мақсадларга йўналтирилган бўлиши ҳар қандай стратегияга қўйиладиган асосий талаб эканлигини ҳисобга олган ҳолда ҳар бир мақсад ва унга эришишни аниқ кўрсатиб борадиган мақсадли индикаторларни ишлаб чиқиш ушбу босқичдаги энг муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Стратегик тасаввур ёки кутилмалардан фарқли равишда, ҲРС мақсадлари уларга эришиш учун аниқ вазифаларни белгилашни талаб этади. Шунинг учун ҳам ҳар бир вазифа ҲРСни баҳолашнинг мақсадли индикаторлари билан бевосита боғлиқ бўлиши зарур.

Тайёрланган ҲРС кенг жамоатчилик муҳокамасига олиб чиқилиши, маҳаллий вакиллик органларида кўриб чиқилиши ҳамда тасдиқланиши учун ҲРС мақсадларига эришилганлик даражасини баҳолашнинг мезон кўрсаткичлари аниқ ишлаб чиқилган бўлиши ва тизимлаштирилиши лозим.

### **Дастурларни тузиш ва лойиҳаларни шакллантириш**

ҲРС мақсадларига эришиш учун белгиланган ҳар бир вазифа унинг бажарилишини таъминловчи чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқишни талаб этади. Чора-тадбирлар режасига қараб қўйилган вазифани амалга оширишнинг имконини аниқлаш мумкин. Одатда, чора-тадбирлар режасида аниқ муддатлар ва индикаторлар белгилаб олинади. ҲРСда қўйилган мақсадларга эришиш учун белгиланган вазифалар дастур кўринишида тузилади.

Дастурлар ўрта муддатли ва (ёки) қисқа муддатли истиқболда худудлар, тармоқлар ва соҳаларни барқарор ҳамда узлуксиз ривожлантиришни таъминлаш бўйича асосий устувор йўналишлар ва вазифаларни амалга оширишга қаратилган стратегиялар ва (ёки) концепциялар базасида шакллантирилган, ресурслар таъминотининг манбалари ва ҳажмлари, шунингдек, уларни амалга оширишдан кутилаётган, натижадорликнинг аниқ ўлчовли кўрсаткичларида ифодаланган комплекс чора-тадбирларни ўз ичига олган стратегик режалаштиришга оид ҳужжат ҳисобланади. Дастурлар ўзининг қамровига кўра турлича бўлиши мумкин. Айрим дастурлар аниқ лойиҳаларни ҳам ўз ичига олади.

Одатда, дастур ва лойиҳалар ҲРС ишлаб чиқилиб, тасдиқлангандан сўнг тузилади. Дастур ва лойиҳаларни амалга оширишни

режалаштириш босқичида уларни амалга ошириш учун зарур бўлган бюджет, инсон ва бошқа ресурслар аниқланади. Бошқача қилиб айтганда, ҳудудларни ривожлантириш дастурлари: белгиланган мақсад ва вазифаларга эришиш бўйича тадбирлар рўйхатини; тадбирларни амалга ошириш муддатларини ва тадбирларни бажариш учун масъул бўлган ташкилотларни; дастурларни амалга ошириш учун зарур бўлган молиявий ва бошқа ресурслар манбаларини; дастурларнинг мақсадли мўлжалларини ўз ичига олади.

ХРС доирасидаги турли дастур ва лойиҳаларнинг устуворларини белгилашда уларнинг ресурслар билан таъминлаш имкониятлари ҳамда амалга ошириш даври ҳисобга олинади. Бу эса, ўрта муддатли бюджет сўровларини тузишда маҳаллий ҳокимият учун қўшимча имконият ва амалий восита бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Навбатдаги, *тўртинчи босқич* ХРСни амалга ошириш билан бевосита боғлиқ тадбирларни ўз ичига олади. Ушбу босқичда ҳаракат дастури ва тадбирлар режаси ишлаб чиқилади. Стратегик режалаштиришга оид ҳужжатларни амалга ошириш бўйича ҳаракатлар дастури стратегик режалаштириш иштирокчилари томонидан ишлаб чиқилади ва қуйидагиларни:

- стратегик режалаштириш вазифаларидан келиб чиққан ҳолда тадбирларнинг номини;
- тадбирларни амалга ошириш муддатлари ва босқичларини;
- тадбирларни амалга ошириш учун зарур бўлган молиявий ва бошқа ресурслар манбаларини;
- масъул ижрочилар тўғрисидаги ахборотни;
- тадбирларнинг натижадорлигини баҳолаш кўрсаткичларини ўз ичига олади.

ХРСни амалга ошириш бўйича ҳаракатлар дастурида давлат, тармоқлар ва ҳудудий дастурлар бир-бири билан уйғунлаштирилади. Аксарият ҳолларда ХРСни амалга оширишда бюджет маблағлари етарли бўлмаслиги мумкин. Шунинг учун, барча томонларнинг ХРСни амалга оширишдан манфаатдорлигини ҳисобга олган ҳолда, бюджет маблағларидан ташқари хусусий сектор, чет эл инвесторлари ва халқаро ташкилотлар маблағларини ҳам жалб қилиш имкониятлари баҳоланади.

Ва ниҳоят, *бешинчи босқич*да ХРСнинг амалга оширилишини мониторинг қилиш ишлари олиб борилади. ХРСни амалга оши-

риш эришилган натижаларни доимий баҳолашни талаб этади. Бунда баҳолаш нафақат вазифаларнинг бажарилиши, шунингдек, уларнинг ҳудуд ижтимоий-иқтисодий даражасига таъсири, институционал ўзгаришлар ва атроф-муҳитга кўрсатган таъсири нуқтаи назаридан, тизимли равишда, мақсад кўрсаткичлари орқали амалга оширилади.

ХРС долзарблигини йўқотмаслиги учун ички ва ташқи муҳит, омиллар ва шароитларнинг ўзгаришини ҳисобга олган ҳолда, доимий равишда янгиланиб туриши лозим. Шу нуқтаи назардан ХРСнинг амалга оширилишини мониторинг қилиш ишларини йилига камида бир маротаба ўтказиш мақсадга мувофиқ. Бундай мониторинг ишларини маҳаллий бюджетни режалаштириш даври билан бир вақтда ўтказиш, дастурларни аниқ молиявий ресурслар билан таъминланишини ҳисобга олган ҳолда кўпроқ самара беради.

Стратегик режалаштиришга оид ҳужжатлар амалга оширилишининг бориши юзасидан мониторинг давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимият органлари томонидан тақдим этилган ахборот асосида ваколатли давлат органи томонидан амалга оширилади.

Стратегик режалаштиришга оид ҳужжатлар амалга оширилишининг бориши юзасидан мониторингнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- ◆ стратегик режалаштиришга оид ҳужжатларнинг амалга оширилиши тўғрисидаги ахборотни йиғиш, тизимлаштириш ва умумлаштириш;
- ◆ стратегик режалаштиришга оид ҳужжатларни амалга ошириш мақсадларига эришиш даражасини ва стратегик режалаштириш иштирокчиларининг мақсадларга эришишга доир фаолияти самарадорлигини баҳолаш.

Стратегик режалаштиришга оид ҳужжатлар амалга оширилишининг бориши юзасидан мониторинг натижалари давлат бошқаруви органларининг, маҳаллий давлат ҳокимият органларининг, шунингдек, стратегик режалаштиришга оид ҳужжатларни ишлаб чиқиш бўйича бошқа ташаббускорларнинг чораклик ва йиллик ҳисоботларида акс эттирилади.

Мониторинг жараёнига барча манфаатдор томонлар жалб этилади ва баҳолаш натижалари оммавий ахборот воситаларида эълон


қилинади. Стратегик режалаштиришга оид ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш учун масъул бўлган давлат бошқаруви органларининг, маҳаллий давлат ҳокимият органларининг расмий веб-сайтларига жойлаштирилиши ҲРСнинг легитимлигини янада оширади.

### 3.3. Худудларни стратегик ривожлантириш жараёнини бошқариш масалалари

Бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатлар тажрибасидан маълумки, худудларни ривожлантириш сиёсати, том маънода, давлат бошқарувини марказлашган тизимдан номарказлашган тизимга ўтказиш тамойилига ва маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш принципига мос келиши муҳим аҳамиятга эга (12-расм). Бунда худудларни барқарор ривожлантиришга қаратилган стратегиялар, комплекс дастур ва лойиҳалар воситасида амалга ошириладиган иқтисодий сиёсатнинг самарадорлиги кўп жиҳатдан ижтимоий-иқтисодий жараёнларни бошқариш сифати, мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланишга боғлиқ.

Ўзбекистон Республикасида худудларни ривожлантиришнинг асосий йўналишларини белгилаш ваколати Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, яъни ҳокимликлар ва халқ депутатлари маҳаллий кенгашларига юклатилган. Шу ўринда айтиш жоизки, маҳаллий бошқарувда ваколатларнинг тақсимланиши тамойилларига кўра, худудларни ривожлантириш бўйича амалий чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ижро этувчи ҳокимиятнинг вазифасига киради. Худудларни ривожлантиришнинг дастурлари ва режаларини ишлаб чиқиш жараёни стратегик бошқарувнинг биз юқорида кўриб чиққан тартиб тамойилларига кўра пастдан юқorigа қараб, маҳаллий бошқарув органларининг кенг жамоатчилик, хусусий сектор ва нодавлат-нотижорат ташкилотлари билан ҳамкорлигига асосланган ҳолда кечиши лозим.

Лекин амалда маҳаллий ҳокимият органлари етарли даражада ташкилий ресурслар, ходимлар малакаси ва молиявий имкониятларга эга бўлмаганлиги, маҳаллий ҳокимият билан жамоатчилик ўртасида худудларни ривожлантириш истиқболларини аниқлашда



12-расм. Ижтимоий-иқтисодий жараёнларни бошқариш принциплари

ҳамкорлик қилиш борасида етарлича тажриба тўпланмаганлиги туфайли, аксарият ҳолларда стратегик аҳамиятга эга бўлган ҳужжатлар вазирликлар, давлат қўмиталари ва республика миқёсидаги идора ташкилотлар бошчилигида амалга оширилиб келмоқда.

Шу туфайли ҳам худудларни стратегик режалаштириш соҳасида давлат сиёсатининг асосий йўналишларини белгилаб олишга бугунги куннинг долзарб масаласи сифатида қаралса ўринли бўлади. Шу ўринда:

◇ худудлар ривожланишини стратегик режалаштиришнинг норматив-ҳуқуқий базасини такомиллаштириш;

- ◇ стратегик режалаштиришга оид ҳужжатларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда давлат бошқаруви органларининг, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ҳамкорлигини таъминлаш;
- ◇ стратегик режалаштириш соҳасида кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш;
- ◇ илмий тадқиқотларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, стратегик режалаштириш жараёнига замонавий усулларни жорий этиш;
- ◇ стратегик режалаштириш жараёнларига фуқаролик жамияти институтларининг вакиллари, олимлар, экспертларни, шу жумладан хорижлик олимлар, экспертларни жалб этишни таъминловчи зарур шарт-шароитларни яратиш;
- ◇ стратегик режалаштиришни илмий-техник, ахборот ва ресурс жиҳатидан таъминлашни давлат томонидан амалга ошириш ўринли бўлади.

Ўзбекистон Республикасида ҳудудларни ривожлантиришнинг ўрта ва узоқ муддатларга мўлжалланган стратегик режалаштиришга оид ҳужжатлар таркибини олдиндан аниқлаб олиш мақсадга мувофиқ. Умуман олганда, *стратегик режалаштиришга оид ҳужжатлар*, бу – ҳудудлар ва унда фаолият кўрсатаётган тармоқлар ва соҳаларни ривожлантиришнинг стратегик мақсадлари, устувор йўналишлари ва вазифаларини белгилайдиган, давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳамда стратегик режалаштиришнинг бошқа ташаббускорлари ва иштирокчилари томонидан ишлаб чиқиладиган, кўриб чиқиладиган ҳамда тасдиқланадиган (маъқулланадиган) концепциялар, стратегиялар ҳамда дастурлардан иборат. Бу борада олдинги қисмлардаги фикрларни янада кенгрок ёритиш мақсадида ҳудудлар ривожланишини стратегик режалаштиришга оид ҳужжатлар тоифасига:

- ◆ Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарига Мурожаатномаси ҳамда мамлакатни барқарор ривожлантириш концепцияларига монанд келадиган ҳудудларни ривожлантириш концепциялари;
- ◆ ҳудудларни ва унда фаолият олиб бораётган тармоқлар ва соҳаларни ривожлантириш стратегиялари;

- ◆ ҳудудларни ривожлантириш дастурлари;
- ◆ ҳудуддаги тармоқлар ва соҳаларни ривожлантириш бўйича алоҳида дастурларни ҳам киритишимиз мумкин.

Халқаро тажрибадан маълумки, стратегик режалаштиришга оид ҳужжатлар ягона принциплар асосида шакллантирилиши уларнинг бир-бири билан уйғунлигини таъминлайди (10-жадвал). Шунинг билан бирга, ҳар бир стратегик аҳамиятга эга ҳужжат давомийлиги бўйича бир-биридан фарқ қилади. Беш йилдан ортиқ бўлган муддатни қамраб оладиган стратегик ҳужжатлар узоқ муддатли давр учун, давомийлиги уч йилдан беш йилгача бўлган муддатни қамраб оладиган ҳужжатлар ўрта муддатли давр учун, давомийлиги уч йилгача бўлган муддатни қамраб оладиган ҳужжатлар эса қисқа муддатли давр учун мўлжаллаб ишлаб чиқилиши олдиндан белгиланиши лозим. Бунинг учун стратегик режалаштиришга оид ҳужжатларни ишлаб чиқиш ташаббуси билан чиққан субъект томонидан ҳудудларни (ёки алоҳида ҳудудни) барқарор ривожлантиришнинг долзарб вазифаларидан келиб чиққан ҳолда қарор қабул қилинади. Бундай қарорларни давлат бошқаруви ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, шунингдек, ўз ваколатларига мувофиқ жамоат бирлашмалари, илмий ва бошқа ташкилотлар ҳам стратегик режалаштиришга оид ҳужжатларни ишлаб чиқиш ташаббускорлари сифатида қабул қилишлари мумкин.

Стратегик режалаштириш жараёнида давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, жамоат бирлашмалари, илмий ҳамда бошқа ташкилотлар стратегик режалаштириш нафақат ташаббускор, балки иштирокчи сифатида ҳам жалб этилиши мумкин. Стратегик режалаштириш иштирокчилари ўз ваколатлари доирасида стратегик режалаштиришга оид ҳужжатларни ишлаб чиқиш ташаббуси билан лойиҳаларни ишлаб чиқиш, кўриб чиқиш ва амалга ошириш ваколатларига ҳам эга бўлади. Бундан ташқари, иштирокчилар стратегик режалаштиришга оид ҳужжатлар лойиҳаларини кўриб чиқиш учун ваколатли давлат органига киритиши мумкин. Шунингдек, ушбу ҳужжатларни амалга ошириш бўйича амалий чора-тадбирлар лойиҳаларини ва ҳаракатлар дастурларини ишлаб чиқади. Стратегик режалаштиришга оид ҳужжатларнинг амалга оширилишида иштирокчиларнинг яна бир муҳим



функцияси – стратегиянинг амалга оширилиши юзасидан мониторинг ўтказиш ва унинг натижалари бўйича таклифлар тайёрлашдан иборат. Бу жараён ўзига хос мураккабликларга эга бўлганлиги туфайли таклифларни тайёрлашда четдан экспертлар ва мутахассисларни жалб қилиш мақсадга мувофиқ бўлади. Бундай таклиф ва мулоҳазалар асосида янгиланган стратегик режалаштиришга оид ҳужжатлар лойиҳалари кенг жамоатчилик муҳокамасига ҳавола этилади.

10 - ж а д в а л

#### Стратегик режалаштиришнинг асосий принциплари

Принциплар	Мазмун ва моҳияти
Бирлик ва яхлитлик	Стратегик режалаштиришга оид ҳужжатларни шакллантириш услубининг, уларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш тартибининг яхлитлигини англатади.
Изчиллик ва узлуксизлик	Стратегик режалаштиришга оид ҳужжатларни ишлаб чиқиш ҳамда бажариш стратегик режалаштириш иштирокчилари томонидан илгари қабул қилинган стратегик режалаштиришга оид ҳужжатларни амалга ошириш натижалари ва босқичлари ҳисобга олинган ҳолда изчил равишда амалга оширилишини англатади.
Мутаносиблик	Стратегик режалаштиришга оид ҳужжатларни ишлаб чиқиш чоғида ушбу ҳужжатларнинг устувор йўналишлар, мақсадлар, вазифалар, тадбирлар, кўрсаткичлар, молиявий, ахборот ресурслари ва бошқа ресурслар бўйича ҳамда уларни амалга ошириш муддатлари бўйича келишилганлиги ва мутаносиблиги таъминланишини англатади.
Натижадорлик ва самарадорлик	Стратегик режалаштиришга оид ҳужжатларни амалга ошириш талаб қилинган натижаларга ресурслардан оқилона фойдаланиш орқали ва энг юқори самарадорлик билан эришиш зарурлигига асосланган бўлиши кераклигини англатади.
Илмий асосланганлик	Стратегик режалаштиришга оид ҳужжатларни тайёрлаш чоғида таҳлил қилиш ҳамда прогнозлаштиришнинг илмий усуллари ва услубиёти қўлланилиши кераклигини англатади.
Мақсадларнинг баҳоланишида	Стратегик режалаштиришга оид ҳужжатларни ишлаб чиқиш чоғида мақсадли миқдор ва сифат кўрсаткичларидан, уларни баҳолаш мезонлари ва усулларида фойдаланган ҳолда, барқарор ривожланиш мақсадларига эришишни баҳолаш имконияти таъминланиши кераклигини англатади.
Очиқлик	Стратегик режалаштириш жараёни шаффоф бўлиши кераклигини, шунингдек, мўлжалланилаётган чора-тадбирлар ва қўтилаётган натижалар жамият учун очиқ бўлиши кераклигини англатади.

Халқаро тажрибадан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, Стратегик режалаштиришга оид ҳужжатлар ишлаб чиқиладиганда бир қанча асосий талабларга риоя этилиши мақсадга мувофиқ. Биринчидан, стратегик режалаштириш ҳужжатлари ҳудудлар, уларда фаолият олиб бораётган тармоқлар ва соҳалар даражасида ишлаб чиқиладиганда: мамлакатни барқарор ривожлантириш концепциялари ва стратегиялари қоидаларига мувофиқ бўлиши; ўрта муддатли давр учун ишлаб чиқиладиганда узоқ муддатли давр учун ишлаб чиқилган стратегик режалаштиришга оид ҳужжатлар қоидаларига мувофиқ бўлиши; қисқа муддатли давр учун ишлаб чиқиладиганда узоқ муддатли ёки ўрта муддатли даврлар учун ишлаб чиқилган стратегик режалаштиришга оид ҳужжатлар қоидаларига мувофиқ бўлиши керак.

Бундан ташқари, давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари стратегик режалаштириш жараёнида ахборот алмашинувини, стратегик режалаштиришга оид ҳужжатларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишга доир усуллар ва ёндашувларни олдиндан келишиб олишлари мақсадга мувофиқ бўлади. Ушбу жараёнда давлат бошқаруви органларининг, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг стратегик режалаштириш соҳасидаги фаолиятининг ҳукумат томонидан мувофиқлаштирилиши яхши натижа беради. Бунинг учун ҳукумат томонидан ваколатли орган белгиланиши мамлакатни барқарор ривожлантиришнинг мақсадлари ва устувор йўналишларидан келиб чиқиб, стратегик режалаштириш соҳасидаги давлат сиёсатини амалга ошириш имконини беради.

Стратегик режалаштиришга оид ҳужжатларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш бўйича услубий тавсияларни бериш, шунингдек, давлат бошқаруви ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг стратегик режалаштиришга оид ҳужжатларни ишлаб чиқишга доир фаолиятини мувофиқлаштириш ваколатли орган томонидан амалга оширилиши муҳим аҳамиятга эга. Чунки, фақат ваколатли органгина давлат бошқаруви ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг стратегик режалаштириш масалаларига доир фаолиятини такомиллаштириш бўйича таклифлар бера олади. Бундан ташқари, стратегик режалаштиришга оид ҳужжатларни ишлаб чиқишда ахборот технологияларини ривожлантириш ва жорий этиш жараёнини,

шунингдек, барча даражалардаги ахборот алмашинуви жараёнини мувофиқлаштириш ишлари ҳам ягона мувофиқлаштирувчи орган томонидан амалга оширилиши лозим.

Ваколатли орган юқоридагилардан ташқари стратегик режалаштиришга оид ҳужжатларни ишлаб чиқиш учун идоралараро ишчи гуруҳларни ташкил этиш, ушбу жараёнга экспертлар ва мутахассисларни жалб этиш, стратегик режалаштиришга оид ҳужжатларни ташаббускорларнинг хоҳиш ва истакларини инобатга олган ҳолда дастлабки тарзда кўриб чиқиш, уларга тегишли таклиф ҳамда тавсиялар бериш салоҳиятига эга ташкилот ҳисобланади.

Худуднинг тараққиётини белгилаш билан фақат маҳаллий ҳокимият органлари шуғулланмайди. Давлатнинг аҳоли турмуш даражасини оширишга йўналтирилган ижтимоий-иқтисодий, ҳудудий ва экологик сиёсатини ғоялар, концепциялар, дастур ва лойиҳалар кўринишида шакллантиришда марказий бошқарув органлари томонидан тизимли иш ташкил қилинади ва олиб борилади. Мисол учун, Ўзбекистонда камбағалликни қисқартириш масаласи билан Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги тизимли равишда шуғулланади. Шунинг билан биргаликда, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 100-моддасига кўра, худудларни иқтисодий-ижтимоий ривожлантириш масалаларини ҳал қилиш вилоят, туман ва шаҳар ҳокимликларининг асосий вазифаларидан бири сифатида белгиланган. Бу конституцион меъёرنинг механизми Ўзбекистон Республикасининг 1993 йилда қабул қилинган «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги Қонунининг 24, 25-моддаларида белгилаб қўйилган. Яъни, ушбу қонуннинг 25-моддасига кўра, вилоят, туман, шаҳар ҳокими тегишли халқ депутатлари кенгашига (ҳокимият вакиллик органига) вилоят, туман, шаҳар ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг энг муҳим ва долзарб масалалари юзасидан ҳисобот тақдим этади. Қонуннинг ушбу келтирилган меъёрлари мазмунидан келиб чиқиб айтиш мумкинки, маҳаллий ҳокимият маҳаллий Кенгашлар билан келишган ҳолда худудларни ўрта ва узоқ муддатда ривожлантириш сиёсатини ёки бошқача айтганда стратегияларини белгилашлари керак бўлади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, ҳозирги шароитда маҳаллий ҳокимият марказий даражадаги вазирлик ва идоралар билан ҳамкор-

ликда, ҲРСни ишлаб чиқиш борасида ваколатли давлат органи билан услубий жиҳатдан келишган ҳолда, худудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг стратегик аҳамиятга эга ҳужжатларини ишлаб чиқиши долзарб масалага айланмоқда, деб ишонч билан айтиш мумкин. Шу тарзда давлат бошқарувининг вертикал тизимини маҳаллий ҳокимият органлари билан марказий идоралар ўртасида замонавий кўринишда ташкил қилиш йўли билан кучайтириш мумкин.

Натижада, ҳокимликларнинг худудларни ривожлантириш масаларидаги имкониятлари янада кенгайди ва уларнинг функциялари нафақат маъмурий-ташкилий, балки барқарор ривожлантириш масалаларини ҳам қамраб олади. Бунинг натижасида эса, худудларни ривожлантиришга оид барча муҳим қарорлар нафақат марказий даражада, шунингдек, бошқарувнинг ўрта ва қуйи бўғинларининг фаол иштирокида қабул қилинади. Бу эса ўз навбатида, ҲРСларини амалга ошириш ва мониторинг қилиш борасида маҳаллий ҳокимият органларининг қизиқиши ва масъулиятини оширади.

ҲРС ва дастурларни муваффақиятли амалга ошириш иқтисодиётнинг тармоқ ва соҳаларига оид дастур ва лойиҳаларни ўзаро мувофиқлаштириш механизмларини шакллантиришни талаб этади. Бундан ташқари, ҲРС амалда худудлараро ҳамкорликни ҳисобга олган ҳолда, кўшни худудлар салоҳиятидан ҳам фойдаланишни кўзда тутиши лозим. Бунга ёрқин мисол қилиб кейинги йилларда Шарқий Европа мамлакатлари томонидан Европа иттифоқи билан интеграциялашувни амалга оширишга қаратилган ҲРСларни мисол келтириш мумкин.

Яна шунини эсдан чиқармаслик керакки, ҳар қандай худудий ривожлантириш дастурининг муваффақияти унинг молиялаш манбалари ва қўшимча молиявий ресурсларни жалб қилиш имкониятларига чамбарчас боғлиқдир. Бироқ ҳозирги шароитда маҳаллий ҳокимиятнинг ҲРСларини мустақил молиялаштириш имкониятлари катта эмас. Маҳаллий ҳокимият олдида йўналишлари, кўлами ва амалга ошириш муддатларига кўра бир-биридан фарқланувчи давлат ва худудий дастурларни амалга ошириш вазифаси туради. Натижада, чекланган молиявий маблағлар эвазига янги ҲРС ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, ресурслар етишмаслиги шароитида реал асосларга эга бўлмайди.

Шунинг учун ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос томонларини ҳисобга олган ҳолда дастурларни дифференциация қилиш, ҳар бир ҳудуднинг ХРС ва дастурларини тармоқлар ва соҳаларни ривожлантириш бўйича марказда ишлаб чиқиладиган дастурлар билан олдиндан уйғунлаштириш йўли билан ҳудудлар даражасида ХРС ва узоқ муддатга мўлжалланган дастурларни самарали амалга ошириш мумкин. Шундагина минтақаларнинг аҳоли сони ва географик жойлашуви, эҳтиёжлари, имкониятлари ҳамда хавф-хатарларини ўзида акс эттирган ҳамда мазмунан бир-биридан сезиларли даражада фарқ қиладиган стратегик ҳужжатларни амалга ошириш мумкин.

Биргина мисол, бугунги кунда магистрал аҳамиятга эга автомобиль йўлларини капитал таъмирлаш йиллик дастурлар асосида амалга оширилади. Бироқ, марказда ишлаб чиқилган ушбу дастурда магистрал автомобиль йўлларини қайси инфратузилма объектларини ривожлантириш билан боғлаш имкони йўқ. Чунки ушбу инфратузилма объектларини ривожлантиришнинг узоқ муддатга мўлжалланган дастур ёки режалари ишлаб чиқилмаган. Бундай шароитда йўлларни капитал таъмирлаш ишларини лойиҳалаштираётган ташкилотни айблаш мантиққа тўғри келмайди. Худди шундай ҳолатни ҳудуд ичидаги йўллар мисолида ҳам кўришимиз мумкин.

Шунинг учун ҳам ўрта ва узоқ муддатга мўлжалланган дастурларни ишлаб чиқиш ва ижросини горизонтал ва вертикал мослаштириш, бу борада маҳаллий ҳокимият ва қатор вазирлик ҳамда идораларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш ишлари айнан ваколатли давлат органининг асосий вазифаларидан ҳисобланади. Минтақаларнинг истиқболдаги тараққиёти, хавф-хатарлар ҳамда эҳтимолий таҳдидларни ҳисобга олган ҳолда ХРСларини ишлаб чиқишда халқаро тажрибадан келиб чиқиб, уйғунлашган режалаштириш воситаларидан фойдаланиш, ушбу жараёнга хусусий сектор ва маҳаллий жамоатчиликни жалб қилиш мақсадга мувофиқ бўлади. Натижада, ҳамкорликда ишлаб чиқилган дастур ва лойиҳалар ижтимоий-иқтисодий ва экологик масалаларни ягона тизим асосида ечиш имконини беради.

Ҳудудий ривожлантиришдаги бундай уйғунлашган ёндашув келажакда марказий бошқарув органлари томонидан ишлаб чиқиладиган тармоқ ва соҳаларга оид дастурларни мақбуллаштириш

билан биргаликда ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос хусусиятлари, манфаатлари, эҳтиёжлари ва имкониятларини ҳисобга олган ҳолда ҳудудларни ривожлантириш истиқболларини белгилаш имконини беради. Ушбу жараёнда мавжуд ресурсларни оқилона тақсимлаш ва улардан самарали фойдаланиш, янги иш ўринларини яратиш, соғлиқни сақлаш, таълим ва ижтимоий ривожлантиришнинг бошқа йўналишлари бўйича ҳудудлараро инклюзивликни таъминлаш имкониятлари кенгайди.

Келажакдаги мақсадларни тўлақонли ва ҳаққоний тарзда тасаввур қилиш, жорий ва ўрта муддатли вазифаларни узоқ муддатли мақсадлар билан боғлаш учун мавжуд услубий ёндашувлар ва амалий дастаклар (воситалар) нақадар яроқли бўлиши ҳақида савол туғилиши табиий, албатта. Шу ўринда айтиш жоизки, ишлаб чиқиладиган ХРС жаҳон тажрибасида қўлланиладиган ва мамлакат тараққиётининг миллий стратегияларида белгиланган устувор йўналишларни ҳисобга оладиган услубий ёндашув ва тамоийларга таяниши зарур.

Шунингдек, маҳаллий бюджетни шакллантириш жараёнида ХРСни молиялаштириш билан боғлаш учун ўрта муддатли бюджетлаштириш ишларини ҳам сифат жиҳатидан янги даражага олиб чиқиш талаб этилади.

Мазкур таклиф қилинаётган ёндашув ХРС доирасида ишлаб чиқиладиган дастур ва лойиҳаларни ҳудудларни ривожлантиришнинг мавжуд миллий дастурлари, тармоқ ва соҳаларга оид дастурлари билан узвий боғлаш имконини беради. Бунда, ишлаб чиқилган ХРС аввал тасдиқланган дастур ва лойиҳаларни кўчирмаслиги ва такрорлаб қолмаслиги керак. Ваҳоланки, мавжуд миллий ва соҳаларга оид дастурлар ХРСнинг асосий йўналишларини аниқлашга ёрдам беради.

ХРСни ишлаб чиқиш янгича ёндашувни, яъни «юқоридан пастга» тарзидаги анъанавий эмас, балки барча манфаатдор томонлар иштирокида ва уларнинг хоҳиш ва истакларини ҳисобга олган ҳолда «Пастдан юқорига» қараб шакллантирилади. Бу – янгича ёндашувнинг яшовчанлиги ва самарали эканлигини кўрсатиб берадиган асосий жиҳати ҳисобланади. Бундай ХРСни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш мавжуд амалиётни бутунлай инкор қилиш эмас, балки

худудларни ривожлантиришдаги ёндашувларни кейинги босқичга олиб чиқиш воситаси сифатида қабул қилиниши зарур. Шунинг учун ҳам худудларни ривожлантиришнинг янги ёндашувини қабул қилиш босқичма-босқич ва кадам-бакадам амалга оширилиши лозим. Янги ёндашув ёрдамида ХРСни амалга оширишда муваффақиятга эришиш кўп жиҳатдан маҳаллий ҳокимият органларининг салоҳияти, хоҳиш ва иродасига боғлиқ бўлади.

ХРСнинг қабул қилиниши ва амалга оширилиши, кўйилган мақсадларга эришишда сезиларли ўзгаришлар кузатилиши баробарида маҳаллий ҳокимиятга аҳолининг ишончи ортиб боради. Натижада, худудларнинг ўз ижтимоий-иқтисодий тараққиётини бошқаришларидаги масъулияти ортиб бориши ҳукумат учун оқилона ва самарали худудий ривожлантириш сиёсатини амалга оширишда янги «восита» тақдим этади. Буни амалга ошириш мумкинлигини ХРСнинг мақсад ва вазифаларини ҳам вертикал тарзда (алоҳида худудлар, вилоятлар, мамлакат), ҳам горизонтал тарзда (алоҳида олинган соҳалар ва иқтисодиёт тармоқлари) ўзаро уйғунлашиши, ушбу жараёнда давлат, хусусий сектор ва маҳаллий ҳамжамият манфаатларининг ҳисобга олинишини таъминловчи жаҳон тажрибаси кўрсатиб турибди.

## ХОТИМА

Ўзбекистонда кейинги беш йилда олиб борилаётган кенг қамровли ислохотлар натижасида мамлакатимиз минтақаларини комплекс ривожлантириш, мавжуд иқтисодий салоҳият ва табиий ресурслардан самарали фойдаланиш, ишлаб чиқариш омилларининг умумий унумдорлигини ошириш, юқори технологияли тармоқларни инновацион ривожлантириш масалаларига жиддий эътибор қаратилмоқда. Бунинг учун давлатимиз раҳбарининг бевосита ташаббуслари билан стратегик вазифаларни самарали амалга оширишда бошқарувни такомиллаштириш, иқтисодий муносабатларда бозор механизмларини кенг қўллаш ҳамда давлатнинг иқтисодий муносабатлардаги бевосита иштирокини қисқартириб боришга қаратилган бир қанча тизимли чора-тадбирлар кўрилмоқда.

Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда минтақа иқтисодиёти ва уни бошқариш масалаларига илмий ва амалий жиҳатдан янги қараш талаб этиляпти. Минтақа иқтисодиёти ва худудий бошқарувга оид илмий тадқиқот натижаларига асосланган ҳолда айтиш мумкинки, худудларнинг барқарор ривожланиши ва рақобатдошлигининг ошиши кўплаб омилларга боғлиқ ва минтақанинг ижтимоий ҳамда иқтисодий ҳолати билан алоқадор бўлган барча жараён ва ҳодисаларни комплекс қамраб олади. Шунинг учун ҳам ушбу жараён ва омилларнинг минтақа ривожланишига мультипликатив ва синергетик таъсир кўрсатишини доимий равишда баҳолаб, таҳлил қилиб бориш замонавий минтақавий иқтисодиёт фанининг энг долзарб вазифалари сифатида қаралиши мақсадга мувофиқ.

Минтақанинг барқарор ривожланишига таъсир этувчи ҳамда рақобатдошлик ҳолатини белгиловчи омиллар бошқариладиган ҳамда ўзини-ўзи ташкиллаштирувчи (жалб этувчи) хусусиятга эга эканлигини ҳисобга олган ҳолда улар тизимли равишда ва динамикада доимий баҳолаб борилиши зарур. Ушбу баҳолаш жараёнида минтақанинг рақобат салоҳиятини белгиловчи детерминантлар

омилли ва натижавийлик нуқтаи назаридан алоҳида ва ҳар тарафлама тадқиқ этилиши минтақа рақобатдошлигининг иқтисодий, технологик ва ижтимоий ресурслар ҳамда имкониятларининг кўп-киррала тарафларини қамраб олиш имконини беради.

Минтақа барқарор ривожланиши рақобатдошлигининг бошқариладиган ва ўзини-ўзи ташкил (жалб) қилувчи омилларини, уларнинг «жараёнга», «объектга», «лойихага» ва «муҳитга» йўналтирилганлиги тарафидан тадқиқ қилиш шуни кўрсатадики, табиий-хомашё ресурсларидан самарали фойдаланишда «объектга» йўналтирилган моделни қўллаш мақсадга мувофиқ. Минтақа иқтисодий салоҳиятидан оқилона фойдаланишда иқтисодий ўсишнинг ҳам «объектга», ҳам «лойихага» йўналтирилган моделларини тенг даражада қўллаш заруратини келтириб чиқаради. Шунингдек, «жараёнга» ва «муҳитга» йўналтирилган омиллар эса ишбилармонлик муҳитини яхшилаш ҳисобига минтақа рақобатдошлигини оширишда самара беради.

Минтақалар ривожланишидаги тафовутлар ва тенгсизликлар ортиб боришининг таҳлил натижалари шуни кўрсатадики, худуднинг технологик жиҳатдан суғулган иқтисодиётини барвақт «инновацион ривожланишга» йўналтириш самарасиз харажатларга олиб келиши мумкин. Инновацион ривожланиш моделини қўллаш иқтисодий ўсиш билан эндоген омиллар (юқори технологияга асосланган санат тармоқларининг мавжудлиги, иқтисодиётни самарали бошқариш тизими ҳамда қулай ишбилармонлик муҳитининг мавжудлиги ва ҳ.к.) ўртасида ижобий боғлиқлик аниқ кузатилаётган худудларда ўзини оқлайди.

Худудлар иқтисодий ўсиши эндоген омилларининг таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, иқтисодиётнинг хомашё етиштирувчи тармоқларини ривожлантиришга йўналтирилган инвестициялар самарадорлиги узок истиқболда кўпроқ ишлаб чиқариш миқёсининг ортишидан келадиган самарани рағбатлантириб, эндоген ўсиш омилларига кам даражада таъсир кўрсатади. Шу ўринда айтиш жоизки, Тошкент шаҳри, Самарқанд, Наманган ва Хоразм вилоятларида эса эндоген омилларнинг таъсири юқори бўлиб, иқтисодий ўсиш ва асосий капиталнинг ортиши бир-бирига мутаносиб равишда ўзгараётганлиги буни тасдиқламоқда.

Минтақаларда юқори технологияларга асосланган ва инновацион ишлаб чиқаришни ривожлантириш мақсадида инновацион ривожланишни комплекс равишда ҳам талаб, ҳам тақлиф нуқтаи назаридан қараб чиқиш заруратини келтириб чиқармоқда. Бунинг учун ишлаб чиқаришнинг материал ва энергия сифимини камайтириш ҳамда юқори технологик қувватларни жадал жорий қилиш мақсадида махсус дастурлар қабул қилиш (дастлабки босқичда Тошкент, Самарқанд ва Андижон шаҳарлари учун) мақсадга мувофиқ. Бу дастурларда, шунингдек, ишчи кучи сифати ва ходимлар салоҳиятини ошириш, касбга йўналтирилган таълим тизимини яхшилаш, кадрларни алмаштириш ва қайта тайёрлаш масалаларини қамраб олиш ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Урбанизациянинг Ўзбекистонда ўрта ва узок муддатларга белгиланган мақсадларига эришишда нафақат шаҳарсозлик стратегиясини амалга ошириш, шунингдек, демографик ўсиш, қишлоқдан шаҳарга меҳнат миграцияси, инфратузилмани ривожлантиришда давлат ҳамда бизнеснинг ўзаро ҳамкорлигига оид ва бошқа бир қанча омилларни тизимли ўрганишни талаб этади.

Бу борада мавжуд имкониятлар ва таҳдидларни тўлақонли ҳисобга олган ҳолда мавжуд қонунчилик асосларини ҳам такомиллаштириб бориш зарур. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси, маҳаллий давлат бошқаруви, тадбиркорлик, давлат-хусусий шерикчилиги, инвестициялар, ижара ва хусусийлаштириш, чет эл инвесторлари ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг кафолатлари ва чораларига оид қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши лозим. Қисқача айтганда, буларнинг барчаси худудий мувозанат ва барақарор ривожланишда тизимли ёндашувни шакллантиришга имкон беради.

Кичик ва ўрта шаҳарлар мисолида минтақалар рақобатдошлигини оширишда урбанизация омилларининг ҳиссасини баҳолаш натижалари уларда иқтисодий ўсишнинг катта захиралари борлигидан далолат бермоқда. Бу эса узок муддатли истиқболда кичик ва ўрта шаҳарлар иқтисодиётини ривожлантириш бўйича махсус дастур тайёрлаш лозимлигини кўрсатмоқда, шунингдек, бунда уларнинг нисбий устунликлари ва салоҳиятидан самарали фойдаланишни ҳисобга олиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Иқтисодий ривожлантиришнинг ҳудудий жиҳатларини таҳлил этиш натижалари минтақаларнинг саноатлашиш даражасини оширишда қишлоқ туманлари салоҳиятидан етарлича фойдаланилмаётганлигини кўрсатмоқда. Бу борада қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини қайта ишлаш саноати, бозор ва аутсорсинг хизматлари билан узвий боғланишини назарда тутувчи, қишлоқ туманлари ва шаҳар посёлкаларини уйғунлашган ҳолда ривожлантириш бора-сидаги жаҳон тажрибасини кенг қўллаш лозим. Унга кўра саноатлашмаган, лекин индустриал ривожланиш учун маҳаллий хомашё ва ресурсларга эга бўлган туманларда маҳаллий хомашёни чуқур қайта ишлаш имконини берувчи ишлаб чиқариш қувватларини жойлаштиришнинг ўрта ва узоқ муддатга мўлжалланган дастурларини ишлаб чиқиш зарур. Бу эса ўз навбатида, саноатни янада ривожлантириш эвазига ҳудуд аҳолисининг турмуш сифатини ошириш ҳамда вақти келиб саноатнинг иккиламчи тармоқларини ривожлантириш имконини беради.

Иқтисодийнинг хомашё тармоқларига таяниб қолиши, инвестицион фаолликнинг ҳудуд табиий-иқтисодий салоҳиятига мос келмаслиги ҳамда йирик саноат корхоналарининг бир нечта ҳудудларда жамланиши айрим минтақаларда (Қорақалпоғистон Республикаси, Жиззах, Сурхондарё, Наманган вилоятлари) асимметриянинг ортда қолиш ҳолатини келтириб чиқармоқда. Муаммонинг институционал жиҳатлари ҳудудларнинг узоқ муддатли истиқболда ривожлантириш стратегиялари доирасида тизимли чора-тадбирларни қабул қилиш зарурлигини кўрсатмоқда.

Бу борада юқори қўшилган қийматга эга бўлган, замонавий технологияларга асосланган ва экспортга йўналтирилган ҳамда тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган маҳсус иқтисодий зоналарни ривожлантириш ҳудудий кластерлар асосини шакллантириш имконини беради. Бунинг учун янгиликларни яратиш ва жорий этиш билан боғлиқ фаолиятларни кенгайтириш юзасидан прагматик чоралар қабул қилиш, инновацион маҳсулотлар ишлаб чиқарувчиларга имтиёзлар бериш ҳамда кичик бизнесни йирик саноат корхоналари билан уйғунлаштириш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистоннинг қатор ҳудудлари ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасидаги мавжуд тафовут, табиий, ижтимоий ва

демографик ҳолатларнинг турли-туманлиги ҳудудий сиёсатни амалга оширишда бир хилда ёндашиб бўлмаслигини кўрсатади. Фақатгина индивидуал ва комплекс ёндашувларгина ҳудуднинг табиий-иқтисодий салоҳияти ва нисбий рақобат устунликларидан самарали фойдаланиш имконини беради. Бу борада, айниқса, меҳнат унумдорлиги паст бўлган минтақалар иқтисодийида ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, инновацион ғоя ва технологияларни қўллаш бўйича чора-тадбирлар қабул қилиш зарур. Юқори қўшилган қийматга эга бўлган соҳаларни жадал ривожлантириш ҳисобига иқтисодийнинг энергия сифимдорлигини пасайтириш ҳудудлар учун стратегик муҳим масала ҳисобланади.

Минтақа иқтисодийини бошқаришнинг ташкилий-функционал асосларини тадқиқ этиш ва ўтказилган функционал таҳлил натижалари шуни кўрсатмоқдаки, маҳаллий ҳокимият органларида қарорлар қабул қилишда уларнинг эркинлик даражаси кейинги 4–5 йил ичида сезиларли даражада ошганлигига қарамадан, мустақил равишда қарорлар қабул қилиш ва уларнинг самарадорлигини баҳолаб бориш тизими йўлга қўйилмаган.

Натижада минтақанинг ривожланиш даражаси ва рақобатдошлик ҳолатини, асосан статистик маълумотлар асосида баҳолаш мумкин. Шу туфайли ҳам жараёнларни бошқаришда тизимли ишларни ташкил қилишга тўсқинлик қилувчи ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисидаги» Қонунда ижтимоий-иқтисодий жараёнларни бошқаришнинг жорий ва тезкор вазифаларини ҳуқуқий нормалар орқали ифода этиш, минтақаларни узоқ муддатда ривожлантиришнинг устувор йўналишларини белгилаш борасидаги ваколатлари, ҳуқуқ ва мажбуриятларини аниқ белгилаш вақти келди. Яъни, бошқарувнинг мослашувчанлигини таъминлаш, тартибга солиш ва мувофиқлаштириш мақсадида уларни ягона занжир шаклида боғлаш муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу мақсадда, маҳаллий бошқарув органларининг функционал фаолиятини уч йўналишда, яъни стратегик бошқарув, стратегик вазифаларни амалга ошириш мониторинги, тартибга солиш ва мувофиқлаштириш йўналишларида ташкил этиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Юқорида таклиф этилган тизимли чораларни ягона концептуал схемада ифода этган ҳолда, минтақалар барқарор риволаниши ва

рақобатдошлигини оширишга қаратилган минтақаларни 2030 йилгача ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқиш ва унинг асосида барча минтақалар ўзига хос жиҳатлари ва хусусиятларидан келиб чиқиб, минтақалар ривожланишининг ўрта ва узоқ муддатга мўлжалланган стратегияларини умумий тамойил ва ёндашувларга асосланган ҳолда ишлаб чиқишлари мақсадга мувофиқ бўлади.

Ушбу ХРСларда ташқи ва ички омилларнинг таъсирини ҳамда ривожланиш сценарийларини ҳисобга олган ҳолда стратегик тасаввурларни шакллантириш, аниқ стратегик мақсад ва вазифаларни белгилаш, узоқ муддатли дастурлар ва лойиҳаларни ишлаб чиқишлари ҳамда ушбу стратегик ҳужжатларни маҳаллий Кенгашлар муҳокамасига олиб чиқишлари таклиф этилади.

## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Krugman P. Geography and Trade. Cambridge: The MIT Press, 1992.
2. Fujita M., Krugman P., Venables A.J. The Spatial Economy: Cities, Regions and International Trade. – The MIT Press, 2001. P. 384.
3. Портер М. Международная конкуренция: Пер. с англ. / М.: Международные отношения, 1993. – 886 с.
4. Садыков А. М. Основы регионального развития: теория, методология, практика // Монография. – Т.: IQTISOD-MOLIYA, 2005. – 280 с.;
5. Солиев А.С. Иқтисодий география назария, методика ва амалиёт. Монография. – Т.: «Камалак», 2013. ;
6. Абдусаломов М.А. (и др.) Производительные силы и совершенствование экономических связей Узбекистана. – Т.: ФАН, 1986. – 143 с. ;
7. Каюмов А. А. (ва бошқалар). Минтақавий иқтисодиёт. – Т.: Университет, 2004. – 102 с.
8. Krugman P. The Return of Depression Economics and the Crisis of 2008, 2009. New York: W. W. Norton & Company. – P. 214.
9. Айзард У. Методы регионального анализа: введение в науку о регионах. – М., 1966. С. 301.
10. Гранберг А.Г. Основы региональной экономики: учебник для вузов. 4-е изд. – М.: ГУ ВШЭ, 2004. -495 стр.
11. Портер М.Э. Конкуренция.: Пер. С англ. – М.: Издательский дом «Вильямс», 2003.- 608 с.
12. Solow R. M. A Contribution to the Theory of Economic Growth // The Quarterly Journal of Economics. 1956. – Февраль (vol. 70, № 1). – P. 65–94.
13. North D., Thomas R.P. (1973) The Rise of the Western World: A New Economic History, Cambridge: Cambridge University Press.
14. Rodrik D., (ed.) (2003) In Search of Prosperity: Analytical Narratives on Economic Growth. Princeton University Press.
15. Baumont C., Ertur C., Le Gallo J. (2002) The European Regional Convergence Process, 1980–1995: Do Spatial Regimes and Spatial Dependence Matter?
16. Fujita M., Krugman P., Venables A. J. The Spatial Economy: Cities, Regions and International Trade. – The MIT Press, 2001. – P. 384.
17. Fujita M., Thisse J.-F. (2002) Agglomeration and growth with migration and knowledge externalities, Kyoto University Institute for Economic Research, WP.

18. Krugman P. Space: The Final Frontier // Journal of Economic Perspectives, 1998. 12(2), – pp. 161-174.

19. Портер М. Международная конкуренция: Пер. с англ. / Под ред. В. Д. Щетинина. – М.: Международные отношения, 1993. – 886 с.

20. Назаров Ш. Методологические аспекты повышения конкурентоспособности регионов / Монография. Ш.Х. Назаров. – Ташкент: IFMR, 2014. – 212 с.

21. Сепик Д. Индикаторы конкурентоспособности регионов: европейский подход // «Регион: экономика и социология», 2005, № 2. – С. 197-205.

22. Серебрякова Л. А. Методы оценки уровня социально-экономического развития регионов // Вестник СевКавГТУ, серия «Экономика», 2003, № 3.

23. Смит А. Исследование о природе и причинах богатства народов. В 2-х т.–М.:Наука, 1993. – 570 с.

24. Афанасьев В.С. Давид Рикардо. – М.: Экономика, 1988. – 128 с.

25. Олин Б. Межрегиональная и международная торговля // Вехи экономической мысли. Т.6. Международная экономика / Под ред. А. П. Кирева.

26. Сепик Д. Индикаторы конкурентоспособности регионов: европейский подход // «Регион: экономика и социология», 2005, № 2. – С. 197-205.

27. Селезнев А. З. Конкурентные позиции и инфраструктура рынка России. – М.: Юристъ, 1999.

28. Панкрухин А. П. Маркетинг территории. – М.: РАГС, 2002. – 328 с.

29. Корнай Я. Системная парадигма // «Вопросы экономики», 2002, № 4. – С. 4-23.

30. Клейнер Г. Б. Системная парадигма и экономическая политика. «Общественные науки и современность», 2007, № 2, 3.

31. Competitiveness & Growth in Europe. Lessons & Policy Implications for the Lisbon Strategy. Ed. by S. Mundshenk & others. Edward Elgar Publishing. London, 2006. – P. 4.

32. Ballasa V. (1965) Trade Liberalization and ‘Revealed’ Comparative Advantage’, The Manchester School of Economic and Social Studies. Vol. 32, pp. 99-123.

33. Porter M. Competition. Publishing House «Williams», 2000.

34. Enright M. J. Why Local Clusters Are the Way to Win the Game? // Word Link, No: 5, July/August, 1992, pp. 24-25.

35. Enright M. The Geographical Scope of Competitive Advantage // Stuck in the Region? Changing scales for regional identity / Ed. by E. Dirven, J. Grocnewegen and S. van Hoof. Utrecht, 1993, pp. 87-102.

36. Мирзиёева С.Ш. Методологические основы стратегирования социально-экономического развития Узбекистана: монография. – СПб. : ИПЦ СЗИУ РАНХиГС, 2020. – 184 с.

## ИЛОВА

*(«Экономическое обозрение» журналида 2017-2019 йиллар оралигида рус тилида чоп этилган мақолалар матни).*

### **Гармонизация вертикали и горизонталей призвана повысить эффективность государственного управления**

«Необходимость эффективного решения имеющихся в настоящее время в жизни общества проблем, последовательного продолжения широкомасштабных реформ требует создания совершенно новой системы в сфере государственного управления.

В сфере управления, в первую очередь, мы должны внедрить конкретные критерии и порядок совершенствования деятельности органов исполнительной власти, рационального использования кадровых, материальных ресурсов.

Во-вторых, необходимо четко определить порядок осуществления задач, возложенных на органы исполнительной власти, круг их ответственности.

В-третьих, следует сократить административное влияние на отрасли экономики и широкое использование рыночных механизмов. То есть требуются ограничение участия государства в создании бизнес-структур, разработка соответствующих рыночных механизмов, передача отдельных функций государства частному сектору.

В-четвертых, нужно усовершенствовать методы и приемы, обеспечивающие тесное сотрудничество между представительными органами и органами исполнительной власти, и поэтапно отказаться от чрезмерно централизованного управления. Необходимо оказание государственных услуг непосредственно на местах, расширение финансовых и других возможностей для органов местной власти. Следует оптимизировать и упростить имеющиеся процедуры, внедрять инновационные формы управления.



В-пятых, необходимо реформирование института государственной службы, внедрение действенных механизмов борьбы с коррупцией. Сегодня сама жизнь требует от нас формирования профессиональной, мобильной и нацеленной на конкретные результаты системы государственной службы, разработки эффективной системы, открывающей широкую дорогу инициативным, мыслящим по-новому, преданным Родине и народу кадрам».

В Узбекистане последовательно реализуются меры, направленные на сокращение участия государства в экономике страны, осуществляется поэтапный переход от использования преимущественно командно-административных методов управления к рыночным регуляторам государственного воздействия на экономику.

В процессе преобразований конкретизируются функции государственных органов управления, исключается их дублирование. Осуществляются меры по сокращению участия государства в экономике на республиканском, отраслевом и местном уровнях. Поэтапно внедряются инструменты, предусмотренные Концепцией административной реформы, которая также предполагает дальнейшее сокращение административного воздействия государства на отрасли экономики и расширение рыночных механизмов управления. призвана повысить эффективность государственного управления. Успешная реализация широкомасштабных реформ и достижение целей Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Узбекистана в 2017-2021 годах требуют создания совершенно новой, эффективно и качественно функционирующей системы государственного управления, а также использования адекватных ей рыночных инструментов регулирования экономики при минимальном участии государства. О необходимости этого указывал Президент Республики Узбекистан Шавкат Мирзиёев в Послание Олий Мажлису.

За короткий срок сделано немало по улучшению деловой среды и предпринимательского климата в стране. Проведена масштабная работа по либерализации валютной политики, упрощению внешнеторговых процедур. С 1 июня 2018 года отменены 80 отдельных лицензируемых видов деятельности и разрешительных процедур в

сфере предпринимательской деятельности. В том числе путем объединения 38 видов в 17, по 25 видам сокращены сроки оформления, 14 функций по выдаче лицензий и документов разрешительного характера переданы от вышестоящих органов государственного управления нижестоящим, а также органам государственной власти на местах.

В то же время, несмотря на принимаемые меры, избыточность регулирования «по вертикали» в экономике оказывает негативное влияние на расширение действия рыночных стимулов, формирования цен в зависимости от спроса и предложения, переход к рыночным принципам кредитования, приток частных и иностранных инвестиций и др. Остается недостаточно развитым рынок капитала. Развитость и обороты фондового рынка не соответствуют требованиям рыночной экономики.

Инициативы по реформированию и модернизации экономики, в основном, исходят сверху. При этом остается высокой заинтересованность среднего и низшего звеньев управления (уровней власти) преимущественно реализовывать узковедомственные цели за счет государственных программ и проектов при отсутствии на этих уровнях достаточной мотивации для проявления самостоятельной инициативности. Поэтому, например, в регионах принцип мотивации – чем больше частного бизнеса на местной территории, тем больше налоговых поступлений в местный бюджет и тем больше у местных властей финансовых возможностей для реализации инфраструктурных и социальных проектов для местного населения – пока не стал главным приоритетом в их работе.

В целом, действующая институциональная система и существующие механизмы управления сталкиваются с серьезными проблемами на пути качественного решения оперативных и тактических задач, не говоря о стратегических целях и современных вызовах. Как сказал Президент Ш. Мирзиёев, «в настоящее время наблюдается ситуация, когда в органах государственной власти в большинстве случаев не налажено рациональное и эффективное использование потенциала кадров, распределение их обязанностей и полномочий. Как результат такое положение дел мешает нашей работе». Так, в чем заключаются причины этого?

Практика показывает, что предприятия с половиной и более государственной доли бывают менее заинтересованы в развитии конкурентной среды, создании равных условий для всех субъектов предпринимательства. Недостаточная оптимизированность системы государственного управления, а также отсутствие четкой нормативно-правовой базы, регулирующей участие государства в функционировании этих субъектов, приводят к ухудшению качества управления. Если рассматривать производства промышленной продукции и потребительских товаров, то в данном секторе более 40% мощностей приходится на предприятия с долевым участием государства.

Несмотря на то, что в последнее время были приняты новые законы, которые ориентировались на прямое действие, сохраняется превалирование ведомственного нормотворчества. При разработке нормативных документов следует учитывать, что вовлеченность хозяйственных объединений в законо- и нормотворческие процессы позволяет им добиваться более благоприятных условий входящих в их состав предприятий. Но при этом снижаются стимулы этих предприятий для повышения своей конкурентоспособности. Кроме того, активное ведомственное нормотворчество во многих случаях приводит к увеличению объема и уровня административных издержек для бизнеса и граждан.

В системе отраслевого управления ключевой проблемой остается то, что механизмы управления хозяйственными объединениями, а также государственными активами, включая принадлежащие государству доли в уставных фондах хозяйственных обществ, демонстрируют недостаточно высокие уровни экономической и управленческой эффективности. Показатели производительности труда и доходов с единицы капитала в хозяйственных обществах с государственной долей отстают от показателей предприятий аналогичных отраслей в зарубежных странах. В совокупности это сдерживает возможности повышения конкурентоспособности как отдельно взятых предприятий, так отраслей и экономики в целом. Организационные структуры и управленческие процессы в органах хозяйственного управления построены по аналогии министерств и

не обладают достаточной гибкостью. Это препятствует динамично перестраивать свою деятельность, исходя из требований рынка, и продолжает опираться на директивные механизмы. Процедуры публичной подотчетности и оценки деятельности руководителей хозяйственных объединений пока еще не служат инструментом повышения эффективности и качества управления.

Несмотря на принятые меры по сокращению разрешительных процедур, лицензирование, предоставление льгот и преференций, все еще продолжают иметь место признаки «ручного административного управления» экономикой. Опыт стран с переходной экономикой показывает, что сохранение высокой регулятивной нагрузки в виде разрешительных процедур, лицензий, а также требований, закрепленных различными стандартами и техническими регламентами, сдерживает переход к рыночным стимулам.

Традиционно вертикальные схемы управления организуются, в основном, в функциональном формате. Регулирование процессов с избыточными управленческими функциями порождает бюрократию и со временем становится менее эффективным. Практика показывает, что в функциональной модели управления результат оценивается выполнением поручений, а не его полезностью для конечного потребителя.

Проведенный ЦЭИ совместно с АГУ функциональный анализ деятельности местных органов власти показывает, что функциональный формат организации работ исполнительного органа предполагает широкое распределение полномочий, что приводит к снижению ответственности за достижение результата. Анализ выполняемых функций и полномочий работников местных органов власти выявил от 10 до 20 дублирующих функций с другими организациями, от 5 до 10 несвойственных функций. При этом около 10 присущих хокимиятам функций отсутствуют. Как показывает практика административного регламентирования, включающая оценку результативности управления путем внедрения количественных показателей, такой подход провоцирует управленческий персонал имитировать успешную деятельность в своих отчетах. Об этом говорил наш Президент: «Самое важное, в экономической

политике критически пересмотрен такой неприемлемый метод, как гонка за нереальными цифрами, стремление выдать за действительность утопические планы. Достижение конкретных результатов и обеспечение интересов человека определены в качестве главной цели наших реформ». Это говорит о том, что общим знаменателем модернизации государственного управления должны стать не количественные индикаторы, а качество государственных услуг и менеджмента. В вертикальной схеме при слабом взаимодействии по горизонтали различных функциональных структур практически невозможно достичь таких результатов.

В качестве яркого примера можно привести сложности, возникшие при создании свободных экономических зон. При отсутствии горизонтальных связей межведомственное взаимодействие при решении сложных задач упирается в глубокие вертикальные «колодцы». Такие проблемы, как предоставление земель, зданий и сооружений потенциальным инвесторам, подведение инженерно-коммуникационной инфраструктуры, доступ к газу, воде, электричеству, согласование инвестиционных проектов, которые возникают на границе ведомств, поднимаются вверх по вертикали на уровень высшего руководства. Слабое взаимодействие и кооперация между различными управленческими структурами порождают излишнюю централизацию полномочий по управлению и координации СЭЗ.

Ретроспективный анализ реформ по совершенствованию системы управления позволяет понять глубинные сдерживающие факторы данного процесса. Основная причина сводится к несоответствию между ранее сформированной вертикальной системой и зарождающимися в процессе децентрализации элементами «горизонтального» метода управления. Несмотря на принимаемые меры по модернизации и освоению современных инструментов регулирования социально-экономических процессов, сегодня продолжает сохранять серьезные позиции вертикальная модель управления. Многие предыдущие попытки внедрения модных технологий (регламентирование, узкая специализация, функциональные и линейные структуры) порождали в большей степени имитацию действий и, наоборот, усиливали вертикальные связи в формате «сверху вниз».

Анализ зарубежного опыта государственного регулирования экономики показывает, что в ряде успешно развивающихся стран функционирует модель «умное государственное регулирование» (Китай, Япония, Южная Корея, Сингапур, Малайзия, Турция, Норвегия, Германия и другие). Не допускается принятие решений (постановлений, распоряжений) без предварительного обсуждения нормативно-правовых актов и без обоснованной оценки их воздействия на экономику страны. Не принимаются документы, приводящие к конфликту действующих норм, двойному толкованию, коррупционному проявлению, избыточному государственному регулированию. Обеспечивается переориентация государственных органов на устранение причин имеющихся проблем, а не на борьбу с их последствиями.

Многие развитые и успешно развивающиеся страны в целях рационализации системы управления применяют современные методы бизнесменеджмента для повышения качества государственного управления. Наиболее заметными инновациями можно назвать внедрение принципов проектного и процессного управления.

Процессный подход, как стандартный инструмент для государственного управления, внедрен в практики большинства развитых стран. Процессный подход охватывает совокупность взаимосвязанных и взаимодействующих видов деятельности. Работники или ответственные, задействованные в процессе, могут самостоятельно принимать решения без участия вышестоящего руководства. В международной практике процессный подход к государственному управлению применяется при: выработке государственной политики, реализации целевых программ; осуществлении контрольных и надзорных функций; выдаче лицензий; установлении тарифов и преференций; в управлении различными сферами социальной жизни (образование, здравоохранение, благоустройство, транспорт, ЖКХ и др.). Внедрение процессного подхода позволит переориентировать управление с выполнения функций на получение заданных результатов на формат «снизу-вверх». Внедрение процессного подхода можно осуществлять поэтапно, начиная с относительно

автономных процессов. Например, с пилотных проектов в развитии СЭЗ, внедрения инноваций, подготовки кадров и др.

Главным критерием эффективности процессного подхода является польза, выгода или удовлетворенность конечного потребителя, а в сфере государственного управления конечным потребителем являются определенные социальные слои общества. В общественном секторе оценка результативности или воздействия управления должна базироваться на удовлетворенности населения. Как показывает мировая практика, такая оценка достигается путем интеграции в практику государственного управления принципов всеобщего менеджмента качества (Total Quality Management, TQM).

По существу, TQM выступает альтернативой традиционным централизованным методам управления, основанным на вертикальной структуре и функциональном разделении задач, что не способствует установлению сетевых взаимосвязей между государством, гражданами и обществом. В отличие от этого TQM предполагает построение горизонтальных моделей, позволяющих эффективно организовать весь процесс создания ценностей (оказания услуг) для населения. Именно процессный подход как ключевой элемент TQM позволяет ускорить автоматизацию и цифровизацию управленческих задач (функций), устранить дублирующие и избыточные действия внутри процесса.

